

37  
И-43



Қ.ЙЎЛДОШЕВ

АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ



452 83.3  
34  
И-43

Қ. ИУЛДОШ ЕВ




# АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

(Умумтаълим мактаблари ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари,  
илмий ходимлар ҳамда олий ўқув юртлари филология факультетлари-  
нинг талабалари учун мўлжалланган)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

341 (075.8)

2022 X



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Масъул муҳаррир: С. МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор.

ИБ 69

Иўлдошев Қ.

Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари: Мактаб ўқитувчилари, илмий ходимлар, талабалар учун.— Т.: Ўқитувчи, 1996.—152 б.

8'19Z'L

ҚОЗОҚБОЙ ИЎЛДОШЕВ

## АДАБИЕТ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудирини Х. Ҳайитметов  
Муҳаррир Қ. Юсупова  
Бадий муҳаррир З. Абдурасулова  
Техн. муҳаррир Т. Скиба  
Мусахҳиҳ З. Фуломова

ИБ № 6946

Теришга берилди. 25.09.95. Босишга рухсат этилди. 15.12.95. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Кегли 10 шпонсиз. Литерат. гарнитураси. Тип. қоғози. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 7,98. Шартли кр.-отт. 8,085. Нашр. л. 7,52. 3000 нусхада. Буюртма № 2361.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси. 30. Шартнома № 13—117-95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 70002. Тошкент, Савбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй, 1995.

И 1306010400 — 78 96 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1996  
353(04) — 96

ISBN 5—645—02774—4

## К И Р И Ш

Жамиятнинг тараққиёти соғлом ақлга мувофиқ йўналишга тушуви билан унда инсон омилининг салмоғи ортади. Инсон омилининг ошуви эса бу жамиятда маънавий қадриятларга эътибор кучайишига олиб келади. Маънавий қадриятлар устивор бўлган жамият чин тараққиёт йўлига тушган ҳисобланади. Мустақилликка эришган мамлакатимизда маънавий қадриятларга эътиборнинг бениҳоя ортиб бориши шу маънода табиий ҳолдир. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг туб ўзгаришларга юз тутиши жамият аъзоларининг онгида ҳам кескин эврилишлар бўлишига олиб келди. Миллий тафаккурдаги янгилашиш маънавий қадриятларни шакллантиришга даъват этилган муассасалар ишида ҳам туб бурилишлар бўлишини тақозо этади.

Мактаб адабий таълими жамият маънавий қадриятларини шакллантиришда энг кўп иштирок этадиган фаолият тури бўлганлиги учун ҳам мустақилликка эришилгандан буён уни янгиланган шароит талабига мувофиқ уюштириш, соғлом мантиққа тўғри келадиган тарзда ташкил қилишга уриниш кучайганлиги ва мазкур муаммо билан мутахассислар ва мутассадди бўлган идораларнинг ходимларигина эмас, балки жамият фаол аъзоларининг кўпчилиги бевосита шуғулланишга уринаётганликлари табиий ҳолдир.

Адабий таълимни янгилаш ишини, умуман, педагогик фикрда қандай ўзгаришлар рўй берганлигини ҳисобга олмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган миллатнинг педагогикасига хос бўлган асосий хусусиятларни аниқлаш, бу фаннинг тараққиёт тамойилларини белгилаш ва бу жараёнда жаҳон тарбияшунослигидан узилиб, биқик миллий амалиёт хулосалари асосида фаолият кўрсатиш

хавфидан ҳам, айти вақтда, миллий хусусиятларни ҳисобга олмасликдай ғайриилмий ҳолатдан ҳам сақланиб қола билиш йўллари кўрсатиш ва назарий жиҳатдан асослаш эҳтиёжи туғилади.

Миллий илдизларга таянган, янгиланган тафаккур маҳсули бўлмиш педагогика фани асосида адабий таълим қай йўсинда йўлга қўйилиши зарурлигини белгилаш катта назарий ва салмоқли амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий шароитнинг, педагогика илмининг тубдан ўзгариши адабиёт ўқитишда ҳам сифат жиҳатдан янгиланиш бўлишини тақозо қилади. Адабий таълим моҳиятидаги сифат ўзгаришларининг илмий-назарий асослари нималардан иборатлигини тадқиқ этиш адабиёт ўқитиш методикаси илми олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Негаки янгиланаётган илмининг умумназарий жиҳатлари тўғри ва соғлом маънига мувофиқ ҳал этилмай туриб, унинг хусусий муаммоларини ҳал қилишга уриниш пойдеворсиз иморат қуришдай самарасиздир. «Адабиёт ўқитишнинг илмий назарий асослари» номли тадқиқот иши ҳам янгиланаётган педагогика илмида, ҳам адабий таълим методикаси фанида рўй берган, бераётган ва бўлиши кутулаётган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан умумлаштириш ва педагогик тажрибага айлантириш ҳолда амалий жиҳатдан тадбиқ қилишни асослаш самараси ўлароқ вужудга келди. Тўғри, шу вақтга қадар ҳам мактабда адабиёт ўқитишнинг назарий масалалари турли китоблар ва илмий тадқиқотларнинг объекти бўлган эди. Лекин уларда адабий таълимнинг хусусий муаммоларини ҳал қилишга кўпроқ эътибор қаратилар, адабий таълимнинг умумназарий жиҳатлари эса ҳар томонлама ўрганилмаган эди. Ҳолоки, муайян бир фаннинг умумназарий асослари тўлиқ ишланмай туриб, унинг хусусий масалаларини тўғри ҳал этиш асло мумкин эмас.

Адабий таълимнинг умумназарий муаммолари пухта ишланмаганлиги учун мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифаси, мазмуни сингари тушуначаларнинг белгилари ҳанузгача узил-кесил аниқлик билан қилинган йўқ. Ушбу қўлланмада айти шу масалаларни алоҳида эътибор қилинган ва бу муаммолар атрофида тадқиқ этилган.

Адабиёт ўқитиш иши шу вақтга қадар синфий, ижтимоий, ғоявий ва партиявий нуқтанан назар билан тад-

қиқ этилиб келинди. Эндиликда унга соф бадий-эстетик ва маънавий-педагогик жиҳатдан ёндашиш тамойилларини белгилаш мавриди келди.

Адабиёт ўқитиш жараёнида бадий асар таҳлили, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг янги моҳият касб этганлиги сингари қирралар ҳам салмоқли назарий умумлашмалар қилинишига муҳтождир. Гарчи миллий адабиёт ўқитиш методикаси фани дидактик таҳлил борасидаги бир қанча тадқиқотларга эга бўлсада, ўқув таҳлилининг назарий эстетик асослари махсус илмий таърифга эга эмас. Бинобарин, адабий таълимдаги энг асосий юмуш — бадий таҳлилга янгича, эстетик жиҳатдан ёндашишнинг талабларини шакллантириш зарурияти ҳам мавжуддир. Мазкур тадқиқотда ўқув таҳлили тўлиқ умумназарий тарзда ўрганилди ва таҳлил турлари, уларга қўйиладиган талаблар, дидактик таҳлилнинг тамойиллари, таҳлилни амалга ошириш усуллари ҳақида батафсил фикр юритилди.

Умумтаълим мактабларида адабиёт нима учун ва қандай ўқитилиши кераклигини белгилаш ҳамда адабий таълимни амалга ошириш жараёнида таянилиши зарур бўлган илмий-назарий, эстетик-педагогик асосларни ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган юмушга айланди. Ўқувчилар бадий адабиётни нима учун ўқишлари кераклигини, уларга қандай асарлар тавсия этилиши лозимлигини, бу асарларни ўзлаштириш жараёнида тарбияланувчиларда қандай сифатлар шакллантирилиши жоизлигини аниқ-равшан белгилаб олгандагина адабиёт ўқитишнинг самарадорлигига эришиш мумкин бўлади.

Бадий адабиётни ўрганиш машғулотига жамият томонидан белгилаб берилган бош, умумий мақсаддан ташқари ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг хусусий мақсади ҳам бўлиши мумкинлиги сингари жиҳатлар текширилиши ва жиддий илмий хулосаларга келиниши вазиятнинг талабига айланди.

Адабий таълим инсонийлашган, мафкуранинг бўғовларидан қутулган шароитда уни янгича ташкил этиш, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи шахслари ўртасидаги муносабатларнинг педагогик меъёрларини белгилаш, уни соғлом инсоний асосларга қўйиш ўта долзарб илмий-методик вазифалардандир. Мазкур қўлланмада адабий таълим иштирокчиларининг сиёсатдан, мафкурадан холи туриши ҳамда дунёқарашлар хилма-хил

лиги шароитида иш кўришга мослашиш тамойиллари тадқиқ қилинди. Адабиёт ўқитишда соғлом фалсафий асосларга таяниш, айни вақтда, дунёқарашни шакллантиришда ўқувчи шахси ва унинг тафаккур тарзига таъинлиқ ўтказишга йўл қўйилмаслиги кераклиги Туркистондаги адабий таълим тарихи ва жаҳон мактабларидаги адабиёт ўқитиш тажрибасига суянилган ҳолда атрофлича тадқиқ қилиниши педагогик заруриятга айланганди. Инсонга энг олий мавжудот сифатида ёндашувчи калом фалсафаси ва тасаввуф таълимотига хос тушунчалар, оламни идрок этиш, тушуниш, унинг тараққиёт қонуларини изоҳлаш борасида исломий-тасаввуфий қарашларга ҳамда минг йиллик тарихга эга Гарб фалсафий қарашларининг Аристотель, Платон, Гегель, Жан Поль, Фрейд, Ницше, Розанов, Ушинский, Кантеров, Бердяев сингари мутафаккирларнинг фалсафий фикрларига ҳолисона ёндашилган ҳолда иш кўрилди. Форобий, Ғаззолий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Арабий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Ризоуддин ибн Фахруддин сингари Шарқ тафаккури намояндаларининг бадийий ижод ва тарбияга доир қарашларига суяниб иш кўриш баробарида бу мутафаккирларда ўз қарашларини ягона тўғри фикр сифатида ўтказишга интилиш ҳоли сезилмаслигига эътибор қилинди. Дидактик плюрализм комил шахсни шакллантиришнинг энг мақбул йўли эканлиги ҳисобга олинган ҳолда хулосалар чиқарилди ва тавсиялар берилди.

Ўзбек адабиётини ўқитишга доир янгича хулосаларга келишда ўтмиш тажрибаси билан бирга замонавий ўзбек методика илмининг намояндалари қарашлари ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, турк, тожик, рус, латиш, грузин, украин ва бошқа бир қатор халқлар методист олимларининг илгор фикрлари синчиклаб ўрганилди ва ўзбек адабий таълими назарияси ҳамда амалиётига мувофиқ келадиган хулосалар сараланди.

Бадийий адабиёт тарбияланувчиларга адабиёт бўйича қандайдир билимлар мажмуини сингдириш учун ўқитилмаслиги, балки жозибали бадийий сўз воситасида ўқувчиларнинг ҳиссиётларига таъсир қилиш орқали уларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш йўли билан болаларни комил инсон бўлиш сари етаклаш мақсад эканлиги методикамиз тарихида илк бор тадқиқ этилди.

Жамиятнинг қай йўсинда ривожланиши жамият аъзоларининг маънавий қиёфаларига боғлиқ. Фуқароларнинг маънавиятини шакллантиришда беқиёс имкониятга эга бўлган адабий таълимнинг самарадорлигини ошириш, уни тўғри илмий асослар устига қўйиш нафақат назарий, балки соф амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Адабиёт ўқитишнинг умумназарий муаммоларини бу тариқа ҳар томонлама ўрганиш адабий таълимнинг давлат ўлчамларини белгилашда, адабиёт ўқитишнинг йўриқ (концепция)ларини яратишда, ўқув режаларини тузишда, ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва дарсликлар ёзишда таяниладиган соғлом илмий асосдир. Методик қўлланмалар, методик тавсиялар яратишда ҳам мазкур асосларга суяниб иш кўриш мақсадга етиш имконини беради. Шунингдек, адабиёт ўқитиш методикаси бўйича олиб бориладиган илмий изланишларга ҳам мазкур тадқиқот назарий асос бўлади. Олий ўқув юртларида адабий таълимни йўлга қўйиш, адабиёт ўқитиш методикаси фани бўйича бўладиган машғулотларни уюштиришда ҳам тўлиғича ушбу тадқиқот хулосаларига суяниб иш кўрилганда мақсадга мувофиқ бўлади.



# 1 БОБ. ЯНГИЧА ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## СОҒЛОМ ПЕДАГОГИК ФАЛСАФА ВА ЯНГИЛАНГАН ТАРБИЯШУНОСЛИКНИНГ ЕТАҚЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай жамият ундаги устивор маънавий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа хил қадриятлар ҳамда талабларга жамият аъзолари оғишмай амал қилган тақдирдагина мавжуд бўла олади. Жамиятнинг тарихий, иқтисодий, жуғрофий, мафкуравий ўзига хосликлари туфайли майдонга келган қадриятлар ва меъёрларга фуқароларнинг яширин ёхуд очиқ амал қилмай қўйиши, уларни бажаришдан бўйин товлаши мазкур жамиятнинг таназзулидан далолатдир. Ҳукмрон кучлар томонидан кўрилган тадбирлар, бош кўтарганларга ўтказилган тазйиқлар жамиятнинг умрини бироз узайтириши, таназзулни бирмунча кечиктириши мумкин, лекин уни ҳалокатдан сақлаб қола олмайди.

Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги абдий категориялардан бўлмиш тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи қадриятлар ва меъёрлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтирилиб келинади. Жамиятнинг устивор қадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар жамиятнинг ўзгаришига олиб келганидек, унинг тарбия тизимини ҳам ўзгаришга мажбур қилади. Шу маънода, социалистик жамиятнинг таназзулидан кейин коммунистик мафкура талаблари асосида, марксча-ленинча фалсафа тамойилларига кўра бунёд этилган педагогик қарашлар тизими ҳам тубдан ўзгаришларга учраши зарурлиги табиий ҳолдир. Чунки айнан педагогика илми — тарбияшунослик кишиларни муайян жамиятда яшай оладиган ва бошқаларга халақит бермаган ҳолда фаолният кўрсата биладиган даражада тайёрлаш тадбирлари мажмуини ишлаб чи-

қилиш билан шуғулланади. Алоҳида шахсларнинг майл-истакларини жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан тан олинган устивор қадрият ва талабларга мослаштириш тадбирларини белгилайди.

Маълумки, ҳар қандай жамият ўз аъзоларига муайян ижтимоий идеаллар асосида ёндашади ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари, қарашлари, интилишлари ва яшаш тарзлари ана шу идеалга мувофиқ келишини хоҳлайди.

Тарбияга муносабатни, педагогик қарашлар тизимини ўзгартириш, уни сунъий қолиплардан холи қилиш, тарбияшунослик илмини янгича асосларга қўйиш, педагогика фани олдида турган мақсад ва вазифаларни мутлақо янгилашга интилиш фақат бизда эмас, балки бутун дунёда рўй бераётган жараёндир. Ривожланган мамлакатларда педагогик қарашларни янгилаш зарурлиги асримизнинг саксонинчи йиллари бошида сезилган ва илғор педагог олимлар бу борадаги мулоҳазаларини уртага ташлаб бошлаган эдилар. Бинобарин, миллатимиз педагогик илмлари тизимини янгилаш ва уни соғлом тамойилларга қўйиш учун бошланган ҳаракатларни умумжаҳон тарбияшунослигида рўй бераётган янгиланиш жараёнининг узвий бўлаги тарзида тушуниш жоиз. Шу пайтга қадар амалда бўлган педагогик қарашларнинг асосий тамойиллари бизнинг руҳиятимиз, анъаналаримиз, тушунчаларимиз, ахлоқий қарашларимиз, маънавий қадриятларимизга ёт эди. Миллатимиз табиатига мувофиқ бўлмаган, унинг руҳиятига хос хусусиятларни ҳисобга олмаганлиги учун ҳам бу педагогик қарашлар тизими керакли самарани бера олмади. Янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган педагогика аввалги янгилиш тамойилларидан батамом қутулиши, фақат бугуннинг эмас, балки олис истиқболнинг талабларини ҳам ҳисобга олган ҳолда янгича илмий тушунчалар бунёд қилиши лозим бўлади.

Социалистик педагогика моҳият эътибори билан миллий тарбия мезонларини тан олмаслик, қадимий ахлоқ меъёрларидан юз ўгириш, педагогик тушунчаларни сунъий равишда зўрлик билан ижтимоий қолипларга тикиштириш, оғизда инсон табиатига хос хусусиятларни ҳисобга олиш кераклигини эъгиروف этган ҳолда, амалда бу хусусиятларни инкор этишдан иборат тарбияшунослик эди. Гарчи социалистик педагогика «янги одам-

ни шакллантириши», «ҳар жиҳатдан етук шахсни тарбиладан» голларини мақсад деб эълон қилган бўлса ҳам, амалда бу борада изчил иш олиб бормади. Боз устига, ўзининг бугун кучини жамият аъзоларида ана шундай шахслик сифатлари шаклланиб қолмаслигига қаратди. Бу педагогик қарашларга кўра тарбия иши онладан тортиб олий мактабга қадар синфий асослардагина йўлга қўйилиши мумкинлиги кўзда тутиларди. Турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларда яшаётган инсонлар орасидаги, уларнинг ахлоқий сифатлари ўртасидаги муштараклик бутунлай инкор этиларди. Бир замонлар муқаддас ҳисобланиб келинган ва миллатимиз қадрини осмон қадар кўтарган орият, ҳаё, ҳудожўйлик, меҳр, тўғрилиқ, соддалик, меҳнатсеварлик, катталар фикри билан қатъий ҳисоблашиш сингари фазилатлар одамларимизда сезиларли даражада йўқотилди. Кишиларимиз табиатида, одатларида, фикрлаш ва яшаш тарзларида миллий туйгулардан маҳрумлик, миллий мансубликдан уялиш, ўрислашиш, социалистик одам ҳақидаги ясама қолииларга мослашиш, ватан туйғусига бепарволик сингари сифатлар пайдо бўлди ва афсуски, мавжуд тарбия тизими воситасида анча кенг ёйилди.

Зўравонликка асосланган ҳар қандай жамият сингари социалистик тузум ҳам йўқ бўлиши ва халқимиз асли фарзандларининг азалий армони бўлмиш мустақилликка эришилиши туфайли мамлакатимиз фуқаролари учун маънавий кадриятлар, ахлоқий мезонларни ҳал этиш кун тартибидаги биринчи даражали масалага айланди. Эндиликда кечагина амалда булган ахлоқий меъёрлар билан бугунги кун кишиси маънавиятига ёндашиб бўлмаслиги, эртанги кун одамига эса бу ўлчовлар асло туғри келмаслиги аён бўлиб қолди. Мана шу ҳолат педагогикада туб ўзгариш, янгиланиш бўлишини тақозо этарди.

Туб ўзгаришга тутинган педагогика социалистик тарбия илми тўплаган барча тажрибалардан бирваракайига юз ўгириш йўлидан бормайди. Янгиланадиган миллий педагогика бу тажрибаларнинг соғлом жиҳатларини ўрганиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш билан биргаликда социалистик мафкуравий педагогиканинг хатоликларини атрофлича таҳлил этиб, улардан қутулишнинг йўллари билан белгилай олсагина мустақил

миллатининг баркамол фарзандларини тарбиялаш йўлларини ишлаб чиқа билади. /

Ўнгиланаётган миллий педагогика фани исломий фалсафанинг хулосаларига таяниб иш кўрган тақдирда тарбия жараёнида ажиб бир тартибга, мунтазамликка, уйғунликка эришмоғи мумкин бўлади. Энг муҳими, инсон камолотининг омиллари, марраларига эга бўлади. Бу фалсафа жамият тараққиётини ижтимоий табақалар ўртасидаги тўқинишлар, курашлар таъминлайди деган бир табақани иккинчисига, бир инсонни бошқасига ёв қилладиган қарашлар ҳукмронлигидан қутқаради.

Ҳар бир жамият ва замон ўзига яраша педагогик қарашлар тизимига эга бўлади. Негаки муайян замон ва жамиятда яшаётган кишиларнинг тарбия ҳақидаги етакчи фикрлари, идеаллари унинг педагогикасида тўлиқ акс этади. Шунинг учун ҳам мустақил мамлакатимизнинг педагогикаси жаҳон тарбияшунослиги фанидан ажралиб қолмаган ҳолда ўзига хос тараққиёт тамойилларини белгилаб олавери керак бўлади. Бу тамойиллар фақат тарбияшунослик илми учун аҳамиятли бўлиб қолмай, балки бутун жамият аҳли учун ҳам муҳимдир. Чунки жамият аъзоларининг маълум муддатдан сўнг қандай хулқий меъёрларга амал қилиши ва қандай маънавий ўлчовлардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиши ана шу педагогик йўналишларга боғлиқдир.

Миллатнинг келажаги ҳақида қайғураётган барча мамлакатлардаги тарбияшуносликда бўлгани сингари Ўзбек миллий педагогикасида ҳам таълим-тарбия ишига ута жўн утиллилар тўр амалиётчилик нуқтаи назаридан туриб ёндашишдан қутулиш лозим бўлади.

Бир жамиятда яшаб туриб унинг мафкурасидан мутлақо холи туриш мумкин эмас. Лекин бу ҳолда балоғат ёшига етган, мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга ва бировга моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлмаган кишига тадбиқ этилади. Мактабгача тарбия, мактаб ва ўзгача тарбиявий муассасаларнинг контингенти эса кўп жиҳатдан кимларгадир қарам бўлган ёшлардан иборатлиги учун ҳам нечоғлик тўғри ва олижаноблигидан қатъи назар мафкуранинг тикиштирилиши инсон эркига даҳл қилиш ҳисобланади. Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 12-моддасида шундай деб ёзиб қўйилган: «Ўзбекистон Респуб-

ликасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқура-лар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қандай мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас<sup>1</sup>». Бинобарин, тарбия муассасалари ишларини ўз назоратига олган<sup>2</sup> давлат мамлакат конституциясининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам тарбияшунослик ишида мафқуравий ёндашишнинг бўлишига йўл қўя олмайдики, бу ҳол инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ҳам, ижтимоий илм саналмиш педагогикани соғлом йўналишдан ривожлантиришни таъминлаш жиҳатидан ҳам мақсадга мувофиқдир. /

Узини «...суверен демократик республика<sup>3</sup>» деб эълон қилган Ўзбекистоннинг миллий педагогикаси ҳам демократик характерга эга бўлиши кераклиги табиий ҳолдир. Дунё тарбияшунослигининг тажрибаси педагогика демократик асосларга таянгандагина бирор самарага эришмоғи мумкин эканлигини кўрсатади. Янгиланган педагогика илми тарбия ишидан мустабидликни тамомила чиқариб ташлай билсагина жамиятни баркамол аъзолар билан таъминлашдай мураккаб ва масъулиятли вазифани уддалай олади.

Ҳадик туйғуси, чўчиш иллоти, қўрқинч каби сифатлар мактаб даргохидан, тарбия сарҳадларидан ҳайдаб чиқарилмоғи шарт. Мактаб иши маъмурият ва ўқитувчиларнинг, аввало, ўзаро, сўнг ўқувчилар, ога-оналар ва жамоатчилик билан ҳамқорлигисиз бирои-бир ижобий самарага эриша олмайди. Педагогик тадбирлардан асосий мақсад шахсни шакллантириш экан, шахслар ўртасида тенг ва ҳурматга асосланган муносабатлар ўрнатилмай туриб, маррага етиш мумкин эмас. Тўғри, янгиланган педагогика ҳам ўқитувчи ўз тарбияланувчиси олдида шаксиз обрўга эга бўлиши кераклигини тан олади. Ўқитувчининг ҳурмат қилиниши тарбия ишидаги ютуқларнинг биринчи даражадаги омилларидан деб билади. Лекин ўқитувчи обрўси зўравонлик билан, тақиқлар ва тазйиқлар эвазига эмас, билимдонлик, бағри кенглик, инсоф ва адолат ҳисобига қўлга киритилиши кераклигини кўзда тутди. Обрў берилмайди, балки эзгу инсоний фазилатлар ёрдамида қозонилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992, 11-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 17-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда, 9-бет.

Янгиланаётган педагогика ўқитувчи ва маъмурият орасидаги муносабатларда ҳам, мактаб жамоаси билан ота-оналар ва жамоатчилик орасидаги алоқаларда ҳам тўла демократия бўлишни тақозо қилади. Мактаб тарбия ишини фақат ўзининг монополияси деб ҳисоблаши мумкин эмас. Негаки таълим-тарбиянинг натижаси мактабдан ҳам кўра ота-оналар ва жамиятга зарурдир. Шу боис ота-оналар ҳам, жамоатчилик ҳам тарбия жараёнидаги муносабатларнинг соғломлигига бефарқ қарай олмайдилар. Педагогика таълим-тарбиянинг йўлга қўйилишига жамоатчилик бемалол аралашishi ва фойдали, қабул қилса бўладиган таклифлар киритиши мумкин эканлигини кўзда тутати. Соғлом тамойилларга таянган педагогикага кўра бола шахси яхлитлигича мактаб фаолиятининг марказига кўчади, ўқитувчи билан маъмурият ўртасидаги муносабатларда ҳам бошлиқ ва ходим ўртасидаги муносабат эмас, балки ҳамкасбларча, жамият олдида юксак масъулиятни зиммаларига олган мутахассислар орасида бўлиши мумкин бўлган алоқалар қарор топади. Ўқитувчи маъмуриятга буйруқ берувчи деб эмас, жамоанинг умумий фаолиятини йўналтирувчи деб қарайдиган бўлади, ўзини оддий ижрочи эмас, фикрловчи, қарашлари инobatга олинадиган, бинобарин, масъул шахс деб ҳисоблайдиган бўлсагина мактабдаги муносабатларда демократия қарор топган бўлади.

Тарбия муассасалари, айниқса шахс шаклланиши жараёнига бевосита дахлдор бўлган боғча ва мактаблар маҳаллий шароитларни юксак даражада ҳисобга олгандагина юксак педагогик натижага эриша олади. Чунки ҳар қандай тарбия муайян ҳаётий тажриба, маълум бир инсоний хусусиятлар тизими, ўзигагина хос наслий белгилар, аниқ инсоний руҳият устига қурилади. Бола шахси мактаб ёхуд боғчага келганга қадар, маълум даражада, оилада тарбия топган, бинобарин, муайян одатлар мажмуига, тушунчалар, қарашлар тизимига эга бўлади. Оила ғоят автоном ва ўзига хос ижтимоий бирлик ҳамда алоҳида қонуниятлар билан иш юритувчи тарбиявий муассасадирки, ундаги тарбияга доир тадбирлар йўналишининг мутлақо ҳар хил, бинобарин, ҳар бир алоҳида бола табиатида ўзига хос из қолдирган бўлиши табиийдир. Бунинг устига жуғрофий шароитнинг хилма-хиллиги, бирор минтақада яшовчи кишиларга хос руҳий хусусиятлар уларнинг болала-

ри табиатига ҳам ўтган бўлади ва тарбияни йўлга қўйишда шу ўзига хосликлар, албатта ҳисобга олиниши зарур. Саноат ғоят ривожланган шаҳар мактаблари билан, қишлоқ мактабларининг икки томчи сувдай бир хил ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар билан ишлаши жуда ҳам яхши самара беради, деб қараш тўғри эмас.

Мактаблардаги ҳар бир ўқувчининг ўқув режасидаги барча предметларни узлаштириши шарт деб қарайдиган маъмурий педагогика ҳеч қачон ўзи орзу қилаётган натижага эриша олмайди. Чунки инсон табиатан ҳар хил қилиб яратилган. Оламдаги миллиардлаб одамлар орасида қўл излари бир-бириникига ўхшайдиган икки киши йўқ экан, бутун бошли мамлакатдаги миллионлаб одамларни бир хил нарсаларга қизиқтиришга уриниш самара бермаслиги ўз-ўзидан англашилади.

## ЯНГИЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ШАРОИТИДА ТАРБИЯ, УНИНГ ОМИЛЛАРИ, ТАРБИЯЛАНУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИ МУНОСАБАТЛАРИ

Тамомила янгиланган ижтимоий ақл инсон ҳаётининг ҳамма соҳасида бўлганидек, педагогика илмидаги барча асосий тушунчаларни янгича идрок этишни талаб қилмоқда. Тарбия ва унинг омиллари, педагогик жараёнда тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари ҳамда бу муносабатларнинг тарбия ишидаги ўрни ана шундай янгича назар билан муносабатда бўлиш талаб этиладиган тоифалардан ҳисобланади.

Ижтимоий онгдаги ва педагогик тафаккурдаги туб ўзгаришлар мактаб фаолиятидаги асосий муаммолардан бири бўлмиш ўқитувчи ва ўқувчи муносабатининг характери масаласига ҳам янгича ёндашиш зарурлигини тақозо қилади. Яқин ўтмишдаги педагогика фанида бу хил муносабатларга жуда лўнда, аниқ ва ўзгармас таъриф берилганди: ўқитувчи — ўқитади, ўқувчи — ўқийди. Улар ўртасидаги муносабатнинг характери ҳам ана шу қарашдан келиб чиққан ҳолда муайян йўналишга эга бўлар эди. Бу қарашга кўра ўқувчи таълим-тарбия жараёнининг объекти, ўқитувчи эса айни шу жараённинг ижрочиси, яъни субъекти. Тарбиячи ва тар-

бияланувчининг биргаликдаги фаолияти маҳсули бўлган яхлит жараёни иккига ажратишни қоидалаштирувчи бу хил қараш расмий муносабатларда ҳам қарор топганлиги сабабли таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги деярли йўққа чиққанди. Айни кунларда ҳам ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, билим асосларини ўзлаштиришга интилиш сўниб бораётганлиги сезилади. Ўқитувчилар тарбияланувчиларнинг авлоддан-авлодга ялқовлашиб, лоқайд бўлиб бораётганлигидан нолимоқдалар. Дангасалик фақат дарсларни ўзлаштирмасликка, фан асосларини билмасликка эмас, энг даҳшатлиси, маънавий таназзулга олиб келмоқда. Инсон табиатидаги барча иллатлар орасида тузалмайдиган ялқовлик ва лоқайдликдирки, эски тарбия тамойиллари ўқувчиларда айни шу сифатларнинг урчиб кетишига имкон яратиб берди.

Яхлит тарбия жараёни иштирокчиларининг объект ва субъектларга ажратилиши нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар шахсида ҳам муайян номувофиқликни келтириб чиқарди. Расмий-педагогик талабларга мувофиқ ўқитувчи тарбияланувчилари билан шахсий муносабатларга киришмайдиган, ҳамкорлик қилмайдиган, балки уларни бошқаришгагина даъват этилган педагогик сиймога айланиб қолди. Ўзининг педагогик вазифасини айни шундай деб тасаввур қилиш ва шу тасаввур асосида фаолият кўрсатиш мамлакатимиз ўқитувчиларининг хўпчилиги орасида ҳозир ҳам ҳукмронлик қилиб келмоқда.

Янгиланаётган педагогик тафаккур ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкор, шерик бўлгандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини илгари сурмоқда. Кейинги зақтда ҳамкорлик педагогикаси номи билан машҳур бўлиб кетган ва тарбия тизимида инқилобий воқеа бўлган педагогик қарашларга кўра мактаб айни шу ҳамкорликнинг қарор топишига энг қулай шароитлар яратишга қаратилган маскан ҳисобланади. Педагогик ҳамкорлик йўлга қўйилмаган тарбия тизимида формализм, кўзбўяшга йўл очилади. Негаки, мактабнинг ўз фаолияти ҳақида қандайдир шаклда «юқорига» ахборот бериши тақозо этилади. Натижада, педагогик фаолиятнинг ҳеч қандай математик ўлчамларга бўй бермайдиган жиҳатлари зўрлик билан қандайдир жадвалларга айлантрилади ва педагогик жамоанинг фаолияти ҳақида илмийдай кўринган, аслида нотўғри ва чалкаш маъ-



лумотлар тўпланади. Таълим соҳасида тўпланган ҳисоботларга кўра миллатимизнинг илмий салоҳияти ҳам, ривожланиш даражаси ҳам бинояйдай, аммо амалда мутлақо ўзгача манзаралар намоён бўлади. Шунинг учун ҳам нафақат мактабларда, балки олий ўқув юр்தларида ҳам ўқишга эътиборнинг талабалар ўртасида кескин сусайиб кетганлиги, илмнинг бугунги даражасини ўзлаштиришга талабалар ўзларида куч топиша олмаётганлиги ҳақида ташвиш билан кўп гапирилмоқда. Мазкур ҳолатнинг сабабини бизнинг миллий таълим-тарбия тизимимизга ҳамкорлик педагогикаси чуқур кириб бора олмаётганлигида деб айтиш мумкин. Маъмурий педагогикада таълим азалдан тарбияга қараганда устивор, имтиёзли мавқе тутган. Маъмурий тарбияшуносликда мактаб, асосан, ўқитади, билим беради. Бола билимларни ўрганиш орқали ўз-ўзидан тарбияланади деб хаёл қилинади. Тажриба кўрсатмоқдаки, ҳаётда айнан бунинг акси бўлади. Уқувчи тузукроқ тарбия кўрмаганлиги учун ҳам ўқишга қизиқмайди, демак билим олишга қийналади. Билим олишга қизиқиш бўлиши учун унда муайян маънавий фазилатлар шаклидаги руҳий омиллар бўлиши керак. Бундай омилларнинг маъмурий педагогик қарашлар ҳукмрон бўлган шароитда юзага келтирилиши осон эмас. Чунки барча эътибор фақат ўқишга қаратилган. Тарбия эса унинг соясида қолиб кетган. Соядаги нарса берган самара ҳам ўзига яраша бўлади.

Жамиятда ҳукмрон мавқеда бўлган расмий иш услуби сиёсатнинг тўлиқ таъсири остига олинган, ҳукмрон мафкурани ўтказишнинг ташкилий шаклларида бири дебгина қаралган мактабга ҳам чуқур кириб борганди. Бу услубга кўра юқорининг гапи настрадаги учун қонун, уни муҳокама этиш, унга муносабат билдириш мумкин эмас, балки ижро қилиш, амалга ошириш керак эди. Айни шу бошқариш тарзи тарбия ишига ҳам кўчирилди. Натижада мактабларда ҳам ҳарбий кўшилмалардаги сингари зўравонлик тартиби ўрнатилди. Бундай тартиб ҳукмрон бўлган шароитда ишлаш бирмунча осон эди. Лекин бу осонликнинг узоққа етиб бориши мумкин эмасди. Қаерда зўравонлик бўлса, ўша ерда қаршилиқ ҳам пайдо бўлмай илож йўқ. Уқувчилар ўз қаршилигини қўлларидан келадиган энг оддий усул — ўқимаслик билан зоҳир этдилар. Натижада турли-туман методикалар кашф этилишига, қўлланмалар ишлаб

чиқилишига, социалистик мусобақалар уюштирилишига, мажлисларда саноқсиз ҳайфсанлар берилишига қарамай, ўқувчилар ўқишдан бош тортдилар. Буни улар уюшган ҳолда, келишиб қилмадилар. Балки болаларнинг табиати ўзига ёт бўлган нарсага бўйин бергиси келмади. Ўқимаслик, дарслардан қочиш, ўз норозилиги ва ҳуқуқсизлигини тўполон қилиш тарзида ифодалаш билан расмий педагогикага қаршилик кўрсатди.

Ўқувчиларда интилишнинг йўқолиши социалистик педагогикани ёлғон гапиришга, вазиятни бўяб кўрсатишга ундади. Бунинг устига, ўқувчиларда қандай сифатлар бўлиши кераклиги, уйдагиларга нисбатан қанақа муносабатларда, Ватанга нисбатан қайси туйғуларда, жамиятга нисбатан қандай хулқий нуқтан назарда бўлиши синфма-синф белгилаб берилди ва уларнинг сўзсиз ижроси талаб қилинадиган бўлди.

Ҳамкорлик педагогикасининг асосий ақидаси ўқувчи шахсига ишонишдир. Ўқувчи шахсига некбинлик билан, ишонч ва ҳурмат билан муносабат педагогиканинг вазифасини тубдан ўзгартириб юборади. Ҳар қандай ўқитувчи ҳамма ўқувчисининг қизиқишларини бирданига ҳисобга олиши ва ўз фаолиятида ҳар бир ўқувчига алоҳида таъсир ўткази олиши мумкин эмас. Ўқитувчи ҳар бир боланинг ўзига ўзини танитиши, уни ўзини тафтиш қилишга, қизиқишларини аниқлашга ва ўз қобилиятини ривожлантиришга йўналтира билиши зарур. Айни йўналтирувчилик фаолияти бугунги тарбиячи учун асосий машғулоти. Бундай йўналишга эга бўлган педагогикада ўқитувчи ўқитмайди, балки у ишни шундай ташкил қиладики, ўқувчининг ўзи ўқийди! Ўқиш ўқувчи учун эҳтиёжга айланади. Серҳаракатлик, ўйин, ўртоқлари билан муносабатга киришиш бола учун қанчалар зарур бўлса, ўқиш, ўзлаштириш ҳам шунчалар зарурият бўлиб қолади. Чунки боланинг табиати азалдан тинимсиз илм олишни, дунёни билиб олишга уринишни тақозо қилади. Тўрт-беш ёшлардаги болаларнинг тинимсиз равишда катталарни «бу нима», «нима учун» сингари саволлар билан қанчалик кўмиб ташлаши ҳаммага маълум. Билишга ташналик туйғуси мактабга келгандан кейин мавжуд маъмурий таълим тизими томонидан тамомила сўндирилади. Негаки, бола ўз табиатига мос равишда билишни истаган нарсасини эмас, дастурда кўзда тутилган нарсани билиши лозим. Бунинг устига, дастурдаги нарсани билмаган боланинг таъ-

биатига монанд равишда эмас, қандайдир амакилар томонидан битилган методикага мувофиқ тарзда ўрганиши шарт бўлади. Шу тариқа болалардаги қизиқувчанлик, интилиш, ташаббускорлик сундирилади. Натижада дастлаб мактабга зўр иштиёқ билан келган, ҳарфларни ғоят чанқоқлик билан ўрганган, ҳисобнинг барча амалларини қийналмай ўзлаштирган болалар қисқа вақт ичидаёқ ўқишдан зада бўлишади. Зерикарли машғулот давом этавергач, уларнинг кўзидаги қувонч, табиатидаги қизиқувчанлик, интилиш лоқайдлик, бефарқлик билан алмашади. Бола унга тақдим этилаётган ўқув материалларини тушунмаганлиги ёки улар оғир бўлганлиги учун эмас, балки ўзига бегона бўлганлиги учун ҳам ўргана олмайди. Ҳозирги таълим услубига мувофиқ ўрганиш ўқувчилар заруриятига, эҳтиёжига айланмаган, балки уларга ўқитувчилар томонидан тиқиштирилаётган ахборотлар мажмуидир. Бунинг устига ўрганилиши зарур бўлган маълумотлар ўқувчи шахсиятига қандай таъсир қилади, уларнинг маънавиятини қай йўсинда бойитади қабалидаги саволларга бу тизим жавоб беришга уриниб ҳам кўрмайди. Ўқувчи ўқитувчиси хоҳлагани учун, ўқитувчи белгилаган миқдорда ва у кўрсатган тарзда билим олиши керак бўлади, холос. Бу ҳолни бола табиати ҳазм қила олмайди ва маъмурий педагогик тизим туфайли болаларнинг умрлари бекорга сарф этилаверади.

Таълим муаммолари билан қизиккан ҳар бир киши биладикки, расмий педагогика илмида дидактика ва тарбия назарияси сингари икки хил фан мавжуд. Йиллар давомида шундай қараб келинди, айни кунларда ҳам дидактика ва тарбия назарияси педагогика фанининг икки алоҳида тармоғи деб қаралади. Тан олиш керакки, бу фанлар орасида дидактикага бир қадар устиворлик ҳам берилади. Чунки бизнинг миллий таълим тизимимиз мактабда ўқувчига билим беришга қаратилган. Ҳолбуки, ҳаёт муайян билимларни тузуккина ўзлаштиргани ҳолда шахслик хусусиятларига эга бўлмаган ёхуд жамиятимизга мутлақо ёт бўлган маънавий сифатларга эга кишилар шаклланганлигини ҳар қадамда кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам педагогикани таълим ва тарбияга ажратиш нотўғри эканини тан олмай, унинг асл мақсади тарбия эканлигига иқдор бўлмай, бутун педагогик тадбирларни шу асосда ташкил этмай туриб, еш авлодни шакллантиришда ижобий натижага эришиб

бўлмайди. Болани мактабга жўнатишдан мақсад уни қандайдир фанлардан хабардор этиш эмас, балки ўша фанлар воситасида унинг шахслик хусусиятларини қарор топтиришдир. Умумтаълим мактабларида тарбияланаётган ўқувчилар фақат олий мактабга кириш учун ўқишмайди. Балки олий мактаб ҳам баркамол шахс такомиллидаги ўзига хос бўғиндир. Мактаб ўз бағридаги болани аслидагидан, яъни мактабга келгандагидан яхшироқ қилиши, унинг табиатига инсоний фазилатларнинг сараларини сингдира билиши зарур. Шунга кўра мактаб учун билим бериш мақсад эмас, балки бола шахсини тарбиялаш мақсадига эришиш йўлидаги воситадир. Бинобарин, педагогика олдига ҳам ягона ва яхлит мақсад қўйиш: ўқувчи шахсини шакллантириш, унинг эзгу инсоний фазилатларга эга бўлишини таъминлашни кўзлаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Англашиладики, педагогика учун тарбия жараёни устивор аҳамиятга эга. Таълим тарбияга бўйсундирилиши, унга хизмат қилдирилиши лозим. Шунга кўра ҳамкорлик педагогикасида тарбия назариясидан ажралган дидактика мавжуд бўла олмайди.

Ҳамкорлик педагогикаси ҳар бир бола шахсиятида демократик сифатларни шакллантиришга қаратилади. Ҳар бир бола ҳуқуқини қанчалик ҳис этса, шунчалик даражада бурчини ҳам англайди, фаолиятида қанчалар эркин бўлса, бу эркинлик ўзгаларнинг эркинлигига, ҳурлигига дахл қилмаслиги кераклигини ҳис этади. Чунки эркинлик ҳамиша масъулият, жавобгарлик билан бақамти келади. Чунки эркинлик шахсга ҳурмат туйғусига йўлдош бўлади. Ҳурмат ҳамиша ҳурмат уйғотади, ўқувчида ўз шаънига номуносиб иш қилмаслик ҳисси пайдо бўлади. Топталмаган эрк, синдирилмаган инсоний ғурур ўқувчининг фаолиятида ҳам, фикрларида ҳам ижодкорлик бўлишига, эзгулик бўлишига олиб келади.

Педагогик ҳамкорлик бола шахсияти ички имкониятларини жилолантириб, уни биқиқликдан, мутеликдан, кўр-кўрона итоатдан қутқаради. Бу педагогика ўқитувчини ўқувчи кўзи олдида жазоловчи, таъқиқловчи амалдор эмас, болага меҳр кўрсатувчи улуғ ёшли ҳамкор, шерик тарзида намоён этади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчи шахслари орасида тенглик муносабатлари уйғонади. Чинакам инсоний муносабатлар ўрнатилади ва уларнинг ишчанлик даражалари бир неча баробарга ошади. Ўқиш тафаккурга парвоз бағишловчи машғу-

лотга айланади. Уқитувчи шахсияти ўқувчи шахсияти-нинг шаклланишига зимдан хизмат этаверади.

Педагогик ҳамкорлик қарор топган жойда тарбия жараёни икки қарама-қарши кутбларнинг икки хил фаолияти натижаси бўлмай, бир мақсад сари кетаётган ҳамкорларнинг ягона фаолиятига айланади. Педагог ҳамкорга айланганда, ўзлаштирмайдиган ёхуд тарбияга бўй бермайдиган ўқувчи бўлмайди. Чунки уйғонган шахсият, мувозанати бузилган ижодий имконият табиий равишда бола шахсини камолотга чорлайди. Тўғри, ҳамкорлик педагогикасида ҳам ўқитувчилар олдида турадиган муаммолар ҳозиргидан оз бўлмайди. Чунки ўқитувчилар ҳар бир бола шахсига хос хусусиятларни максимал даражада ҳисобга олиши, бу шахсликни уйғотадиган омилларни топа билиши, ўқувчи шахсиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сабабларни кўзда тутиши ва зарарсизлантира билиши лозим. Энг муҳими, ҳамкорлик педагогикаси ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам озодлик беради. Ҳар бири ўз хатти-ҳаракатининг оқибати ҳақида ўзи ўйлайдиган бўлади. Боланинг билишга бўлган, камолот сари йўналтирилган фаолиятига тўсиқ қўйилмайди.

Жамият аъзоларининг маънавиятини шакллантиришда бошқа ҳар қандай воситаларга қараганда кўпроқ самара беришлиги ҳамма томонидан тан олинган адабиёт предметини ўқитишнинг жамият ўзгаришларга юз тутган, унинг педагогик тафаккурида кескин бурлишлар рўй берган шароитда эскича ҳолда қолмаслиги табиийдир.

Жамият аъзоларининг маънавиятини жамиятнинг фақат бугунги талабларига эмас, балки эртанги куни талабларига ҳам мос равишда шакллантириш учун адабий таълим ҳам туб ўзгаришларни бошидан кечириши лозим бўлади. Чунки адабиёт ўқитиш иши умуман таълим ишининг узвий бир қисми сифатида таълимда рўй берган илғор ўзгаришларга жавоб бермасдан туриб кўзлаган мақсадга эриша олмайди.

Янгича педагогик тафаккур тараққиётининг асосий йўналишлари адабий таълимда ҳам тўлиғича намоён бўлади. Илғор тамойилларни ҳисобга олмай, ўзининг асосларини, методларини янгича йўналишлар моҳиятига мосламай туриб, адабиёт ўқитишда самарага эришиш асло мумкин эмас. Чунки совет тарбия тизимида энг кўп даражада сиёсийланган, мафкуравийланган мактаб

адабий таълими соғлом тамойиллар, изчил методология асосида ташкил этилмаса, жамият аъзоларининг маънавиятида юксалиш рўй бермайди. Маънавият юксалмаган жамият эса таназзул хавфидан қутула олмайди. Чунки ҳар қандай жамиятнинг кучи аъзоларининг маънавий фазилатлари билан ўлчанади. Жамиятни қудратли қилган ўлчамлар иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳатто одамларнинг фаровонлик даражаси ҳам бўлмай, балки муайян жамиятда яшаётган одамларнинг инсоний фазилатлари, шакллантирган қадриятлари ва бу қадриятларга муносабатларидир. Чунки маънавий фазилатларнинг қандайлиги жамиятнинг қандайлигини белгилайди. Унинг иқтисодини тараққий эттириш, сиёсатини юксалтириш, ижтимоий тузумини такомиллаштириш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга юмушлар кўп даражада фуқароларнинг маънавият даражаларига боғлиқдир.

Унутмаслик кераки, адабий таълимни йўлга қўйишда амалга ошириладиган янгиланиш жараёни умуман педагогик фикр тараққиётида рўй бераётган ўзгаришлардан, адабиётнинг жамият ҳаётидаги, маънавият шаклланишидаги ўрнини янгича идрок этишдаги соғломлашишдан узилган ҳолда амалга оширилмаслиги аёндыр. Шунинг учун ҳам мазкур қўлланмада умуман педагогикадаги ўзгаришларнинг асосларини очишдан, хусусан, адабий таълимни уюштириш жараёнидаги янгиланишларнинг қонуниятлари ҳақида фикр юритиш сари ўтиб боришга уринилди ва бу борадаги кузатишларимиз умумлаштирилди. Бир иккинчисидан келиб чиқадиган, бири бошқасини тақозо этадиган умумий педагогик қарашлардаги ва хусусий педагогик фан бўлимиш адабиёт ўқитиш методикаси илмидаги янгиланишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этилганлиги, деярли бир хил қонуниятларга таянган ҳолда ривожланганлиги учун ҳам бузилмас яхлитлик ҳолатида ўрганилди, умумлашмалар қилинди, хулосалар чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, янгича педагогик тафаккур ҳали тўлиқ шаклланиб улгургани, унга хос барча хусусиятлар эса беистисно илғаб олиниб, умумлаштирилгани йўқ. Педагогик тафаккурнинг янгиланиши осон кечмайди, жуда кўп қиррали ва мураккаб ижтимоий-интеллектуал жараён бўлганлиги учун ҳам унга хос айрим белгилар, муайян қонуниятлар педагогик амалиёт

ва назария тараққиёти мобайнида кашф этилиб бора-  
веради. Муҳими, миллий ижтимоий онгимизда шу жа-  
раён бошланди ҳамда унинг дастлабки белгилари бўй  
кўрсатди ва илк умумлашмалар қилишга илмий асос  
бўлиб хизмат этмоқда.

## II б о б. АДАБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ЭСТЕТИК- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

### АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ЯНГИЛАШ: ЗАРУРИЯТ ВА ОМИЛЛАР

Ижтимоий тафаккур тараққиётидаги ўзгаришлар педагогик фикр ривожининг тубдан янгиланишига са-  
баб бўлса, ўз навбатида педагогик тафаккурдаги соғ-  
лом тамойилларга таяниш жараёни мактаб адабий таъ-  
лимини йўлга қўйиш ишида жиддий ўзгаришлар бош-  
ланишини тақозо қилди. Янгиланаётган ижтимоий эсте-  
тик тафаккур шароитида умумтаълим мактабларида  
адабиёт ўқитиш борасида рўй бериши лозим бўлган ўз-  
гаришлар ва янгиланишларнинг илмий-педагогик жи-  
ҳатдан самарали бўлишини таъмин этиш муҳим аҳа-  
миятга молик юмушдир.

Ўқувчи шахсини шакллантиришда мактаб адабиёти-  
нинг роли ортиб боришини қайд этиш ва мазкур ўқув  
предметининг моҳиятини янгиланган педагогика илми  
талабларига мос даражага кўтариш шарт эканлигини  
таъкидлашнинг ўзи билан масалани на илмий-назарий  
жиҳатдан ва на амалий жиҳатдан ҳал қилиб бўлади.  
Мактаб адабий таълимини янгилаш учун, уни нафақат  
бугун, балки узоқ келажак кишинининг ҳам талаблари-  
га жавоб оладиган даражага кўтариш учун, энг муҳи-  
ми, дидактик адабиётни комил инсонни тарбиялаш иши-  
га самаралироқ йўналтириш учун мактаб адабиёти ав-  
вал суянган рукнлар нималардан иборат, янгиланган пе-  
дагогик тафаккур туфайли қандай асосларга таянадиган  
бўлди, адабий таълимдаги туб янгиланишларнинг, жар-  
динал ва жиддий ўзгаришларнинг илмий, педагогик, эс-  
тетик ва ижтимоий сабаблари нималардан иборат, ян-  
гиланган адабий таълим қайси тамойилларга асослан-  
ган ҳолда иш кўради, деган бир қатор ҳаққоний ҳам-

да долзарб саволларга далилларга таянилган ҳолда жавоб бериш талаб этилади.

Жамиятимиз аъзоларининг ижтимоий тафаккури тараққиёти, педагогика фанининг ривожланиши, адабиёт-шунослик илмининг ўсиши, мактабда адабиёт ўқитиш методикаси илмининг янгиланиш даражаси шундай босқичга келдики, миллий адабий таълимни ўзгартириш учун объектив зарурият етилгани сингари ҳаётий имконият ҳам пайдо бўлди.

Жамиятда инсон омилининг мавқеи кўтарилиши билан маънавий қадриятларга эътиборнинг кучайиши, илмнинг мафкуравий қолиплардан халос бўлиш йўлига тушуви, инсон шахсини шакллантиришда ўқув адабиёти эга бўлган имкониятнинг миқёси эътироф этилиши сингари соғлом ҳолатлар мактаб адабий таълимини зудлик билан янгилаш, уни мафкуравий манфаатларга хизматкорликдан халос этиб, бадий-маънавий йўналишга солиш зарурлигини тақозо этди. Буни ҳаммадан олдин ижодкор адиблар ва зиёлилар ҳис қилдилар. Ҳеч қандай кўрсатмаларсиз ёзувчи, шоир ва олимларнинг ўз ташаббуслари билан мактабда адабиёт ўқитиш масаласи, дарсликларнинг савияси бир неча бор муҳокама этилди, турли матбуот нашрларида чиқишлар уюштирилди. Оммавий нашрга эга матбуот воситаларида таниқли ижодкорлар, олимлар мактабда адабиёт ўқитишга доир мақолалар эълон қилдилар<sup>1</sup>. Мактаб адабиётининг аҳволи ва истиқболи ҳақида давра суҳбатлари уюштирилди<sup>2</sup>, мавжуд ва бўлажак дарсликлар ҳақида жамоатчиликнинг фикрлари ўрганилди<sup>3</sup>.

Жамиятнинг илғор ва жонкуяр қатламларидаги бевозталиқ мактабда адабиёт ўқитиш иши билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган мутахассисларни ҳам

<sup>1</sup> С. Мамажонов, Нафосат туйғуси — муъжизалар манбаи, «Шарқ юлдузи», 1987 йил, 9-сон. Н. Шукуров. Ҳамма гап — дарсликда. «Шарқ юлдузи», 1987 йил, 9-сон. Х. Султонов. Дарсликдаги чалкашликлар. «Ёш куч», 1989 йил, 3-сон. Н. Холлиев. Янги шоир — эски девор. «Ўқитувчилар», газетаси, 1990 йил, 5 май. Б. Назаров. Замон ва адабиёт. «Ўқитувчилар газетаси». 1990 йил, 22, 26, 29 сентябрь ва 3, 6 октябрь сонлари.

<sup>2</sup> Мактаб ва адабиёт (давра суҳбати), «Шарқ юлдузи», 1987 йил, 6-сон.

<sup>3</sup> Мактабдан мактублар. «Ёшлик», 1989 йил, 6-сон. Дарсликлар талабалар нигоҳида, «Ёшлик», 1990 йил, 5-сон. Мактаб ва қайта қуриш. «Ёш куч», 1989 йил, 12-сон.



ҳаракатга тушишга мажбур қилди. Саксонинчи йилларнинг охирларида методист олимлар социалистик мактабларнинг амалдаги дастурларига айрим жузъий ўзгартиришлар киритиш, замоннинг руҳига мутлақо мос келмайдиган баъзи асарларни ўқитмаслик билан кифояландилар<sup>1</sup>. Аммо бу йўл билан мактаб адабиётини ҳаётга, мактабнинг айни шароитдаги талабларига мослашнинг имкони йўқлиги жуда тез орада аён бўлиб қолди. Тўқсонинчи йилларнинг бошида жузъий ўзгаришлар билан адабий таълимни яхшилашнинг имкони йўқлиги англашилиб қолди. Шунинг учун ҳам умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш бўйича янги дастур ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди<sup>2</sup>. Тўрт йил ичида умумтаълим мактаблари учун адабиёт бўйича етти дастур эълон қилинди<sup>3</sup>.

Кўринадики, мамлакатимизнинг ёзувчилари, олимлари, методистлари ва энг муҳими, жамият аъзоларининг катта кўпчилиги адабиёт ўқитишни тубдан, мутлақо янгилаш кераклигини ҳис этдилар. Ва бу йўлда муайян ҳаракатлар ҳам қилина бошланди.

Қилинган ва режалаштирилган ишлар мактаб адабий таълимини яхшилаш борасида кутилган самарани бериши учун умумтаълим мактабларида адабиёт предметини ўқитишни тубдан яхшилашнинг объектив зарурият эканини тадқиқ этиш лозимдир. Айтиш керакки, ўрта мактабларда ўрганиладиган бошқа баъзи бир ўқув предметларини ўқитишни тамомила ўзгартиришнинг зарурияти ҳақида ҳам муайян фикрлар билдирилмоқда. Чунончи, филология фанлари доктори, профессор Х. Ғ. Неъматов ва педагогика фанлари доктори А. К. Ғуломовлар қаламига мансуб «Она тилидан таъ-

<sup>1</sup> Адабиётдан ўқув плани ва программалари. «Ўқит. газетаси». 1987 йил, 26 август. Янги ўқув йилида адабиётни ўқитиш ҳақида. «Ўқитувчилар газетаси», 1988 йил, 24 август.

<sup>2</sup> V—XI синфларда адабиётдан ўқув программаси (лойиҳа). «Ўқитувчилар газетаси». 1989 йил, 16 сентябрь.

<sup>3</sup> V—XI синфларда адабиётдан ўқув программаси. «Ўқит. газетаси». 1989 йил, 16 сентябрь. Ўрта мактаб программалари. Адабиёт, «Ўқитувчи», Т., 1990. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги нашриёти. Т., 1991. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. ПФИТИ нашриёти. Т., 1992. Умум таълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. «Университет» нашриёти. Т., 1992. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти, «Ўқитувчи» Т., 1993. Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги нашриёти. Т., 1993.

лим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари» номли китобда шундай дейилган: «Ўрта умумтаълим мактабларида она тили ўқитишнинг мавжуд аҳволи таълим мазмунини тубдан янгилашни ҳаётий зарурият қилиб қўймоқда. Биз бу заруриятларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик: 1) ижтимоий-иқтисодий заруриятлар; 2) тадрисий (методик — Қ. Й.) заруриятлар; 3) илмий заруриятлар<sup>1</sup>.»

Мактабда она тили ўқитишни янгилаш заруриятини юқорида айтилганидек тасниф этиш илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Чунки мамлакатимиз ҳаётининг ҳозирги босқичида миллат аъзоларининг маънавиятини шакллантиришга дахлдор ишга ҳар томондан ёндашилган тақдирдагина манлиқли хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Бугунги кунда адабиёт ўқитиш масаласи фақат тадрисий муаммо қобиғидан чиқиб педагогик муаммога айланибгина қолмай, ижтимоий моҳият ҳам касб этдики, масаланинг бу жиҳатини кўздан қочириш уни нотўғри ҳал қилишдан ўзга нарса бўлмайди. Айни вақтда, адабиёт ўқитиш ишидаги янгиланиш жараёни бевосита адабиётшунослик илмидаги тозариш, янгиланиш жараёнига дахлдор. Бинобарин, адабиётшунослик фани бугун эришаётган ютуқларни ҳисобга олмай туриб, адабий таълим ишида ўзгариш ясаш мумкин эмас. Хуллас, умумтаълим мактабларида адабий таълимни тубдан янгилаш заруриятини биз ҳам уч гуруҳ сабаблар билан изоҳлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Фақат биз мазкур сабабларга бирмунча кенгроқ ёндашиш ва мактаб адабиёти предметини мактаб педагогикасининг ўзга муаммоларидан ажратмаган ҳолда тадқиқ этиш тўғри ва ҳаққоний хулоса чиқариш имкониятини беради, деб биламиз. Шу мулоҳазага кўра умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишни тубдан янгилаш заруриятини келтириб чиқарган омиллар сифатида қуйидаги сабабларни алоҳида ажратиш мумкин; и ж т и м о и й, и л м и й ва п е д а г о г и к омиллар.

Адабий таълимни тубдан ўзгартиришни тақозо этган ижтимоий омиллар шулардан иборатки, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига кириши ва мулкнинг

---

<sup>1</sup> Фуломов А, Неъматов Ҳ. Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари Республика ўқув-методик маркази, Т., 1992, 8-бет.

ягона ижтимоий шаклинигина тан олишдан қутула бо-риши билан жамият аъзоларининг онгида жиддий ўзга-ришлар рўй берди. Авваллари, шўро даврида таълим тизимидаги барча ўқув предметлари, айниқса, адабиёт предмети тўлиғича ҳукмрон мафкура хизматига бўйсун-дирилган бўлса, эндиликда қонуний равишда давлат-нинг ҳукмрон мафкураси бўлмаслиги белгилаб қў-йилди<sup>1</sup>.

Етмиш йилдан ошиқроқ фаолият кўрсатган ва ўзига хос ҳуқуқий-ахлоқий тизимга эга бўлган социалистик тузум иқтисодий жиҳатдан ҳам, илмий нуқтаи назар-дан ҳам хусусий мулкчиликка, алоҳида шахсларнинг тадбиркорлигига, ташаббускорликка қарши эди. Шу-нингдек, ҳаққоний ва ўрганиш мумкин бўлган дунёқа-раш сифатида фақат марксизм-ленинизм таълимотига-гина изн берилар, ўзга хил қарашлар таъқиб этилар эди. Дин—тамомила инкор этилар ва жамият аъзолари фақат марксизм-ленинизмгагина эътиқод қилиши мум-кин эди. Социалистик ижтимоий муносабатлардан ўзга ижтимоий муносабатлардан кўз юмилар эди. Давлати-мизнинг мустақиллиги, мулкчилик шаклининг турли-ту-манлиги, жамият аъзоларининг турли дунёқарашга, ҳар хил эътиқодларга эга бўлиши мумкинлиги, бутун бошли бир жамият аъзоларининг фақат бир ижтимоий-иқтисодий тузумнигина тан олишдан қутулиши халқи-мизнинг ижтимоий онгида кескин ўзгариш ясади. Бу ҳолат мактаб ўқувчиларида коммунистик дунёқарашни-гина шакллантиришга даъват этилган, социалистик жа-миятнинг энг адолатли, шу боис умри боқий тузум экан-лигини тараннум этишга йўналтирилган адабий таъ-лимни тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишни туб-дан янгилашни тақозо этадиган омилларнинг яна бир гуруҳи илмий омиллардир. Тафаккурнинг янгилалиши,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон», Тошкент, 1992, 11-бет.

ижтимоий фикрнинг соғлом тамойилларга таяна бошлаганилиги илмнинг барча жабҳаларида ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Инсон руҳиятини, туйғулар оламини тасвирловчи бадий адабиётни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган адабиётшунослик илмида ҳам ғоят жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Социалистик тузум барбод бўлган, унинг бир қатор устқурмалари сингари мафкуравий адабиётшунослик ҳам барҳам топди. Эндиликда сиёсат адабиёт ишига аралашмайдиган бўлгач, бадий ижод иши давлат иши деб қаралишдан халос этилгач, бадий асарларга ёндашиш, уларни баҳолаш ҳам ўзгача тамойилларга таянилган ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Аввало, адабий мероснинг катта бир қисмига, миллатнинг ижтимоий онгини шакллантиришга вақтида бевосита, кейинчалик асарлари орқали бавосита таъсир кўрсатган ёзувчиларга душманлик кўзи билан қараш барҳам топди. Ижодкорларнинг қандай ижтимоий табақага мансублиги, кимларни қаҳрамон қилиб олганликлари, қандай мавзуда асарлар битганлиги эмас, адабиётшунослик илмини адибларнинг ўз асарларини қанчалик санъаткорлик билан битганликлари қизиқтирадиган бўлди. Иккинчидан, диний мавзудаги асарларга ёмон назар билан қараш иллатидан қутулинди ва бу типдаги асарларнинг ҳам миллий бойлигимиз эканлиги англандан ҳолда тадқиқ этишга киришилди. Учинчидан, бадий асарлардан ғоягина қидирилмайдиган бўлди. Адабиётшунослар бадий асарнинг эстетик жиҳатини тадқиқ этишга уринадиган бўла бошладилар. Тўртинчидан, бадий адабиёт жамият тарихининг шунчаки иллюстрацияси эмаслиги равшан бўлди ва унинг ўзига хос қонуниятлар асосида тараққий этиши адабиётшунослик илмида ҳисобга олиннадиган ва қайд этиладиган бўлди. Бешинчидан, адабиёт ҳодисаларига синфий, мафкуравий ёндашишдан тамойила воз кечиш кераклиги, акс ҳолда, адабиётшунослик чиқарган хулосаларнинг илмий қиммати бўлмаслиги тан олинди. Адабиётшунослик илмида рўй берган бу ижобий ўзгаришлар мафкуравий адабиётшунослик фани хулосаларига таяниб иш кўрадиган мактаб адабиётини тубдан ўзгартириш зарурлигини тақозо этар эди. Чунки бугунги кунда туриб, ўтмишга айланган илмнинг хулосаларига суянган ҳолда иш юритиш мумкин эмас. Мактабда адабиёт ўқитиш адабиётшуносликнинг ҳозирги тараққиёт даражасини акс эттиргандагина ку-

тилган самарага эришиши мумкин. Бадий асарга, ижодкорга ёндашиш ўзгармаса, асар талқини, унда чикариладиган бадий-ахлоқий хулосалар илминг сўнги ютуқларига таянган ҳолда умуминсоний қадриятларни ифода этмайдиган бўлса, мактаб адабий таълими баркамол шахсни шакллантириш ишига хизмат қилмайд.

Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишни тубдан ўзгартиришни тақозо қиладиган асосий сабаблардан бири педагогик омиллардир. Ижтимоий тузум ўзгариши, жамият тафаккурида тозариш рўй бериши, адабиётшунослик илмида жиддий янгиликлар содир этилиши билан адабий таълимнинг педагогик вазифаси ҳам тубдан ўзгарди. Бу ҳолат адабиёт ўқитишни бутунлай янгилаш кераклигини талаб этди.

Собиқ совет мактабларида адабиётга ўқув предмети сифатида, тарбияланувчиларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш воситаси сифатида эмас, балки фан тарзида муносабатда бўлиш ҳукмронлик қиларди. Натижада бадий адабиётни ўқувчиларга ўргатишдан кузатиладиган асосий мақсад назардан қочирилди. Мактабдаги ўқув предметида фан тарзида ёндашиш минглаб ўқувчиларни адабиётдан бездирди. Нотўғри уюштирилган адабиёт дарслари, адабиёт предметида қўйилган ноўрин талаб ва бу предмет зиммасига сунъий равишда юклатилган ортиқча юк туфайли адабиёт дарслари зерикарли машғулотларга айланди. Ўқувчилар адабиёт дарсларидангина эмас, балки бадий адабиётдан ҳам безиб қолишди. Улар бадий китоб ўқимайдиган, бадий сўзни ҳис қилмайдиган даражага келишди. Мактаб адабиётига мафкуравий талаблар билан ёндашилгани учун ҳам дастурларда ва дарсликларда, кўпинча, бадий жиҳатдан заиф, аммо ғоявий жиҳатдан «тўғри», коммунистик манфаатларга мос келадиган «асар»ларни ўрганиш кўзда тутилган эди. Шу тариқа адабиёт дарсларида бадийят билан учрашмаган, эстетик завқланиш нима эканини татиб кўрмаган ўқувчи учун бадий асар ўқини машаққат бўлиб туюладиган даражага етди.

Дарсликларда бадий таҳлил ўрнига шарҳли (обзор — Қ. Й.) ваъзларга, адибларнинг таржимаи ҳолларига, таҳлилга хизмат қилмайдиган назарияга доир маълумотларга кенг ўрин бериларди. Энг ачинарлиси шу эдики, ўқувчиларнинг ўзига хос фикрлашига, оригинал хулоса чиқаришига йўл қўйиш мумкин эмас эди.

Мактабда ўрганиладиган ҳар қандай асар юзасидан чиқарилаган расмий хулоса ҳар бир ўқувчи томонидан сўзсиз қабул этилиши, дастурдан ўрин олган ҳар бир асар ҳар бир бола томонидан шедевр асар сифатида тан олинishi шарт эди. Совет мактабларида бадий асарнинг ўзини ўқишдан кўра у ҳақдаги расмий фикрларни билиш муҳим саналар эди. Чунки ўқувчиларнинг бировлар айтган гапларни такрорлаши ўйламасликларининг белгиси эди. Таржимаи ҳолга доир маълумотлар адибларнинг инсоний қиёфасини кўрсатиш ёхуд бадий асарларини тушунишга қўл келадиган тарзда эмас, балки у ёки бу ижодкорнинг давлатга қандай хизмат қилгани-ю, «яхши» хизматлари учун қандай мукофотларга эазовор бўлганлигини таъкидлашга кўпроқ мувофиқ келадиган тарзда берилар эди. Бу шаклдаги адабий таълимдан кузатилган мақсад буйруқни бажарадиган, инсоний туйғулар, қадриятлар ҳақида бош қотирмайдиган «содиқ фуқаро»ларни тарбиялашдан иборат эди.

Ижтимоий фикрдаги ва педагогика илмидаги ҳамда адабиётшунослик фанидаги ўзгаришлар мактаб адабиёти олдига мутлақо бошқача вазифалар қўйилиши жонзлигини тақозо этди. Мактаб ўқувчисини адабиётшунослик материаллари ёки ҳукмрон мафкура манфатларига мос келувчи қарашлар силсиласи билан эмас, балки чинакам бадий матн билан таништириш, бадий сўзнинг жозибасини ҳис эттириш орқали маънавий жиҳатдан камолотга етказиш зарурлиги аён бўлди. Жамият учун мактаб ўқувчиси бирор ишнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини билиб қўя қолиши билан эмас, балки нотўғри қадам босмайдиган, тўғри йўлдан тойилмайдиган иймонли шахс бўлиб шаклланиши билан муҳим эканлиги тан олинди. Адабиёт назарияси бўйича бериладиган билимлар ҳам ўқувчининг тафаккурини синаш ва уни қийнаш воситаси эмас, балки бадий асарни ўқиш ва таҳлил этишга кўмак берадиган маълумотлар тарзида қараладиган бўлди.

Шу маънода мактаб адабиёти таълим бериш воситаси эмас, балки тарбиялаш воситасидир. Аслида адабиёт тарихига дахлдор бирор далилни шариллатиб айтиб бера оладиган, аммо маънавиятида эзгу фазилатлар бўлмаган ўқувчидан кўра, айрим адабий маълумотлар тизимини билмаса ҳам, бадий асарларнинг қаҳрамонларига хос энг инсоний фазилатларни ўз табиатига сингдира билган, сиртдан қараганда, нофаолдай

туюладиган ўқувчилар жамиятимиз учун кўпроқ зарур-дир. Шунинг учун ҳам адабиёт предметига мактабдаги ўзга предметларга муносабатда бўлгандай ёндашиб бўлмайди. Социалистик педагогика эса адабиётга ҳам худди математикага ёхуд жисмоний тарбия дарсига муносабатда бўлгандай ёндашишни талаб этар эди.

Адабиёт машғулотларида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳамкорлик педагогикасининг талабларига тўлиқ жавоб берибгина қолмай, балки тўлиғича самимий ўзаро ҳурматга, ўқитувчи шахсиятига муҳаббатга айланмаса, адабий таълимдан кузатилган мақсад амалга ошмаслиги психология фанининг сўнгги ютуқлари томонидан асослаб берилди. Шундай шароитда мактабда адабиёт ўқитишга доир педагогик-методик талабларни тубдан ўзгартириш, бу талабларни соғлом мантиққа, жаҳон андазалари даражасига етказиш шартдир. Бинобарин, адабий таълимни янгилашнинг педагогик зарурияти ҳам шу тариқа юзага келди. Маънавийт масаласи ижтимоий тараққиёт учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан ҳам кўра долзарброқ муаммо эканлиги кўпчиликка равшан бўлиб бормоқда. Бадий адабиёт инсон шахсиятини шакллантиришга йўналтирилганлиги учун ҳам маориф тизимидаги мутахассислар ва илмий ходимлар шуғулланадиган юмушдан умуммиллий муаммо даражасига кўтарилди. Чунки жамиятнинг эртанги куни қандай маънавийт эгалари қўлига қолиши масаласи билан фақат мутахассислар эмас, жамиятнинг фикрловчи, кўзи очик ҳар бир мунаввар кишиси қизиқадиган бўлиб қолди.

Иккинчидан, миллий педагогик меросга муносабат тубдан ўзгариши билан тарбияшунослик борасидаги миллий анъаналарни, хулосаларни, қарашларни йиғиш, ўрганиш, тасниф этиш ва тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Кўп асрлик тарихга эга педагогик мероснинг пухта ўрганилиши ва бугунги тарбиявий жараёнга жалб қилиниши тарбия тизимининг соф миллий йўналишда бўлиши имкониятини туғдиради.

Учинчидан, совет педагогик тизими қанчалар нобот ва халқимизнинг миллий анъаналарига, маънавийт ҳақидаги қарашларига ёт бўлмасин, инсоният тафаккури тараққиётининг муайян маҳсули сифатида айрим ижобий жиҳатлардан холи эмас эди. Бугунги адабий таълим совет даври мактаб адабиётининг ижобий тажрибалари устига қурилади. Совет ҳукумати даврида Ав-

лоний, Чулпон, Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Элбек, шушигдек, С. Долимов, Қ. Аҳмедов, А. Зуннунов, Ҳ. Убайдуллаев, А. Абдураззоқов, О. Мадаев сингари адабиёт ўқитиш муаммолари билан шуғулланган ва бу борадаги илмий қарашларини баён этган олимларнинг ишлаб чиққан таълимий тизимларидан ижодий фойдаланиш, бугунги кун талабларига мувофиқ келадиган жиҳатларни ишлатиш мактабда адабий таълимни тубдан янгилаш ва яхшилаш имконини беради. Совет даврида яратилган илмий тизимларни ёппасига кўр-кўрона инкор этмай, давр синовларига бардош берадиган, келажак учун ҳам хизмат қилиши мумкин бўлган қарашлар, умумлашмалар ва хулосаларни синчиклаб ўрганиш ва янгиланган педагогик назардан ўтказган ҳолда улардан эзгу мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиш жоиз.

Мактаб адабиётини тамомила янгича йўналишга солиб юбориш имкониятини берадиган омиллардан яна бири мамлакатимизда тайёрланган адабиёт ўқитувчиларидир. Гарчи ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳам совет даврида тайёрланган мутахассислар бўлишса-да, бу мутахассислар яшаётган тарихий давр ва бу замонда рўй бераётган кескин ижтимоий ўзгаришлар адабиёт ўқитувчилари дунёқарашида, ўз касбларига муносабат борасида жиддий ўзгариш ясаши табиийдир. Маълумки, мамлакатимиз мактабларида айни кунларда дарс бераётган адабиёт ўқитувчилари енгилгина қайта тайёрлашдан сўнг энг янги ва соғлом тамойиллар асосида машғулотлар олиб бориш имкониятларига эга. Негаки, улар йиллар давомида ўзларига руҳан бегона, миллий маънавиятимиздан йироқ шу боис фақат ўқувчилар учунгина эмас, балки ўқитувчиларнинг ўзлари учун ҳам зерикарли бўлган асарлар юзасидан машғулотлар олиб боришиб, мафкуравий адабий таълимнинг машаққатларини тортишган. Эндиликда адабиёт ўқитишда бадий-эстетик асослар устивор бўлган шароитда, бадий адабиётнинг чинакам мумтоз намуналари таҳлилга жалб қилинадиган ва бу асарларни сиёсий йўналишлардан чўчимай таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлган шароитда зўр кўтаринкилик ва ғайрат билан ишлай оладилар.

Ўз устида ишлашга одатланган ўқитувчиларнинг сафлари кенгайсагина адабий таълимда ўзгариш ясаш мумкин бўлади. Тубдан янгиланган мактаб адабиёти ўқи-



тувчилардан ўз устида кўпроқ ишлашларини тақозо этади. Чунки ўрганиладиган бадий асарларга фақат бир хил—ўқитувчи ва дарслик муаллифларининг назари билан қараш, дарсликларда ўқувчиларга бадий ва илмий хулосаларни «чайнаб» бериш барҳам топади. Дарслик ва қўлланмалар ўқувчиларни фикрлашга ундайдиган, мустақил хулосага келадиган тарзда тузилади. Синфга кирган ўқитувчи айни бир асарни ҳар сафар янгидан идрок этишга ва унинг янги қирраларини кашф этишга мажбур бўлади. Натижада адабиёт муаллимлари ҳозиргидай фақат ўқувчиларнинг дарсликларидаги маълумотлар билангина кифояланиб қолмай, нафақат адабиётшуносликка доир, балки педагогикага доир қўшимча манбаларни ҳам кўришга мажбур бўлишади.

Қолипларга тиқиштирилмаган, эркин фикрларга, соғлом тамойилларга асосланган тарбия тизими эса ўқитувчиларнинг ҳам қолиплардан холи бўлишини, мустақил қарашларга соҳиб бўлишини тақозо этади. Буғовдан қутулган, эркин парвоз имконига эга бўлган ҳур фикр эса ҳар қандай инсон сингари адабиёт ўқитувчисининг ҳам ижодий-илмий имкониятларининг тўлиқ очилишига шароит яратиб беради. Ўз устида ишлаш кўникмасига эга бўлган ўқитувчиларгагина методикага доир билимлар асқотади. Зарур илмий савияга, етарлича касбий ҳозирликка эга бўлмаган ўқитувчи учун методика илмининг хулосалари мутлақо аҳамиятсиздир. Чунки методик янгиликларга, тавсияларга эҳтиёж сезиш, улардан фойдаланиш учун ўзининг фаолиятини назарий жиҳатдан таҳлил эта билиш, ўзининг ишидаги асосий қирраларни иккинчи даражали жиҳатлардан ажрата билиш даркор бўлади.

Илмий савияси, касбий тайёргарлиги паст бўлган кучсиз ўқитувчи учун методиканинг аҳамияти йўқ. Бундай ўқитувчи «умуман» ўқитаверади, қилаётган ишини, унинг қисмларини яхлит бир жараён сифатида кўз олдига келтира олмайди. Бинобарин, ишининг ютуқ-камчиликларини ҳам аниқлай билмайди. Республикамиз мактабларидаги адабиёт ўқитувчиларининг катта бир қисми шу хил «тартиб» билан иш кўрадилар. Бундай ўқитувчилар методика илмининг хулосаларини ҳазм қила олмайдилар. Бинобарин, амалий фаолиятида қўллай билмайдилар ҳам. Бу хил тарбиячилар учун методик тавсияларнинг фақат ташқи жиҳатларигина тушунарли бўлади, холос. Лекин айни шу тадбир, дидактик таъли-

мий восита нима учун қўлланилаётганлигини тушунтириб бера олмайдилар. Чунончи, адабий таълим миллийланштирилиши керак дейилса, адабиёт дарсларида миллий кийим кийиб келиш кераклигини тавсия этишлари, ватанпарварлик руҳи сингдирилиши керак дейилса, ватан ҳақидаги чақириқларни такрорлашга мажбур қилишлари мумкин. «Мулла билганини ўқир» тамойилига асосланадиган бу хил ҳолат педагогика илмида **автодидактизм** термини билан номланади. Автодидактизм тамойилига асосланиб иш юритадиган ўқитувчи методика илми ютуқлари билан, педагогика фани берадиган тавсиялар билан қизиқмайди. Энг илғор ва самарали хулосалар унинг амалиётида мутлақо қўлланилмайди. Бундай ўқитувчи тарбия жараёни талабларига мослашишга интилмади, балки тарбия жараёнини ўзининг қарашларига, имкониятларига мослашга уринади. Мактаб адабий таълимининг тубдан янгиланиши автодидактизм хасталигига мутбало бўлган ўқитувчиларни ўзгаришга мажбур этади. Чунки янгиланган мактаб эскича иш услубини ҳазм эта олмайди. Албатта, бу жараён ғоят силлиқлик ва ҳеч қандай тўқнашувларсиз, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Лекин носоғлом ва эскича одатлардан чўчиб, тўғри ва самарали йўлдан юз ўгириш ҳам мумкин эмасдир.

Хуллас, юқорида баён этилган бир қатор омиллар умумтаълим мактабларида адабий таълимни тубдан янгилаш мумкин эканлигини кўрсатади.

## СОҒЛОМ МЕТОДОЛОГИЯ—АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ЯНГИЛАШНИНГ АСОСИ

Мактаб адабиётини янгилаш жараёни барча ижтимоий тусдаги фаолиятнинг асосини ташкил этувчи методологиядан бошланиши мақсадга мувофиқдир.

Ислоом фалсафаси азалдан инсоннинг илоҳий қудрат эгаси томонидан оламдаги барча мавжудотлар орасида ўзгача мартаба соҳиби сифатида яратилганлигини исбот этишга уринади. Олам ҳодисаларини исломий фалсафага мувофиқ тушунтирган ҳазрати Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида оламда инсон рутбасининг улуғлиги ва бу ҳолнинг сабабини шундай изоҳлайди:

Жилваи ҳуснунгга чу йўқ эрди ҳад,  
Кўзгу керак бўлди анга беадад.  
Очти гулшанники рангин эрур,  
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.  
...Мунча ғаройибки мисол айладинг,  
Барчани миръоти жамол айладинг.  
Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридан ғараз инсон эди<sup>1</sup>. . . .

Бадий ижод намуналари инсон тафаккури ва туйғуларининг рангин манзараларидир, унинг яратувчилик фаолиятидаги чўққилардир. Аввало, одамнинг ўзига, ундан сўнг фақат инсон томонидангина яратилиши мумкин бўлган бадий асарга мана шундай нуқтан назардан ёндашилганда санъат асарининг моҳиятига етиш, уни инсон камолоти йўлига сафарбар эта билиш, унинг намуналарини таъсирчан ва ҳаққоний таҳлил этиш орқали ўзгаларнинг қалбига кўчириш мумкин бўлади. Адабиёт ана шундай дунёқарашга таянгандагина бадийят ҳодисаларини тўғри изоҳлаши мумкин бўлади. Чунки бадий адабиёт гўзал дунё ичида гўзал руҳий дунё яратишдир.

Эстетик ҳодисаларни изоҳлашнинг иккинчи бир жиҳатига боғлиқ назарий масалалар борасида ҳам бир тўхтамга келмай туриб, умуман, бадий адабиётни, ҳусусан, мактаб адабиётини тушунтиришнинг имкони йўқ. Маълумки, бадий ижод ҳодисаси Аристотель таълимоти асосида иш кўрувчи европача илмда мимесис — тақлид назариясига таянилган ҳолда изоҳланади. Мазкур назарияга кўра, ҳар қандай бадий ижод табиатга ёки ижтимоий ҳодисаларга тақлиддангина иборатдир. Шунинг учун ҳам Ғарб адабиётшунослигида, санъатшунослигида санъат ҳодисаси ўзи тақлид қилган реал воқеликка мос келадими ёки йўқми деган савол ҳамиша биринчи ўринда туради ва унга берилган жавоб санъат ҳодисасининг қийматини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ғарб санъати ва адабиётида инсоннинг руҳоний жиҳатларидан кўра жисмоний жиҳатларига эътибор кўпроқ қаратилишининг туб сабаблари мимесис назариясига келиб тақалади. Айни шу ҳолат ғарбликларнинг маънавиятида ҳам

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-том. Тошкент, «Фан», 1991, 20—21-бетлар.

иққол акс этади. Ғарб бадиий адабиётни воқеликка тақлиднинг — мимесиснинг натижаси деб ҳисоблашни қондалаштирган. Харақтерли жиҳати шуидаки, Туркистондаги адабиётшунослик илми ҳам XX аср бошидан бери мазкур назария таъсирига тушган ва ҳозарга келиб тўлиғича бадиий адабиётни фақат шу назарияга таянган ҳолда изоҳлайди. Мактаб адабиёти ҳам ўз материалларини Арасту қарашларига суянган ҳолда тадқиқ этишга мўлжалланган. Ҳолбуки, мусулмон Шарқи учун бутун олам ҳодисаларини изоҳлаганда ҳам, бадиий ижод намуналарини тушунтирганда ҳам асрлар мобайнида қўл келган тажалли, жилва назарияси мавжуддирки, у бадиий воқеаликни бошқа ҳар қандай қарашлардан кўра тўлароқ англатишга қодирдир. Қадим Туркистондаги мактабларда бадиий адабиёт асрлар давомида тажалли назариясига таянилган ҳолда ўқитилиб келинган. Негаки, бадиий адабиётнинг, чинакам бадиий асарларнинг асосий қисми яратилишида тажалли тамал тоши вазифасини ўтагандир. Тажалли олам ҳодисаларини англатишда тасаввуф таълимоти намоёндалари асосланадиган назарий қарашдир. Бу назарияга таянадиган адабий таълим ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шаклланишига, болаларда яратувчининг қудратидан ҳайратланиш, қаҳридан қўрқиш, гўзаллигидан завқланиш сингари хислатларни барпо этишга аҳамият беради. Ўқувчиларнинг қалбини тарбиялашга, туйғуларини, ҳиссиётларини нозиклаштиришга диққат қилади. Бундай тамойилларга таяниб иш кўрадиган мактаб талабалари ўзгаларнинг ғамига шерик бўлишга, адолатсизликка қарши бефарқ бўлмасликка, гўзалликдан лаззатланишга қодир кишилар бўлиб тарбияланадилар. Тажалли асосида иш кўрадиган адабий таълим комил шахс тарбиялашни мақсад деб ҳисоблайди.

## МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИНИНГ ЭСТЕТИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Мактабда адабий таълимни янғича йўналишга солиш учун қилиниши ғоят зарур бўлган юмушлардан бири адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифаси ва мазмунини аниқлаб олишдан иборатдир. Чунки бу тушунчалар адабиёт ўқитишнинг асосларини ташкил этувчи категориялардир. Ҳар қандай педагогик фаолиятга ки-

ришишдан олдин кимни?, нима учун?, нимани? деган саволларга жавоб бериш зарурдир. «Кимни?» деган саволга жавоб бериш шунинг учун муҳимки, бу савол педагогик фаолиятнинг мақсадини аниқлайдиган жавобни талаб қилади. «Нима учун?» саволи эса адабий таълимнинг вазифасини белгилашни талаб этади. «Нимани?» суроғига адабиёт ўқитишнинг мазмунини кўрсатиш жавоб бўлади. Шуниси қизиқки, собиқ совет даврида чоп этилган методик адабиётларда, дарсликларда ва адабиёт дастурларида ҳам нима учундир адабиёт ўқитишнинг мақсади масаласига аниқлик киритишга уринилмас эди<sup>1</sup>. Адабиёт ўқитиш методикасига доир аксар манбаларда мактабда адабиёт ўқитишнинг вазифалари ва мазмуни ҳақида сўз юритилган бўлса-да, аммо мақсади ҳақида фикр билдирилгани учрамайди. Айрим манбаларда эса мақсад ва вазифа тушунчалари аралаштириб юборилган ўришлар борлиги маълум бўлади. Бизнинг назаримизда бу шунчаки тасодифий ҳол бўлмай, умуман педагогикада, хусусан, адабий таълимда тарбиядан мақсад ойдинлаштириб олинмаганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, мақсади аён бўлмаган фаолиятнинг самараси ҳам ўзига яраша бўлади. Айни кунлардаги адабий таълимда ҳам мақсад аниқ, равшан белгиланган, деб дадил айгиш қийин. Жумҳуриятимиз мактабларида қолган барча ўқув предметлари сингари адабиёт дарслари ҳам унчалар аниқланмаган мақсадга эришиш йўлида ўтказилмоқда. Лекин адабиётдан ўзга ўқув предметлари учун мақсад тушунчаси адабиёт предметига бўлган даражада ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Негаки, эстетик бўлмаган йўналишдаги барча ўқув предметлари ўқувчиларга муайян миқдордаги билимлар заҳирасини сингдиришни ўз олдиларига мақсад қилиб белгилаганларида ҳам бирор даражада аҳамиятли фаолият кўрсата оладилар.

Адабиёт дарслари учун эса мақсадни белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки адабиёт

---

<sup>1</sup> Голубков В. В. Методика преподавания литературы, М. Учпедгиз, 1962. Долимов М., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси, «Ўқитувчи», 1967. Методика преподавания литературы. Под редакцией проф. З. Я. Рез, М., «Просвещение», 1985. Зуннупов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992. Ваҳобов А., Қозичонов М. Ўқилими адабиёт дар мактаб. Душанбе, «Маориф», 1988.

машғулотларида бериладиган билим миқдори ва ўқувчилар ҳаётида бу билимлар тутадиган мавқе арзирли даражада бўлмайди. Бадий адабиётни ўрганиш ва асарларни таҳлил этиш билан ўқувчиларни билимдонроқ, амалиётчироқ қилиб тайёрлашнинг имкони йўқ. Педагогика илми томонидан асослаб берилган мақсад бўлмаганлиги учун ҳам мустақилликка эришилганига қадар ўқитувчиларимиз ҳар қандай адабиёт дарсининг мақсадини — «ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш» тарзида белгилаб келди. Мана шундай шароитда адабий таълимнинг мақсадини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши табиий, албатта.

Биз адабий таълимнинг мақсади тушунчасини аниқлаштиришдан олдин педагогик мақсадларнинг ким томонидан қўйилаётганига қараб **умумий**, **хусусий** ва **шахсий** кўринишлари мавжудлигини қайд этиш жоиз деб ҳисоблаймиз. **Умумий мақсад** ҳар қандай педагогик фаолият олдига, бизнинг мисолимизда, адабиёт ўқитиш олдига жамият томонидан белгиланган мақсаддир. **Хусусий мақсад** эса ҳар бир алоҳида мактаб ёки ўқитувчи белгиладиган мақсадни акс эттиради. **Шахсий** ёхуд индивидуал мақсад ҳар бир ўқувчининг ҳар бир адабиёт дарсида ўз олдига қўйган мақсадини ифодаловчи тушунчалардир. Умумий мақсад жамиятнинг энг илғор қисми қарашларини акс эттириб, педагогика илмининг жиддий изланишлари оқибатида аниқланади. Илмий жиҳатдан асосланган, соғлом маъنيққа мувофиқ келадиган умумий мақсад белгилангандан кейингина хусусий ва индивидуал мақсадларни шакллантириш яхши самара беради. Умумий, бош мақсаднинг умуминсоний қадриятларга мос келиш даражаси унинг умрбоқийлигини таъминлайдиган асосий кўрсаткичдир. Соғлом одамларнинг ҳар қандай рисоладаги фаолиятлари муайян мақсадга қаратилиши шарт эканлиги айтилганлардан ойдинлашади.

Янгиланган мактаб адабий таълимининг беш мақсади сифатида қандай маррани белгилаш мумкин, деган саволга жавоб беришнинг аҳамияти катта эканлиги тушунарли. Бу борада турлича қарашлар мавжуд. Гарчи адабий таълимнинг мақсади ҳақида махсус илмий тадқиқотлар эълон қилинмаган бўлса ҳам, бу борада хилма-хил қарашларнинг, фикрларнинг илгари суринлаётганлиги ҳақиқатдир. Айрим мутахассислар назарида адабиёт ўқитишдан мақсад: «Ўқувчиларни сўз санъати

хусусиятлари билан таништириш, адабиётимизнинг кўп асрли тараққиёт йўли, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрни, йирик сўз соҳибларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олган бадий асарлар ҳақида таълим бериш, бадий адабиётнинг келажак мухлисини тарбиялашдан иборат<sup>1</sup>..» Бир гуруҳ олимлар томонидан 1992 йилда эълон қилинган дастур лойиҳасида белгиланган бош мақсад, умуман олганда, тўғри тарбиявий марраларни кўзлаган. Лекин бизнинг назаримизда, умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишга мўлжаллаб тузилган дастур ўз олдига бир мутахассислик — филолог тайёрлашни мақсад қилиб қўйгандай бўлиб туюлди. Чунки белгиланаётган марралар, яъни: «... сўз санъати хусусиятлари билан танишиш, адабиётимизнинг кўп асрли тараққиёт йўли, ривожланиш қонуниятлари, . . . йирик сўз соҳибларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти . . . ҳақида таълим бериш» ва ҳ. к. лардан мақсад нима эканлиги назардан қочирилгандай кўрилади.

Белгиланган мақсадга кўра, муаллифлар бадий адабиётнинг тараққиёт жараёнини пухта ўзлаштирган ўқувчиларни тайёрлашдай эзгу ишни мўлжаллашган. Табиий равишда савол туғилади: умумтаълим мактабларида минглаб ўқувчилар ўқишади ва уларнинг тўқсон фойиздан кўпроғи филология илмига мутлақо алоқадор бўлмаган соҳаларда ишлашни мўлжаллашган. Келажакда адабиётга алоқадор бўлмаган тармоқда ишламоқчи бўлган тарбияланувчилар учун адабиёт ҳолат зерикарли, мураккаб ва бефойда ўқув предметиға айланиб қолмайдими? Бундай ёшлар учун адибларнинг таржимаи ҳоллари-ю, бадий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини билишнинг зарурияти нимада? Ўқувчилар бадий асарни ўқимасалар, ўрганмасалар, жанрларни ажратмасалар, адабиёт назариясидан хабардор бўлмасалар, айрим асарларни ёдламасалар, асарларни таҳлил этишни мутлақо билмасалар нима йўқотадилару, ўшаларни билсалар нимаға эришадилар? Ва улар эришган сифатларнинг жамият аъзолари ҳаёти учун, жамиятнинг тараққиёти учун қандай аҳамияти бор? Шу ва шунга ўхшаш қатор саволларға жавоб берилмаган. Бу ҳолат

<sup>1</sup> Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. Тошкент, «Университет» нашрияти. 1992. 3-бет.

юқорида парча келтирилган дастур тузувчиларининг фаолиятидаги камчиликдан ҳам кўра социалистик йўналишдаги педагогика илми ва амалиёти учун умумий бўлган аҳволнинг намоён бўлишидир.

Адабиёт чуқур ўрганиладиган мактаблар, ётоқ мактаблар (интернатлар) ва лицейлар учун 1993 йилда чиқарилган адабиёт дастурида адабий таълим мақсади бирмунча батафсил ва атрофлича ёритилади: «Мазкур дастурдан . . . кузатиладиган бош мақсад адабиёт соҳасидаги турланмайдиган, яъни эртага ўзгариб қолмайдиган ҳақиқатлар воситасида ўқувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрксеварлик, ҳур фикрлилик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларда соғлом эътиқодни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, шарқона ахлоқ-одобга хос фазилатларни парвариш этиб, мустақил Ўзбекистон учун зарур бўлган ҳар жиҳатдан баркамол навқирон авлодни шакллантириш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат<sup>1</sup>» . . . Гарчи келтирилган кўчирмада адабий таълим олдига нима сабабдан айни шу хилда мақсад қўйилаётганлиги изоҳланмаган, истиқболдаги марралар билан жорий мўлжаллар қориштириб юборилган ўринлар мавжуд бўлса-да, мазкур дастурда адабиёт предметини ўқитишнинг олдига муайян таълимий мақсад қўйилганлигининг ўзи характерлидир. Жамиятда инсоннинг маънавиятига эътиборнинг ортиб бориши билан табиий равишда адабий таълимнинг мақсади муаммоси ўртага чиқа бошлади. Адабиёт ўқитишнинг мақсади ҳақидаги энг дастлабки изоҳ, англатиш проф. Умарали Норматов бошлиқ бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган дастур лойиҳасида учрайди<sup>2</sup>. Лекин мазкур истилоҳ замиридаги маъно бирон-бир миллий педагогик манбада атрофлича ишланмаганлиги учун ҳам уни ҳар ким ўзича талқин этар ва ҳар бир киши унга ўзи истаган маънони юклар эди. Ҳанузгача ҳам адабий таълимнинг мақсади категорияси ўзининг тўлиқ илмий изоҳини топгани йўқ. Ҳолбуки мақсад аниқ бўлмай туриб, педагогик фаолият натижасида кимми

<sup>1</sup> Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур (Адабиёт чуқур ўрганиладиган мактаблар, мактаб-интернатлар ва лицейларнинг V—XI синфлари учун). Республика ўқув-методика маркази. Тошкент, 1993. 3-бет.

<sup>2</sup> Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. Жумҳурият ўқув-методика маркази. Тошкент 1991, 5-бет.



тайёрлаш муаммосини ҳал этмай туриб самарага эришиш асло мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, адабий таълимнинг мақсади масаласи адабиёт ўқитишнинг асосини белгилловчи илмий-назарий тамалларга бевосита бориб тақалади ва ҳамisha ўшалардан келиб чиқиб белгиланади. Шунинг учун ҳам янгиланаётган миллий адабий таълим олдидаги мақсаднинг ҳаққоний ва холис назарий асосларга таянган ҳолда белгиланиши тарбияшунослик амалиёти учун беқиёс катта аҳамият касб этади. Адабиёт ўқитиш ишида шахсни шакллантиришга кўпроқ урғу бераётганлигимизнинг сабаби бор. Негаки замонавий фалсафа ва педагогика илмида «шахс» тушунчаси «инсон», «одам» тушунчаларига қараганда бирмунча ўзгачароқ маъно ташийди. «Одам» тушунчаси инсонга хос бўлган жисмоний, ижтимоий, биологик ва руҳоний жиҳатларнинг ҳаммасини биргаликда акс эттиради. Ҳар қандай одам «индивид» сифатида туғилади ва «шахс» сифатида ривожлантирилиб, шакллантирилади.

Шахс тушунчаси ўз ичига инсонга хос бўлган ижтимоий ва руҳоний жиҳатларни қамраб олади. Бу тушунчага индивидга хос бўлган биологик сифатлар кирмайди. Биологик мавжудот ўз умри давомида бир қанча ижтимоий ва руҳоний сифатларни ўзлаштириб олиши, сингдириши орқали шахсга айланиши мумкин. Инсоний муҳитга тушмаган ёки маънавий ва руҳоний сифатларни сингдиришга ноқобил бўлган одам бир умр шахсга айланмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Онг, путқ, одатлар, қилиқлар, кечинмалар, ҳиссиётлар, маънавий қондаларга риоя қилиш ёки қилмаслик сингари жиҳатлар шахсликка доир белгилардир.

Шахс ўз ҳаракатларини ўзгаларники билан қиёслай билади ва ўзининг фаолияти бошқаларга халақит бермаслигини таъминлай олади. Шунинг учун ҳам тарбия — одамни одамлар билан яшашга ўрганиш санъатидир. Бадний адабиёт орқали тарбиялашда ана шу жиҳатларга айрича эътибор бериш лозим бўлади. Ҳозирги психология фани шахсликнинг белгиларини ўрганиб чиққан ва шахс онгли, масъуллик туйғусига бор, эркин, инсоний ғурурга эга, эътиқодли, ўзига хос (индивидуал) сифатлари мавжуд бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Адабиёт ўқитишга доир ҳар қандай тадбирнинг марказида онгли, масъул, эркин, ғурурли, эътиқодли ва

Ўзига хос одамни тарбиялаш туриши керак. Дастур тузиш асар танлаш, соатлар миқдорини аниқлаш, дарсликлар ва қўлланмалар яратиш, методлар танлаш, методикалар ишлаб чиқиш сингари хилма-хил ишлар бош мақсадга хизмат қилсагина фойдали ҳисобланади. Шахсни шакллантириш одамни камолот йўлига солишидир. Бу йўлга солинган одам бир умр ўзини ўзи тарбиялайди, ўзини такомилга етказди ва бир умр эзгу маънавий қадриятларгагина амал қилиб яшай олади. Бундай одам учун камолотга интилиш ички эҳтиёжга айланади.

Айтиш керакки, шахсни камолотга етказиш бир босқичли жўн жараён эмас. Рухшунослик ва тарбияшунослик илмлари шахсни тайёрлашнинг «ривожлантириш» ва «шакллантириш» босқичлари борлигини қайд этади. «Ривожлантириш» кўпроқ миқдорий характерга эга тушунча бўлиб индивиднинг умри мобайнида шахсга хос хусусиятларга мунтазам эга бўлиб бориши жараёнини акс эттиради. Одам нутқ бойлиги ўсиши, билимининг кўпайиши, ахлоқий меъёрларни ўзлаштира бориши, ўзгаларнинг муносабатлари билан ҳисоблашишга одатланиш тадрижи ривожланишнинг белгиларидир. Лекин тарбия жараёнида миқдорий жиҳатларга қараганда сифатий жиҳатлар устивор аҳамиятга молкидир. Ривожланиш натижасида эришилган маънавий сифатларнинг қатъийлашуви, шахснинг характер тарзига айланиши ва унинг маънавий қиёфасини белгилаши шаклланиш тушунчасининг моҳиятини акс эттиради.

Соғлом маптиққа асосан уюштириладиган ҳар қандай тарбиядан мақсад шахсни шакллантириш бўлиши табиий. Лекин социалистик педагогика шахсни шакллантиришга эмас, бىлъакс жамият аъзоларидаги шахслик сифатларини кўзга ташланмайдиغانроқ қилишга қаратилган тарбияшунослик эди. Юқорида саналган белгилардан англашиладики, шахс эркин фикрли, ўзи ўйлайдиган, ўзича хулоса чиқарадиган, ўзига хос тарзда фаолият кўрсатадиган одамдир. Коммунистик идеология учун бундай сифатларга эга бўлган кишини тарбиялаш бош мақсад бўлолмаслиги тушунарли, албатта. Айни вақтда, адабий таълимнинг бош мақсади шахснинг маънавий фазилатларини шакллантиришга қаратилган бўлишлиги табиий эди. Қадриятларга қайтилаётган бир шароитда замонавий миллий мактаб адабиё-

ти ҳам айни анъаналарга содиқ қолиши ва чинакам шахсларни шакллантиришга йўналтирилиши жоиздир.

Хуллас, **комил шахсни шакллантириш** марраси миллий мактабларимизда адабиёт ўқув предметини ўрганиш учун **бош мақсад** бўлиши мумкин эканлигини қадимий қадриятларимиз ҳам, маънавий анъаналаримиз ҳам, узоқ тарихга эга педагогик амалиётимиз ҳам, кишиларимиз руҳий оламига чуқур сингиб кетган бадий адабиётимиз ҳам тақозо этади.

Адабий таълим олдидаги мақсад унинг вазифасини ҳам белгилаб беради. Одатда, «вазифа» тушунчаси мақсадга эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган ишларни ифода этади. Мақсад умумий, вазифа эса хусусий тушунчадир. Мақсад истиқболни белгиласа, вазифа жорий фаолиятни кўрсатади. Мақсад белгиллаган мўлжалга етиш йўлидаги босқичлар вазифани англатади. Демак, **комил шахсни шакллантиришни мақсад** сифатида белгилаб иш кўрадиган мактаб адабиёти пировард мақсадга эришиш учун амалга оширадиган педагогик тадбирлар жами ва эришадиган тарбиявий натижалар адабий таълимнинг **вазифасини** ифодалайди.

Адабий таълимнинг мақсади ҳақида мулоҳаза юритган ўринларда шахс баркамол бўлиши учун унинг қалби уйғоқ ва таъсирчан бўлиши кераклигига ва бунга эришишда асл бадий асарларнинг беқиёс имкониятлари мавжудлиги тўғрисида атрофлича тўхталинди. Шундан келиб чиқадикки, адабиёт ўқитишнинг олдида оддий ўқувчидан **китобхон ўқувчи** тайёрлаш, болаларни бадий сўздан таъсирланадиган, унинг жозибасини ҳис қиладиган, бадий асарни танийдиган, ўқиган асарни таҳлил эта биладиган ва ундан ўзига хос хулоса чиқаришга қобил, ўзининг қарашларини оғзаки ва ёзма равишда равон ва таъсирли ифода эта биладиган бадий асар ўқишни биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантирган ўқувчи шахсини шакллантириш **бош вазифа** сифатида туради.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг вазифалари сирасига бадий асарни эстетик мушоҳада қилувчи тарбияланувчидан эстетик фаолият кўрсатувчи ўқувчи тайёрлаш кераклиги ҳам киришини кўзда тутиш жоиз.

Ҳар қандай инсон сингари мактаб ўқувчилари ҳам ўқиш йилларида идрок этишга тўғри келган барча бадий ҳодисаларни бирдай қабул этмайди, руҳиятига,

маънавиятига бир хилда сингдирмайди, улардан олган эстетик таъсирни тўлиғича маънавиятининг белгисига айлантира олмайди. Қандайдир эстетик ҳодисалар ўқувчига сингмайди ва унинг маънавий галвиридан ўтиб кетади. Ана шу «галвир»нинг яхши тўқилиши, эзгу, умуминсоний туйғуларни ўтказиб юбормайдиган тарзда ясалиши ҳам кўп жиҳатдан мактабда адабий таълим ўз вазифасини қандай уддалаганлигига боғлиқ. Бадий адабиёт ёшларга фақат мактаб йилларидагина махсус ўқув предмети сифатида ўргатилади, лекин унинг таъсири ўқувчи шахсиятида бир умрга қолади. Чунки бадий адабиёт мактаб даври тугагач ҳам шахс сифатида тўғри шакллантирилган одамга бир умрлик ҳамроҳ бўлиши кераклиги маънавий заруриятдирки, бусиз инсон шахсияти маълум даражада кемтик бўлиб қолади.

Адабиётдан ўзга ўқув предметлари, ўқувчиларнинг кўпчилиги учун фақат мактаб йилларидагина зарур бўлади. Лекин ҳар қандай шахс, ҳатто мактабдан бадий асарга муҳаббат фазилатини орттириб чиқмаган кимсалар ҳам умри мобайнида бадий адабиёт намуналарига кўп дуч келади ва уларга маънавий эстетик муносабатларини билдириш заруриятини ҳис қилади. Чунки, бадий китоб ўқимаган тақдирда ҳам театрда тушмаган, кино кўрмаган, радио-телевидениедан турли эшиттирув ва кўрсатувларни тингламаган, қўшиқ эшитмайдиган ва қачонлардир кўрган-эшитганларига муносабат билдириш эҳтиёжини сезмаган киши бўлиши мумкин эмас.

Адабиёт ўқитишнинг вазифаси қанчалик аниқ, ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларига мос бўлса, мақсадга эришиш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўқувчиларга қўйиладиган талаб билан уларнинг имкониятлари орасидаги мутаносиблик вазифанинг тўлиқ бажарилишини таъминлайдиган энг ишончли кафолатдир. Чунки бола шахсининг имкониятларига оғирлик қиладиган талаб ҳам, унинг имкониятларидан енгиллик қиладиган талаб ҳам бажарилмайди. Бинобарин, адабиёт ўқитиш олдига қўйилган вазифалар ҳам амалга ошмай қолаверади. Педагогика илми янгиланаётган адабий таълимга ўқувчининг имконияти билан педагогик талаблар ўртасидаги мутаносибликни таъминлайдиган тадбирлар тизимини ишлаб чиқа олсагина у ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.

Адабиёт ўқитишда китобхон ўқувчини тайёрлаш, ўқиган бадий асари юзасидан ўзига хос фикрлар бил-

дира оладиган болани шакллантириш вазифаси бирданига, муайян бир синфда амалга ошадиган тадбир эмас. Синчиклаб кузатишлар адабий таълимнинг вазифалари ҳам маълум босқичлардан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Адабий таълимнинг вазифаларини амалга ошириш жараёнини шартли равишда уч босқичдан иборат деб тасаввур этиш мумкин: биринчи босқич — кузатиш ёки қабул қилиш босқичи. Бунда мактаб ўқувчилари бадий асарлар билан танишиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини кузатиш билан шуғулланадилар ва бу ишларни энг мақбул тарзда амалга ошириш малакаларини ўзлаштирадилар; иккинчи босқич — мушоҳада босқичи. Мазкур босқичда ўқувчилар бадий асарларни идрок этишни ўрганадилар, бадий сўзнинг жозибасини ҳис этишни, бу жозоба бадий шаклга қандай жойланганлигини пайқашни ўзлаштирадилар ва ўқиган асарларини таҳлиллаб, улар юзасидан хулосалар чиқарадилар. Таҳлил жараёнида бадий асарларга хос бўлган эзгу маънавий сифатларни беихтиёр сингдириб борадилар. Учинчи босқич — фаолият босқичидир. Бу босқичда ўқувчилар кузатиш ва мушоҳада қилишдан фаолият кўрсатишга ўтадилар. Яъни, шеърни эшитиш ва ўқиш билангина kifояланмай, уни ёд олиш ва кўпчилик олдида ижро этишга уринадилар. Саҳна асарларини ўрганиш ва таҳлил этиш билан қаноатланмай, уларни саҳналаштирадилар ва ҳ. к. Лекин учинчи босқич адабий таълим олдида турган вазифаларнинг ортиқ даражада яхши бажарилаётганлигини кўрсатувчи маррадирки, мактабдаги барча ўқувчиларни бу босқичга кўтаришнинг асло имкони йўқ. Умумтаълим мактабларининг ҳар бир синфида адабий таълим вазифаларининг ҳар уч босқичи ҳам ўталиши шарт. Акс ҳолда адабиёт ўқитиш олдида қўйилган вазифа бажарилмай қолади. Адабий таълим олдидаги вазифани ҳар бир муайян синфнинг ўқувчилари билан ўша даврнинг ўзидагина бажариш мумкин ёки умуман бажариб бўлмайди. Негаки, ҳар бир синф ўқувчиси олдида мутлақо ўзгача хусусий мақсадлар қўйиладики, вақт ўтгандан кейин у вазифаларни уддалашнинг имкони бўлмайди.

Мактабда адабиёт ўқитиш олдида қандай вазифаларнинг қўйилиши жиҳатидан ҳам миллий педагогика билан Европа йўсинидаги тарбияшунослик орасида жиддий тафовутлар мавжуддир. Фарба бадий асарлар ҳам, аввало, ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятла-

рини орттиришга, сўнгра туйғуларини нозиклаштиришга хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Биз Ғарб педагогикаси ва этикаси эришган барча ютуқларни инкор этиш фикридан йироқмиз. Ғарб умуминсоний маънавий қадриятлар ривожига мислсиз таъсир кўрсатганлигидан, кишилиқнинг хулқий нормаларини шакллантиришда ҳал қилувчи ўрин тутганлигидан кўз юммоқчи эмасмиз. Лекин одамга, аввало, руҳий ҳодиса деб эмас, жисмоний вужуд деб муносабатда бўлиш Ғарб фалсафаси ва тарбияшунослигига хос хусусият эканлигини тая олишга ҳам мажбурмиз. XIX аср Ғарб маънавиятида чуқур из қолдирган Ф. Ницше «Шопенгауэр тарбиячи сифатида» асарида тарбиянинг вазифасини шундай белгилайди: «Инсоният алоҳида буюк одамларни вужудга келтириш учун тинимсиз ишлаши керак. Унинг вазифаси — шу ва асло ўзга нарса эмас<sup>1</sup>». Унинг: «Инсон мен учун ғоят номукамалдир. Инсонни севиш мени ўлдирган бўлур эди<sup>2</sup>», — деган қараши ҳам инсон камологи имкониятига Ғарб тафаккурининг муносабатини кўрсатадиган далилдир. Адабиёт ўқитишнинг вазифаси ҳар бир халқни ўзигагина хос маънавий қадриятлар мажмуида идрок этиш мумкин эканлигини ўқувчиларга сингдириш ҳамдир. Зеро, ўз маънавиятини қандай қадриятларга таяниб шакллантиришни билмаган шахс харитасиз номаълум юртга саёҳат қилган кишига ўхшайдики, кўзлаган манзилни аниқ тасаввур эта олмай, узоқ саргардон бўлиш хавфи бор. Адабий таълим ўз тарбияланувчиларида миллий қадриятларга таянган ҳолда хулқий сифатларни шакллантиришдай нозик юмушни уддалаши зарурдир. Хуллас, адабий таълим ўз олдига қўйган турли вазифаларни бекаму кўст бажарган тақдирдагина баркамол шахсни шакллантиришдай эзгу мақсадга эриша олади.

Умумтаълим мактабларида адабиёт предметини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари унинг мазмунини қандай бўлишини ҳам белгилайди. Педагогика назарияси ва амалиёти учун ҳам, жамият тараққиётини таъминлаш учун ҳам таълим мазмунини тўғри танлай билиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки тарбияшунослик учун кимни, нима учун тайёрлаш масаласи

<sup>1</sup> Ницше Ф. Так говорил Заратустра. М., Изд-во МГУ, 1990, стр. 286.

<sup>2</sup> Уша асар, с. 10.

ҳал этилгач, шахсияти шакллантирилиши зарур бўлган тарбияланувчиларга нима ни ўргатиш масаласини ҳал қилиш ғоят зарур эканлиги тушунарлидир. Таълимнинг мазмуни муаммоси ҳамма замонларда ақл эгаларининг диққатини тортиб келган. Шунинг учун ҳам қарийб уч юз йилдан бери рационалистлар, эмпириклар ва прагматиклар орасида таълимнинг мазмуни қандай бўлса, тараққиётга кўпроқ хизмат қилиши мумкин эканлиги юзасидан кетаётган баҳс ҳануз қатъий ечимини топгани йўқ.

*Рационализм* тарафдорлари жамият тараққиётини аъзоларнинг ақли таъмин этиши ҳолатига таяниб таълим мазмуни фақат интеллектни ўстирадиган, зеҳнини, хотирани ўткир қиладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилиши жонз деб ҳисоблайдилар. *Эмпирик* оқим тарафдорлари эса таълимнинг мазмуни ўқувчини ҳаётга тайёрлашга қаратилиши даркор деб ҳисоблайдилар ва мактабда ўрганиладиган ўқув предметлари кўпроқ амалиётда иш берадиган характерга эга бўлишини талаб қиладилар. Педагогик қарашлар қаторига нисбатан кейинроқ қўшилган *прагматик* йўналиш вакиллари эса, таълим мазмунини белгилашда интеллектнинг ривожлантирилишини ҳам, жамиятнинг талабини ҳам эмас, балки боланинг табиатини, унинг мактабга келганга қадар орттирган ҳаётий тажрибасини, биологик йўналганлигини асос қилиб олиш керак, дея даъво қиладилар. Бу назарияга кўра ўқувчи нима ни, қанча вақт ичида ўрганишни хоҳласа, ўша нарсани ўқитишнинг мазмуни қилиб белгилаш жоиз. Бунда муқим ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар тузилмайди. Ўқувчиларнинг имконият ва хоҳишлари энг юқори қадрият сифатида таълим мазмунини белгилайди.

Жумҳуриятимизда ижтимоий тузумнинг ўзгариши, кишиларимиз тафаккурида туб янгиланиш рўй берганлиги педагогик қарашларда муайян ўзгаришлар бўлишини тақозо этаётган бўлса-да, мактабларимиз фаолиятида ҳанузгача социалистик таълим мазмуни талабларига амал қилиш сақланиб қолмоқда. Тўғри, миллий педагогик амалиёт таълим ишига мафкуравий нуқтаи-назаридан туриб қарашдан тамомила воз кечди. Лекин миллий мактабларнинг таълим мазмуни нималардан иборат бўлиши кераклиги педагогика илми томонидан атрофлича ўрганилгани йўқ. Таълим мазмуни тушунча-

сига янгича ёндашишга уриниш биргина она тили предмети мисолида бўлса-да, А. Фуломов ва Ҳ. Неъматовларнинг «Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари» номли китобида кўринади. Муаллифлар она тилидан таълим мазмунининг компонентлари ва унинг таркибий қисмлари ҳақида ўзларига хос мулоҳаза юритадилар ва оригинал хулосалар чиқардилар<sup>1</sup>. Гарчи тадқиқотда таълим мазмуни тушунчаси назарий аспектда эмас, кўпроқ амалий йўналишда ўртанилган бўлиб, чиқарилган хулосалар фақат она тили предметининг ўзигагина тегишли эса-да, миллий педагогика илмида биринчилардан бўлиб бу мураккаб масалани ҳал этишга уринилганлигининг ўзи диққатга моликдир.

Таълимнинг мазмунини тўғри белгилаш таълимнинг мақсадигагина боғлиқ бўлиб қолмай, умуман, таълим тизимининг қайси йўналишда ривожланаётганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Дунёдаги таълим тизимлари ўқувчиларни инсон фаолиятининг қайси жабҳасига мўлжаллаб тайёрлашга киришганликларига қараб турли йўналишларга ажратилади.

Ғарб педагогикаси андозасида ривожланаётган таълим тизимларида ўқиш-ўқитиш ишлари инсоннинг иш фаолиятини уюштиришга йўналтирилган бўлади. Бундай таълим тизимида таълим мазмунини ташкил этган ҳар қандай билим, кўникма ва малака ўқувчини келажакда ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида ишлашга тайёрлашни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади. Бундай таълим учун инсоннинг амалий фаолияти, ишлаб чиқариш салоҳияти асосий қадриятлардан ҳисобланади. Бундай таълим кишиларни бўш вақтдан фойдаланишга ўргатишни кўзда тутмайди. Бундай таълим тизимининг маҳсули бўлмиш ўқувчилар ўзлари билан ёлғиз қолганда нима қилишни билмай қолади. «Зеркиш» дея аталмиш юқумли хасталикнинг бутун Ғарб оламида кенг ёйилаётганлиги ҳам, маълум даражада, таълим мазмунининг ишлаб чиқаришга мўлжалланганлигига бориб тақалади. Ишга мўлжалланган таълим мазмуни маънавий қадриятларга етарлича эътибор бериши мумкин эмаслиги табиий. Чунки бу тизим учун

---

<sup>1</sup> Фуломов А., Неъматов Ҳ. Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари. Тошкент, 1992. 4—7-бетлар.



тарбияланувчининг маънавияти эмас, у қўлга киритган меҳнат малакалари муҳимроқдир. Аммо ҳар қандай жамиятнинг фаровонлик даражаси ҳам, озодлик даражаси ҳам ундаги иш вақти билан эмас, балки жамият аъзоларининг бўш вақти билан ўлчанади. Бўш вақтнинг кўплиги фаровонликнинг юксаклиги билан тўғри мутаносибдир. Бўш вақт шахснинг ўз-ўзини камолотга тайёрлашига, жисмоний ва маънавий ривожланишига, интеллектуал тараққиётига зарурий омилдир. Бўш вақтдан қандай фойдаланиш шахснинг маънавий даражасини белгиловчи ўзига хос мезон ҳамдир. Одамнинг асл сифатлари унинг ижтимоий ишлаб чиқаришдан ташқаридаги фаолиятида тўлароқ намоён бўлади.

Дунёдаги таълим тизимларидан яна бир гуруҳи ўқитиш жараёнининг мазмунини одамнинг бўш вақтига қараб белгиланганлиги билан характерланади. Айни замондаги бир қатор мусулмон мамлакатларининг мактаб тизимида таълим мазмуни айнан инсоннинг асл қиёфаси намоён бўладиган бўш вақтини уюштиришга даъват этилган ҳолда белгиланган. Тўғри, бундай таълимда ҳам ўқувчилар объектив воқеликдан узиб қўйилмайди, уларнинг ҳаёт кечириш учун меҳнат қилишлари кераклиги ва бунинг учун муайян билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши шарт эканлиги назардан қочирилмайди, таълимнинг амалий характери ҳам инкор этилмайди. Лекин, айни вақтда, ўқувчига бўлажак ишчи кучи деб эмас, балки ўзига хос маънавиятга эга бўлиши лозим шахс сифатида ёндашилади. Бундай таълим мазмуни боладан мутахассис тайёрлашга эмас, инсон тайёрлашга йўналтирилади. Маънавиятнинг равнақига хизмат қилувчи, руҳиятни бойитувчи, туйғуларнинг ингичкалигини таъминловчи предметларга катта ўрин берилади.

Жуда яқин ўтмишда жаҳон педагогик амалиётида кенг ёйилган, аммо ўзининг ишончли назарий асосини яратмаган учинчи бир йўналиш ҳам бор. Бундай тизимдаги педагогика гарчи дабдабали тарзда ўзини педагогика илмининг энг илғор қисми деб атаса-да ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга даъват этилганлигини таъкидлашни хуш кўрса-да, амалда ўқувчиларни олий ўқув юртига киришга тайёрлашга йўналтирилган эди, холос. Бу таълим тизимида ўқитиш ишидаги деярли барча тадбирлар ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга эмас, балки болалардан олий мактабларга

кириш вақтида турли предметлар бўйича сўраб қолиниши мумкин бўлган саволларга жавоб топишга ва уни ёдлатишга қаратилган эди.

Мамлакатдаги барча мактабларда бир хил ўқув-режалари ва дастурлар асосида, руслардан ўзга барча миллатлар учун бегона бўлган дарсликлар воситасида иш олиб борилиши, таълим мазмунида миллий қадриятларнинг мутлақо акс этмаслиги, ўрганилган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаёт билан яқин алоқаси йўқлиги, барча мактабларда, барча жумҳуриятларда ҳукмрон тилга бошқа ўқув предметларига нисбатан катта аҳамият берилганлиги, барча мактабларда бир хил фанлардан имтиҳонлар топширилиши каби жиҳатлар совет мактабларида таълим мазмуни битирувчиларнинг олий ўқув юртларига киришигагина йўналтирилган, дейишимизга асос беради. Бинобарин, барча мактаблар «меҳнат политехник» деган ёрлиқ билан юритилса-да, амалда совет мактаблари чинакам меҳнат мактаблари бўла олмади. Чунки бу мактабларнинг мазмуни ишлаб чиқаришга эмас, фандаги янгиликларни акс эттиришга қаратилган эди.

Маълумки, ўқувчиларга бериладиган билимлар ва уларга сингдириладиган амалий кўникмалар тизими муайян ҳужжатлар, дарсликлар ва қўлланмаларда акс этади. Айни шу нарсалар таълим мазмуни деган тушунчани ифода этади. Бинобарин, ана шу ҳужжатлар, қўлланма ва дарсликлар қанчалик мукамал бўлса, таълим мазмуни ҳам шунчалик чуқур бўлиб бораверади. Таълимнинг мазмуни ҳақидаги илмий концепция (йўриқ)лар қанчалик асосли, бу концепцияларга таянилиб ишлаб чиқилган ўқув режалари нечоғлик пухта ва ўқувчиларнинг табиатларига мос, ҳар бир ўқув предмети бўйича ҳозирланиладиган дастурлар қанчалик мукамал, дастурларга асосланиб тузилган дарсликлар талабаларни фикрлашга ундайдиган, бу дарсликлардан фойдаланиш йўллари баён этилган ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчилар учун дарсликларда акс этмаган маълумотларни ҳам тавсия этадиган қўлланмалар қанчалик асосли бўлса, мактаб таълимининг мазмуни шунчалик теран, ҳаётий ва ўқувчилар шахсини шакллантиришга қаратилган фаолиятда самаралироқ бўлаверади.

Янгиланаётган миллий педагогикада таълим мазмуни аввалгидай бир-бири билан мустаҳкам боғланма-

ган, бири иккинчисининг мантиқий давоми бўлмаган, бири бошқасини тақозо этмайдиган ўқув предметларининг оддий қурамасидан иборат бўлмаслиги керак. Миллий таълим мазмуни ҳар бир ўқув синфида ўрганилиши зарур бўлган предмет бошқасини ўзлаштиришни енгиллатишга хизмат қилишини кўзда тутган ҳолда белгиланиши лозим. «Таълим мазмуни» тушунчаси билан «адабий таълим мазмуни» тушунчаси ўртасида анча жиддий фарқ мавжуд. Умуман, таълим мазмуни билиш жараёнининг ўзига хос бир кўринишидан иборат ва ўқувчига инсоният тажрибаси давомида ойдинлаштирилган, кашф этилган илмий ҳақиқатлар тизимини ўргатишни кўзда тутди. Бунда ўқувчи таълим мазмунини ўзлаштиради, лекин ҳеч нарсани кашф этмайдди, чунки бола ўрганган ҳақиқатлар олдиндан кашф этилган, илмий исботини топган ҳақиқатлар бўлади. Инсониятнинг тажрибаси ва илмий изланишлардагига қараганда ғоятда кам вақт ва куч сарфлаб, ўқувчи минглаб йиллар давомида қилинган кашфиётларни, чиқарилган хулосаларни ўзлаштириб олади.

Адабий таълимнинг мазмуни мутлақо ўзгача характерга эга бўлиши керак. Негаки бадий асар ҳар сафар ўқувчилар томонидан айнан кашф этилиши лозим. Минглаб йиллар олдин яратилган бадий асар ҳам, нисбатан яқин ўтмишга мансуб эстетик ҳодиса ҳам, замонавий адабиёт намунаси ҳам ўқувчиларнинг туйғулари чиғиригидан ўтказилиши ҳамда улар томонидан янгидан кашф этилиши зарур.

Инсоннинг умри ахборотлар алмашишдан иборат дейиш мумкин. Негаки, ҳар бир одам умри мобайнида гоҳ ахборот бериш билан, гоҳ ахборот қабул қилиш билан ҳаёт кечиради. Ахборот — инсон мавжудлигининг воситаси дейдиган даражага кўтарилган. Мактаб таълими мазмунини белгилашда ҳар бир даврда алмашинадиган ахборотлар оқими ва уларнинг йўналганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Моҳият жиҳатидан одамлар алмашадиган ахборотлар функционал ва нофункционал турларга бўлинади. Функционал ахборотлар одамнинг амалий фаолиятида, турмуш кечиришида фойдаланиладиган, ҳаётини енгиллатиш учун қўл келадиган ахборотлардир. Бу турдаги ахборотлар билан яхшироқ таъмин этиладиган киши осонроқ ва самаралироқ ҳаёт кечириш имкониятига кўпроқ даражада эга бўлади. Нофункционал ахборотлар эса кишининг маънавиятига, маданиятига, эстетик ри-

вожига доир ахборотлар бўлиб, бундай маълумотлар тизими кишининг маънавияти шаклланишига хизмат қилиб, унинг хулқий жиҳатларини ифода этади.

Асримиз — ахборотлар асри. Кундан-кунга ахборотлар ҳажми ақлга сизмас даражада кенгайиб бормоқда. Ахборотлар оқими кучайиб бориши жараёни, асосан, функционал ахборотлар ҳисобига рўй бермоқда ва инсон ҳаётида борган сари нофункционал ахборотлар оқими тутган ўриннинг салмоғи камайиб бормоқда. Бу ҳол ўз-ўзидан замон кишининг маънавиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Таълим муассасалари ўз талабаларини ҳаётга мослаштириш учун зўр бериб уларга функционал ахборотларни сингдириш; шу йўл билан уларнинг ҳаёт шaroитларини энгиллатиш ва тирикчилик даражаларини кўтаришга интилиб, маънавиятга дахлдор масалаларни назардан қочириб қўймоқдалар. Жамиятда функционал ахборотларга бўлган эътиборнинг суиистеъмол килиниши шу даражага етдики, инсонлар орасидаги муносабатларда эмоционал ҳолатларга эътибор деярли йўқолиб кетди. Ҳатто тўлиғича эмоционал инсоний муносабатларга асосланадиган, ўзаро муҳаббат, мажбурият, бурч, қондошлик сингари туйғулар билан чамбарчас боғланган кишилардан иборат жамоа — оилада ҳам ҳиссий муносабатлар эмас, балки ишлаб чиқариш, ижтимоий ёки функционал муносабатлар устиворлик қилмоқда. Афсуски, бир замонлар фақат Ғарб кишилари руҳиятига хос бўлган мазкур ҳолат эндиликда бизнинг оилавий муносабатларимизнинг ҳам асосий белгиларидан бўлиб бормоқда. Бу ҳолнинг асосий сабаби ҳатто оила аъзолари ҳам бир-бири билан функционал ахборотлар алмашишга ўтиб олганликларидир. Токи оиладагилар орасида нофункционал ахборотлар алмашиш устиворлик қилмас экан, улар орасида самимий муносабатларнинг бўлиши орзулиғича қолаверади. Шунинг учун ҳам кишиларнинг ҳиссиётини ўткирлаштирадиган, ўзганинг ҳолатини ҳис этишга имкон ярадиган нофункционал ахборотларнинг одамлар орасида кўпроқ муомалада бўлишига имкон яратиш ҳаётий заруриятдир.

Мактаб адабий таълими айти шу нофункционал ахборотларни бериш орқали кишиларнинг туйғуларини, руҳиятини, қалбини шакллантириш воситалари орасида энг самаралисидир. Адабий таълимнинг мазмуни кун-

далиқ ташвишлардан йироқ, баланд, эскирмас ва йўқолмас қадриятларга, умуминсоний хислатларга қанчалик кўп таянса, унинг таъсир кучи ҳам шунчалик ортиқ бўлади. Ҳар қандай шахснинг маънавияти унинг қанча миқдорда, қандай моҳиятга эга нофункционал ахборотларни ўзлаштиргани ва уларни табиатининг хусусиятига айлантириб олганлигига боғлиқ. Шу маънода адабий таълимнинг мазмуни муаммосига ғоят талабчанлик билан ёндашиш тақозо этилади. Чунки адабий таълим мазмунига конъюнктура манфаати билан ёндашиб бўлмайди, уни фақат бугуннинг эҳтиёжларига мослаштириш миллатнинг маънавиятига зарар келтириш демакдир. Адабий таълим мазмуни эстетик жиҳатдан қимматбаҳо, умрзоқ бўлиши, ўқувчида юксак маънавий фазилатларни қарор топтиришга ярайдиган бўлиши кўзда тутилиши жоиз.

## МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Жамиятнинг маънавий эҳтиёжи ва бошқа бир қатор омиллар адабий таълим мазмунини бутунлай янгилаш кераклигини тақозо этади. Шуниси диққатга сазоворки, умуман миллий таълимнинг мазмунини янгилаш иши адабий таълимнинг мазмунини янгилашдан бошланмоқда. Бу— табиий ҳол. Чунки жамият ва унинг аъзолари маънавий қадриятларини тубдан ўзгартириш кечиктириб бўлмайдиган заруриятга айланди.

Адабий таълимнинг мазмунини умуминсоний маънавий қадриятлар даражасига кўтариш ва уни ўқувчиларнинг табиатига монанд қилиш ахлоқий сифатларни шакллантиришда энг кўп самара берадиган педагогик тадбирлардандир. Таълим тизимидаги бошқа ўқув предметларининг мазмунидаги янгиланишлар ҳам айни адабиёт предметидagi ўзгаришларга муайян даражада боғлиқ бўлиб қолади. Чунки ўзга ўқув предметларининг мазмунидаги ўзгаришлар фақат илмий-мантиқий мезонларга эмас, айни вақтда, маънавий мезонларнинг қандайлигига ҳам боғлиқдир. Маънавий мезонларнинг шаклланиши эса, адабий таълимнинг мазмунига бево-сита алоқадордир.

Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг мазмуни янгилаш жараёни бошланиб кетди. Адабий таълимнинг мазмуни, аввало, шахе шакллантиришга, туйғуларни ўткир, ҳиссиёти бой, қалби безовта инсон тарбиялашга қўл келадиган сифатлар билан бойиб бормоқда. Чунки шахсликдан айри турган ахлоқий сифатлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайдиган қуруқ ақидалардир. Соғлом маънавиятга эга бўлиш заруриятини жуда ўткир ҳис қилаётган миллатда жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўзига яраша эътиқод ва дунёқараш билан қуроллантириш имконияти мавжуд. Чунки қадимий тарихга эга туркий миллатда бой маънавий мерос мавжуд ва бу мерос асрлар мобайнида янгидан-янги қадриятлар билан бойиб бормоқда. Лекин бу маънавий қадриятлар яратилиши билан ўз-ўзидан жамият аъзоларининг руҳиятига, табиатига сингавермайди. Масалан, Навоий даҳоси мавжудлигининг ўзи у мансуб халқ маънавиятининг тозаришига, юксалишига олиб келмайди. Навоий асарлари миллат томонидан ўқиб-ўзлаштирилгандагина уларнинг маънавиятида, хулқида ўзгаришлар, тозаришлар рўй бериши мумкин. Навоийдан кейин Мирзо Бобур, Машраб, Қодирий, Чўлпон, Усмоҳ Носир, А. Орипов каби ижодкорларнинг маънавий қадриятлари миллатнинг маънавий хазинасини бойитди. Лекин хазинадан чиқиб, халқнинг характериغا, табиатига, руҳиятига, фикрлаш тарзига, эътиқодига айланди, деб айтиш мумкин эмас. Адабий таълим мазмуни худди шу қадриятларга асосланса, бу қадриятлар ҳар бир тарбияланувчига етиб борса, унинг руҳиятига сингса ва маънавиятининг сифатларига айлансагина миллат маънавияти юксалганлиги, халқ ижтимоий ахлоқида ижобий кўтарилиш содир бўлганлиги ҳақида гапириш мумкин. Таълим ҳақидаги турли концепциялар, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар сингари методик ашёлар ва давлат ҳужжатлари миллий таълимнинг мазмуни нималардан иборат эканлигини кўрсатувчи воситалардир.

Муайян миллат таълимининг мазмуни қандай таомилларга таянганлиги, унинг қайси йўналишга бошқарилганлиги, аввало, муҳим давлат ҳужжати ва методик тадқиқотнинг рақамларда акс этган кўриниши бўлиши ўқув режасида ойдинлашади. Янгиланган таълимнинг ўқув режаси ҳам чуқур илмий тадқиқотларнинг натижаси бўлиши муайян концепцияга таяни-

ган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур бўлади. Афсуски, барча соҳада бўлганидек, педагогик стереотипларда ҳам яшовчанлик хусусияти жуда кучли. Шунинг учун ишлаб чиқилаётган концепцияларда ва мустақил давлатнинг миллий мактабларида амал қилинаётган ўқув режаларида совет мактабларида таянилган тамойилларга асосланган ўринлар жуда кўп.

Ўқув режалари турли минтақалардаги иқтисодий, маънавий, жуғрофий ва педагогик имкониятлардан келиб чиқиб турлича тартибда ишлайдиган мактаблар бўлиши мумкинлигини тан олиши лозим. Турли мактаблар турлича ўқув режалари асосида иш кўра олиши керак. Акс ҳолда мактабларнинг турлича экани ўз маъносини йўқотиши турган гап. Ҳар бир минтақадаги социологик ўзига хосликлар ҳисобга олиниб тузилган ўқув режалари яшовчан бўлади, таълим мазмунининг чуқур ҳамда самарали бўлишига олиб келади ва ўқувчиларнинг баркамол шахслар бўлиб шаклланишига кўпроқ ҳисса қўшади. Бир мамлакат миқёсида бир неча ўқув режаси асосида таълим уюштириш нормал ҳол деб қаралиши ва таълим мазмунини белгилаш биргина ҳужжатга қатъий равишда боғлиқ бўлиб қолмаслиги кўзда тутилса, соғлом ақлга мувофиқ иш қилинган бўлади.

Ўқув режасига ўзгармас ақида деб қараш психологиясидан қутулиш ва бир йўналишдаги мактаблар орасида ҳам имкониятлар ҳамда ўқувчилар истакларидан келиб чиқиб, режадаги ўқув предметлари ва соатлар миқдорига жиддий ўзгариш киритмаган ҳолда уларнинг чораклар ва синфлар бўйича жойлаштирилишига эркинлик бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилинса, ўқув машғулотлари калейдоскоп сингари турфа ва бир-бирига алоқасиз предметларнинг бетартиб тўдасидан иборат бўлиб қолмайди. Ўқув предметлари ҳар бир мактаб жамоаси ўз олдига қўйган хусусий мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилади ва адабиёт предмети режада кўзда тутилганидек, ҳафтада, мисол учун, икки соатдан эмас, балки тўрт соатдан ўрганилиб, тўрт чорак мобайнида эмас, эҳтимол, уч чорак мобайнида ниҳоясига етказилиши мумкин бўлади.

Янгиланган таълим тизимининг ўқув режалари ўрганилиш кўзда тутилаётган ўқув предметларининг ўзаро мантиқий алоқаси нечоғлик эканлигини пухта тадқиқ этгачгина тузилиши керак. Негаки, амалдаги ўқув

режаларида ўқитиш кўзда тутилган қатор предметлар бир-бири билан боғланмаган, бири бошқасини тақозо этмайди ва бири иккинчисидан келиб чиқмайди. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодисанинг сабаби бор ва бутун воқелик сабабий боғланишлар занжири, деб айтиш мумкин. Ўқув режаларидаги ўрганиш кўзда тутилган предметлар ҳам ҳаёт воқеалари сингари бир-бири билан ички боғланишга эга бўлиши шартдир.

Янгиланаётган таълим тизимидаги ўқув режалари ўқувчиларга ҳаддан ташқари кўп предметларни ўргатишни кўзда тутмаслиги керак. Чунки мактабларда ўрганиладиган ўқув предметлари орқали ҳаётнинг барча қирралари ва барча касб-кор сирларини болаларга тўлиқ ўргатишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ўқувчиларнинг тафаккурини ва туйғуларини шакллантирадиган, уларда маънавий мезонлар ҳосил қиладиган ҳамда болаларда меҳнат малакаларини эгаллашга иштиёқ уйғотадиган энг зарур ўқув предметларинигина ўрганишга тавсия этиш, шу тариқа мактаб таълими йўналишини жўнликдан, ишлаб чиқариш хизматчилари тайёрлаш миссиясидан қутқариш керак.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, амалдаги ўқув режаларида адабий таълим учун ажратилган соатлар миқдори адабиёт ўқитиш олдида турган улугвор мақсадлар ва мураккаб вазифаларни бажаришга кифоя қиладиган даражада эмас. Бунинг устига, адабиёт дарслари ҳам бошқа аниқ ва табиий ўқув предметлари сингари ҳафтасига белгиланган соат миқдори қанча бўлса, шунча алоҳида-алоҳида кунларда ўтказилиши кўзда тутилади. Масалан, 7-синфларда адабиёт ҳафтасига икки соат бўлиши керак ва шу соатлардан бири сешанба кунига қўйилса, иккинчиси, албатта, ҳафтанинг бошқа кунига, дейлик, жума кунига қўйилиши шарт.

Ўқув режасидаги барча ўқув предметларига бир хил муносабат яхши самара бермайди. Чунки, адабиёт дарслари адибларнинг қоғозга туширилган туйғулари орқали ўқувчиларнинг туйғуларини эзгулик мақсадлари сари ривожлантиришга қаратилар экан, ўқитувчи болаларда муайян асарни ўрганишга монанд қайфиятни вужудга келтиргунча қанчалик қийналишини тасаввур қилиш мумкин. Мазкур битта асарни ўрганишга мувофиқ келадиган қайфиятни қайта ҳосил қилиш мумкин бўлмайди. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеъри-



ни ўшандай оралиқда таҳлил қилишга уриниш унинг бутун жозибасини йўққа чиқариш демакдир. Шунинг учун ҳам адабиёт предметининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, уни ҳафтанинг бир кунига камида уч соат кетма-кет қўйиб берилиши қоидалаштирилсагина адабий таълимдан кутилган самарага эришиш сари қадам қўйилган бўлади. Акс ҳолда, асардан олинган таассурот қандай узук-юлуқ бўлса, шу таассурот туфайли сингдирилган маънавий сифат ҳам ўшандай узук-юлуқ бўлиб қолиши мумкин.

Адабий таълимнинг мазмунини белгилашда адабиёт дастури алоҳида аҳамиятга эга. Адабиёт ўқитишга ажратилган вақт миқдори ва бу вақтнинг жойлаштирилиши билан бирга бадий асарни ўрганишнинг тамойилларини белгилаш, талқиннинг йўналишини кўрсатиш, эгалланиши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларни чегаралаш, ҳар бир синф ўқувчиси олдига қўйиладиган талаблар ва якуний натижаларни ойдинлаштириш, шубҳасиз, адабий таълимда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам адабий таълимнинг мазмунини ифодалайдиган методик ашёлар орасида дастур алоҳида мавқега эгадир.

Адабиёт дастури умумтаълим мактабларининг ҳар бир синфида қайси асарлар қанча вақт мобайнида, қандай тартибда ўрганилишини белгилаб беради. Маълумки адабиёт ўқитишда қайси мавзуда гап боришини белгилашдан кўра, ўша асарни талқин этиш тамойили муҳимроқдир. Шунинг учун ҳам қандай? саволи нима ни? суроғига қараганда муҳимроқ жавобни тақозо қилади. Кўпинча, адабиёт дастурини узгартиришга бел боғлаган мутахассислар ўрганилиши керак бўлган асарларни узгартириш, бирини бошқаси билан алмаштириш сингари юмушларни муҳим деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бадий асар қанчалик баланд эстетик ҳодиса бўлмасин, дидактик талқин ножоиз бўлса, унинг самараси йўққа чиқиши адабий таълим тажрибасидан яхши маълум. Шунинг учун ҳам янгиланаётган адабий таълимда дастур тайёрлаш ишига жиддий ёндашилмоқда. Қувонардиси шундаки, мактабда ўрганиладиган ўқув предметлари орасида биринчи бўлиб адабиёт предметининг дастури муайян концепция асосида яратила бошланди. Айни кунларда турли мактабларда амалда бўлган ва ўз вақтида тегишли муассасалар томонидан чоп этил-

ган адабиёт дастурлари<sup>1</sup> ҳам мустақил концепциялар асосида бунёд этилди. Мазкур дастурларнинг анчагина мукаммал ва педагогик тафаккур тараққиётининг энг илғор қирраларини акс эттираётганлиги ҳам уларнинг пухта илмий йўриққа асосланганликларидадир.

Янгилана бошлаган педагогик тафаккур ўзининг илк ижобий белгиларини, аввало, адабий таълимнинг дастурида намоён қилди. Тобора такомиллашиб бораётган ва имкон қадар соғлом фалсафий асосларга таянган дастур ҳар бир синф ўқувчилари бадий асарларни қийналмай таҳлил этишлари учун зарур бўлган назарий билимлар миқдорини белгилаб беради ва бундай билимлар қайси бадий асарлар мисолида ўрганилса, кўпроқ самара бериши кўрсатилади. Шарҳли ваъзлар, адибларнинг таржимаи ҳоллари, ўрганилган асарлар бўйича таълимий ёхуд ижодий ёзма ишларнинг қачон ва қанча миқдорда олиниши ҳам дастурда белгилаб қўйилади. Буларни белгилашда дастур муаллифлари ўз истакларида келиб чиқиб эмас, балки адабий таълимнинг мақсади, вазифалари, педагогика ва ёш психологияси илми берган хулосаларга таянган ҳолда иш кўрадилар. Чунки дастур ҳар бир синф ўқувчилари олдига уларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий, жисмоний имкониятларига мувофиқ вазифалар қўяди ва бу вазифаларни бажаришга етарли миқдорда тадбирлар мажмуини тавсия этади. Умумтаълим мактабларининг дастурлари — давлат ҳужжатлари. Улар тасдиқлангунга қадар мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама этилади. Лекин ҳар қанча муҳокама қилинса ҳам дастур ҳаётнинг барча ўзига хос қирраларини тўлиқ қамраб ололмайди. Негаки сирли ҳаёт, жонли адабий таълим амалиёти ҳар куни қолипларга мутлақо тўғри келмайдиган бирор воқеани қайд этмай, шундай масалани ҳал қилишни адабиёт ўқитиш олдига қўймай иложи йўқ. Шунинг учун ҳам адабиёт дастурларига ўзгармас Қонун деб ёндашмаслик жоиз. Ҳар қандай дастур ўқитувчилар учун камида 15—20 фойиз ижодий ёндашишга имкон бериши лозим.

Янгиланаётган адабий таълим дастурларнинг муқобиллари бўлиши мумкинлигини тақозо қилади. Чунки муқобилчилик мавжуд шароитдагина дастурлар тобо-

<sup>1</sup> Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. «Ўқитувчи», Т. 1993. Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур. Республика ўқув-методика маркази, Т., 1993 й.

ра мукаммаллашиб бораверади. Адабиёт дастурлари турлича бўлса ҳам, лекин жамоатчилик ва етук мутахассислар томонидан тан олинган ягона концепцияга асосланиб тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, адабий таълимнинг мазмуни чуқурлашиш ўрнига саёзлашиб кетиши ҳам мумкин. Адабиёт дастурлари адабиёт машғулотларининг ҳаммасига хос бош хусусият оламни эстетик идрок этадиган, бадий асарлардаги маънавий қадриятларни беҳато пайқай оладиган ва уларни имкон қадар ўз табиатининг ажралмас бўлакларига айлантира биладиган ўқувчиларни тарбиялашдан иборат эканини ҳисобга олгандагина мақсадга хизмат қилади.

Адабий таълимнинг мазмунини акс эттирувчи дастур ва қўлланмалар орасида дарсликлар алоҳида ўрин тутади. Чунки мактаб таълими давомида ўқувчи дарсликлар билан кўп мулоқотда бўлади. Таълим тизимида дарсликлар тутган рутбани фақат ўқитувчининг мавқеидангина кейин қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам адабиёт дарсликлари миллат маънавиятини белгилай оладиган мезон, дейиш мумкин. Мактаб ўқувчиси назарида ўқитувчидан билимдонроқ одам, ундан обрўлироқ мутахассис бўлмагани сингари, дарсликлардан чуқурроқ китоб, ишончлироқ манба, хатосиз битик бўлиши мумкин эмас. Яхши дарсликлар ўқувчилар маънавиятига хос кўпгина қадриятларни шакллантирадиган она китоблар бўла олганидек, ёмон битилган дарсликлар болаларнинг фикрларини ўтмаслаштирувчи, покиза туйғуларини сўндирувчи, қизиқишларини сусайтирувчи, уларни бефарқ ва лоқайд кимсаларга айлантирувчи воқита бўлиши ҳам мумкин.

Адабиёт дарсликларига қўйиладиган талаблар давр билан биргаликда, адабиёт ўқитиш концепциясидаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда ўзгариб боради. Чунки ҳар қандай дарслик ўқувчи руҳиятининг эҳтиёж, интилиш ва имконият аталмиш қирраларини акс эттирган ҳолдагина муваффақият қозона олади, яхши самара бера олади. Ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларига мос келмаган дарслик фойда келтирмаганидек, болаларнинг интилишларини ҳисобга олмаган, талабаларда шу хилдаги маънавий интилишларни уйғота олмайдиган дарсликлар ҳам ўқувчилар шахсиятига таъсир кўрсата билмайди. Дарсликлар ҳеч қачон қан-

дайди́р илмий ҳақиқатларнинг, хулосаларнинг оддий баёнидан иборат бўлиши мумкин эмас. Чунки дарслик, аввало, ўқувчи учун яратилади. Бинобарин, ўқувчининг ёш, физиологик, руҳий, маънавий хусусиятларини мақсимаал даражада ҳисобга олиб иш кўргандагина кутилган натижани бериши мумкин.

Дарсликларнинг норматив характерга эгаллиги ҳамisha кўзда тутилиши зарур. Адабиётшунослик илмидаги баҳсли ўринлар, асосли ечими бўлмаган хулосалар, ноаниқ назарий маълумотлар, адибларнинг таржимаи ҳолларидаги адабиётшунослар учун ҳам ойдин бўлмаган тахминий қирралар дарсликларда асло учрамаслиги керак. Чунки ўқувчилар, айниқса қўйи ва таянч синфларда, дарсликлардаги маълумотларга энг олий ҳақиқатлар тарзида муносабатда бўладилар ва дарсликларга ишончсизлик, умуман, адабиётга нисбатан ишончсизликка айланиб кетиши мумкин. Турли синф ўқувчилари турли таъсирчанлик даражаларига эга бўлишади. Болаларнинг руҳий ва жисмоний имкониятлари тўлиқ ҳисобга олиниб иш кўрилсагина ўқувчиларда дарсликда кўзда тутилган руҳий ҳолат пайдо бўлиши мумкин.

Дарсликларнинг безатилиши, чоп этилиш даражаси, ҳарфларнинг ҳолати, босилган қоғознинг сифати сингари сиртдан қараганда аҳамиятсиздай кўринадиган, аслида ёш болаларнинг ҳаёти, соғломлиги ва эстетик идрок этиш суръати учун катта аҳамиятга эга жиҳатлар ҳам тўлиқ ҳисобга олиб иш кўрилгандагина дарслик ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ бажара олади. Замонавий дарсликларнинг тили ва ифода тарзи ҳам муҳим ўрин тутлади. Нима учундир ўқитувчилар ва педагогика илми билан муайян даражада шуғулланувчи кишилар орасида дарсликлар, албатта, ўта жиддий, расмий тил билан битилиши лозим, деган қараш мавжуд. Бу хилдаги кишилар дарсликларда тўлиқ исботини топган илмий ҳақиқатлар акс эттирилиши кераклиги талабини, ифода тарзи ҳам ниҳоятда жиддий ва «академик» бўлиши керак деб тушунишади ва шу вақтга қадар яратилган барча дарсликлар ифода тарзининг ғариблиги, тилининг ғоят сунъий ва чайналганлиги билан ажралиб туради. Мактаб адабиёти эстетик тушунчалар билан иш кўрар экан, адабиёт дарсликларида, энг аввало, ана шу жиҳат акс этиши, яъни дарсликларнинг ифода тарзи гўзал бўлиши, тили таъсирчан, эркин, туйғуларни жунбушга

келтирадиган, фақат тафаккургагина эмас, балки ҳиссиётга ҳам дахл эта биладиган кўринишга эга бўлиши керак. Ҳолбуки, жуда узоқ вақт мобайнида адабиёт дарсликларидан ҳам совуққонлик, ҳиссизлик, бетарафлик талаб этилдиги, бетараф туриб тарафдорни тарбиялаш мумкин эмаслиги ҳисобга олинмади. Дарсликлар ифода тарзининг муайян қолипларга тушиб қолганлиги, албатта, туйғуларнинг ҳам қолипда бўлишини тақозо этади. Қолипдаги туйғулар эса ҳеч қачон ўқувчига юқмайди. Ўқувчига ўз ҳиссиётини юқтира олмаган дарслик самарасиз дарсликдир.

Адабиёт дарсликларининг ўта жиддий ва сунъий «илмий» йўналишда бўлиши талаби аниқ ва табиий предметлар бўйича тайёрланган дарсликларга қўйилдиган талаблар туфайли туғилгандир. Эҳтимол, табиий ва аниқ предметлар бўйича ёзилган дарсликларнинг жиддий расмий-идора тилида бўлиши мақсадга мувофиқдир ва ўқувчилар тафаккури ривожда муайян вазифаларни бажара олар. Аммо адабиёт предмети бўйича тайёрланадиган дарсликларга бу хил талаблар билан ёндашиб бўлмаслиги аёндыр. Адабиёт дарсликларининг эҳтирос ва завқ билан ўқимишли тарзда ёзилишини қусур эмас, балки фазилат деб ҳисоблаш керак. Эҳтирос ўқувчиларда ҳам ҳиссиёт ҳосил қилади. Дарсликнинг маълумотлари ўқувчиларнинг ақлларигагина эмас, балки туйғуларига ҳам таъсир кўрсатади, уларни ўқилганлар ҳақида ўйлашга ундайди. Ўқувчини бирор маънавий қадрият ҳақида ўйлашга ундаш уни тарбиялаш демакдир. Сунъий ва зерикарли тилда битилган, ўқувчиларга барча илмий ёки бадий ҳақиқатларни «чайнаб» беришга интилган, болалар олдига маънавий-бадий муаммо қўймаган, ўқувчилар хаёлотини баланд парвозларга ундамайдиган, фақат битилганларни шу ҳолича ўзлаштириб, қайтариб айтиб беришга мўлжаллаб ёзилган адабиёт дарсликлари адабий таълим мазмунининг саёзлигидан далолатдир. Яхши адабиёт дарслиги ўқувчининг руҳиятини бесаранжом қилади. Уни ўзгаларнинг ҳолатига туширади, бадий образларнинг ҳисларини туйишга одатлантиради.

Мукаммал дарслик ўқитувчининг ҳам обрўини туширмайди, балки кўтаради. Негаки, ўқитувчи яхши дарслик билан ўқувчи ўртасида воситачи бўлиши керак. Яхши дарсликнинг ўзи барча муаммони ҳал этавермайди. Ўқувчилар ундан фойдаланишни ўрганишса, унинг

жўмагида бадий ҳақиқатларни кашф этишга одатланишса ва бадий матни таҳлил этиш малакасини эгаллашсагина мақсадга эришиш мумкин. Мукамал дарслик ўз ҳолича фойдаланилмаган имкониятдир. Бу имкониятни воқеликка айлантириш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Адабий таълимда дарсликлар туган юксак мавқе туфайли ҳам мутахассислар ҳаминша дарсликларни имкон қадар такомиллаштиришга интилиб келишади. Гарчи дарслик яратиш қисқа муддатда амалга ошириладиган иш бўлмаса-да, адабий таълимни яхшилаш мақсадида фаолият кўрсатаётган бир қатор мутахассислар дарсликларни янгилаш, уларни ўқувчилар маънавиятига ижобий таъсир этадиган ҳолга келтириш учун астойдил изландилар. Натижада, 1992—1993 йилларда бир қатор адабиёт дарсликлари яратилди. Бу дарсликлар 5—8-синфлар учун икки вариантда чоп этилди. Бу жиҳатдан, айниқса, Республика халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида тайёрланган ва ўқувчиларга тақдим этилган дарслик ҳамда дарслик-мажмуалар диққатга сазовордир. Бу дарслик-мажмуалар ва дарсликлардаги ўзига хос хусусият шундан иборатки, бадий адабиёт замонавий педагогикамиз тарихида биринчи марта соф эстетик ҳодиса сифатида қаралган ва ҳар бир адабий мати бадийят нуқтаи назаридан баҳоланган.

Адабиётни ижтимоий ҳаётнинг акси ва ижтимоий курашларни кўрсатиш воситаси деб қараб келган йўналишдан воз кечилганлиги учун ҳам бу дарсликларда чинакам бадий асарлар чин эстетик мезонлари билан ўлчашга уришилган. Бу дарсликлар мактаб адабиёт дарсликларини яратиш бобидаги мавжуд қолиплардан узгача тарзда вужудга келди. Улар адабиёт ҳодисалари ҳақидаги хулосаю ҳукмларнинг ўқитувчилар томонидан эълон этилиши ва ўзлари томонидан қуруқ такрорланишига кўниккан ўқувчиларга мўлжалланмаган.

Адабиёт бўйича янгиланган дарсликлар ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг ёш ва психологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улар олдига эстетик-маънавий муаммо қўяди ва уни ечишни талаб қилади. Аввалги дарсликларда эса ҳар қандай бадий асар тўғрисида расмий хулоса ўқувчиларга баён этилар, улардан ўша хулосаларни билиб олишгина талаб қилинарди, холос. Ҳозирги дарсликларда ўрганиладиган ҳар қандай асар

ҳақида ўзига хос фикр билдириш, ўйга чўмиш, баҳслашиш ва хулоса чиқариш ўқувчи ихтиерида. Бу билан ўқувчи ўйлашга, қарор қабул қилишга, қарори учун масъул бўлишга мажбур. Дарсликка кiritилган бадий матнлар ҳақида муаллифларнинг сувғи хулосалари чиқарилиб, уни қабул этиш ўқувчилар учун мажбур қилиб қўйилмагани боис ҳам янгиланган дарсликлар болаларни фаоллаштиради. Оз вақт мобайнида кўпроқ бадий матн билан танишиш ва уларни таҳлил этиш имконини туғдиради.

Янгиланган адабий таълим адабиёт дарсликларида савол ва топшириқлар кенг ўрин тутганини тақозо қилади. Негаки дарсликдаги матн бўйича тузилган саволлар бадий асарнинг моҳиятини очишга қанчалик хизмат қилса, болаларни асар жозибасини ҳис этишга нечоғлик йўналтирса, бадий асарни ўрганишдан кузатилган мақсад шунчалик тўлиқ амалга ошган бўлади. Агар дарсликлардаги саволлар бадий матн мазмунини қайта ҳикоялашни талаб этадиган йўналишда тузилган бўлса, ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир этмайди ва ўрганилган бадий матн тарбияланувчилар маънавиятида айтарли из қолдирмайди. Шунинг учун ҳар бир матн бўйича қўйилган саволлар ўқувчиларнинг бадий туйғуларини ўткирлаштирадиган, ҳиссиётларини кучайтирадиган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Баъзан айрим методистлар ва ўқитувчилар дарсликлардаги саволларга ўқувчилар эътиборини тортмайдилар. Оқибатда, дарсликлардаги саволлар ўнлаб йиллар мобайнида ўз жавобларини топмай келди. Ҳолбуки, урнли берилган савол ўқувчи шахсияти такомилида, унинг бадий камолотида, маънавий шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Савол лўнда, пухта, атрофлича фикр юритишни талаб этадиган, тарбияланувчилар тафаккурини кенгайтиришга олиб келадиган бўлса, катта методик аҳамият касб этади. Афсуски, барча дарсликлардаги саволларни ҳам шу хилдаги талабларга жавоб бера олади, деб бўлмайди. Баъзан узундан-узоқ берилган савол бир оғизгина жавобни талаб этади, баъзан эса берилган саволнинг ичида унинг жавоби ҳам мавжуд бўладик, бундай ҳолатлар ўқувчиларни ялқовлаштириб, бадий матн устида ишламасликка одатлантиради.

Дарсликлардаги топшириқлар ҳам соғлом тамойилларга амал қилган ҳолда берилиши зарур. Топшириқ-

лардан мақсад ўқувчиларни қийнаш эмас, балки уларнинг имкон қадар бадий матни тўлароқ идрок этишларига шароит яратиб беришдир. Бадий матни мушоҳада этиш ҳам катта ҳузур, эстетик лаззат беради. Лекин эстетик фаолият берган ҳузурни тил билан ифодалаш мушкул. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни бадий матн бўйича ишлашга йўналтирувчи топшириқлар тизimini тайёрлаш улкан педагогик аҳамиятга молик тadbирдир. Янгиланган дарсликларда аynи шу хилдаги топшириқларнинг кўпроқ бўлишига эътибор қаратилиши керак.

Адабиёт ўқитувчисининг тинимсиз ишлаши адабий таълимнинг муваффақиятини белгилайдиган асосий мезон бўла олмайди. Бу мезон — бадий асар устида ўқувчиларнинг қанчалик кўп ишлашидир. Шунинг учун ҳам аynи топшириқлар ўқувчиларни бадий матни тўлароқ ҳазм қилишга имкон берадиган, бадий сўзнинг сеҳру жозибасини ёрқин ҳис этишга кўмаклашадиган тadbирлар сифатида қаралиши ўринлидир. Демак, пухта савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг хаёл уфқини кенгайтиради.

Адабиёт дарсликларида бериладиган ҳар бир маълумот бирор педагогик мақсадга қаратилган бўлиши ва бу мақсад муайян синф ўқувчисининг ёш хусусиятига мос бўлиши шарт. Чунonчи, адабиёт дарсликларида ҳамиша ёзувчиларнинг таржимаи ҳолларига онд маълумотлар берилади. Бу маълумотлар, кўпинча, бир неча синфларда такрор-такрор келтирилади ва бири биридан жиддий фарқ қилмайди. Юқори синфларда эса таржиман ҳолга жуда катта ўрин ажратилиб, адибнинг ҳаёт ва ижод йўлига анча батафсил тўхталнади. Шу вақтга қадар амалда бўлиб келган дарсликлардаги бу хил маълумотларда асосий эътибор адибнинг индивидуал қиёфасини, инсон сифатидаги ўзига хослигини, ижодкор сифатидаги руҳиятини очишга эмас, балки аynи шу жиҳатларини кўрсатмасликка хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз адибларни фақат исму шарифи ва ёзган асарларидангина фарқлай олишарди, холос. Уйғун, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари ижодкорларнинг ҳаёт йўллари бир-бирига жуда ўхшаш тарзда талқин этилар эди. Ҳолбуки, бу шахсларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий қиёфага, ўзига хос инсоний табиатга эга ижодкорлар бўлган.

Эндиликда бу хилдаги қиёфасизликдан қутулиш ва



адибларнинг таржимаи ҳолларини ўрганишда ҳам адабий таълим олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш кўриш керак бўлади. Шу билан дарсликларда ёзувчилар таржимаи ҳолларининг икки жиҳати ҳисобга олинган ҳолда ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйи ва таянч мактабларда ўқувчилар ёзувчиларнинг ҳаёти мисолида тарбияланишлари кўзда тутилиши керак ва ижодкорларнинг шахслик жиҳатларини ёрқин намояна этадиган далилларга кенгроқ ўрин бериш лозим. Чунки бу синфлардаги ўқувчилар ижодкорларнинг бутунлай ўзгача шахсият эгаси эканликларини билишади ва уларнинг чин инсоний фазилатларини ўзларига сингдиришга, уларга тақлид қилишга интилишади. Адибларнинг Ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонликлари, ҳақ сўз учун жондан кечишга тайёр бўлганликлари қуйи ва таянч синф ўқувчилари маънавиятига ниҳоятда самарали таъсир кўрсатади. Юқори синф ўқувчилари учун тузилган дарсликларда бериладиган маълумотлар эса бадиий адабиётнинг ижтимоий ҳаёт билан алоқасини кўрсатишга, ўрганиладиган ёхуд мустақил ўқиладиган бирор асарнинг яратилишини изоҳлашга, бирор асарга яширинган мажозий маънони очишга ё бўлмаса адиб услубидаги ўзига хосликни кўрсатишга хизмат қиладиган бўлиши керак. Шунда ўқувчилар адибларнинг инсоний сифатлари ва ҳаёт йўллари билан улар яратган асарлар ўртасидаги боғланишни англайдилар. У ёки бу асарда ижодкорнинг бирор ҳаётий ҳолати, ўша ҳолатдаги кайфияти, туйғулари акс этганлигини тушунадилар. Бу ҳол асарлар таъсир даражасининг ошувига, бинобарин, ўқувчилар маънавиятининг мукаммаллашувига хизмат қиладди.

Хуллас, дарсликларнинг мукаммаллиги ўқувчилар шахсияти шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи омил бўлганлиги учун ҳам адабий таълим мазмунини янгилашнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Бундан юз йиллар олдин таниқли рус маърифатпарвар адиби, файласуф ва педагог В. Розанов мактабларда ҳар жиҳатдан ғариб дарсликларнинг кўпайиб кетганлиги ва уларнинг маънавий оқибатлари хусусида: «Одамни энг гўзал ёшида (бу — ўқувчилик вақти), энг яхши фазилатларга эга қилиш учун (бу — тарбиядан мақсад) энг ёмон маънавий емиш билан боқадилар»,— дея аччиқ киноя қилган эди. Яқин ўтмишдаги мактабларимизнинг тажрибаси ҳам худди шу хилдаги пичингларга кераги-

дан мўлроқ асос бера олади. Янгиланган миллий адабий таълим мақсадига эндиликда «... энг яхши даврда, энг яхши фазилатларга, энг тотли маънавий озуқалардан истеъмол қилиш» орқали эришишга имкон бўлади, дея умид билдиришимиз мумкин.

Адабий таълимнинг илмий-назарий ва эстетик-педагогик асослари ҳақидаги кузатишларимизни мактаб адабий таълими таянадиган тамойиллар ҳақидаги мулоҳазалар билан якунлаш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки адабий таълимнинг охир-оқибатда қандай йўналиш касб этиши ва қанақа натижаларга олиб келиши кўп жиҳатдан у таянадиган дидактик тамойилларга боғлиқ бўлади.

Адабий таълим ҳам, умуман, дидактиканинг тамойилларига асосланиб иш кўради, албатта. Аммо адабиёт нафосат тизимидаги ўқув предмети бўлганлиги учун уни ўқитиш ва ўқишда мутлақо ўзига хос тамойилларга таянишга тўғри келади. Чунки адабий таълим предметининг ўзига хослиги у асосланадиган тамойилларнинг ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади. Педагогика фанида таълимнинг тамойиллари муаммоси илмий адабиётларда анчагина кенг ёритилган. Бизнинг назаримизда, адабий таълимнинг индивидуаллиги, яхлитлиги, эстетик асосларнинг устиворлиги ва ўқувчилар жинс хусусиятларини ҳисобга олиш сингари тамойиллар бадий адабиётни ўрганишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан тамойиллардир ва шу боис улар ҳақида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўрдикки, ўқувчиларнинг шахслик хусусиятларини шакллантириш, уларда эгу инсоний фазилатларни барпо этиш, ўқувчиларни инсоний камолотнинг йўлига солиш, болаларнинг таъсирчан ва покиза қалбини бунёд қилиш адабий таълимдан кутилган мақсаддир. Ўқувчилар бадий асарларда акс эттирилган руҳият манзараси, кайфият тасвири, туйғулар ифодаси орқали у ёки бу фазилатни табиатига сингдириб олгандагина адабиёт дарсларидан кузатилган мақсадга эришилган бўлади. Бунинг учун ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир кўрсатиш юқори даражага кўтарилиши шарт. Болаларнинг туйғуларига кучли таъсир кўрсатиш эса, уларнинг руҳий ҳолатига катта эътибор беришни талаб қилади. Бир синфдаги барча ўқувчиларнинг бир хил руҳий ҳолатда бўлиши, бадий асардаги муайян руҳий вазият тасви-

рини ҳамма бирдай қабул этиши асло мумкин эмас. Шундай экан, ҳар бир талаба руҳиятининг индивидуаллигини, бадиий асарни қабул қилиш ва таъсирланиш даражасининг ўзига хослигини ҳисобга олиб иш кўргандагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади. Адабиёт ўқитишда ўрганиладиган ҳар бир асар синфдаги ҳар бир ўқувчининг қалбига, шуурига фақат ўзигагина хос йўл билан кириб боради.

Ҳар бир ўқувчи руҳиятига хос энг майда хусусиятлар қанчалик тўғри ҳисобга олиниб иш кўрилса, адабиёт ўқитувчиси синфдаги барча болалар билан машғулот олиб бориш жараёнида ҳар бир ўқувчи қалбига чуқурроқ кириш имконини топа билса, адабий таълим шунчалик самарали бўлаверади. Ҳар бир ўқувчи ўзича, алоҳида иш қилишини ўқитувчи ҳамиша ёдда тутиши жоиз. Синфдаги ҳар бир бола ўзича ишлайди, ҳеч қачон бутун синф бирданига «бир ёқадан бош чиқариб» ишлаши мумкин эмас. Чунки «синф» деган тушунча алоҳида шахслардан таркиб топган. Ҳар бир ўқувчининг ўзича таъсирланишини, ўзича изтироб чекишини, ўзича қувонишини ҳисобга олиб иш кўргандагина адабий таълим ўз олдидаги вазифаларни удалай олади. Ёппа туйғу шахсликнинг эмас, оломонликнинг белгисидир. Бундай туйғулар ўзига хосликдан маҳрум бўлган тўдаларда кучли бўлади. Маълум бўлдики, индивидуаллик мактаб адабий таълимидаги зарур тамойиллардан ҳисобланар экан.

— Мактаб адабиёти ўқув предмети сифатида инсоний туйғулар билан, руҳий ҳолатлар тасвири билан, ўқувчиларда ҳиссиёт уйғотиш билан иш кўрар экан, тарбияланувчиларда мазкур ҳолатларни уйғотишнинг имкониятларини илмий жиҳатдан ҳисобга олиши керак бўлади. Ўрганилаётган бадиий асар воситасида пайдо қилинган туйғулар, кечинмалар, ҳиссиётлар бўлинмаган, пароканда этилмаган тақдирдагина адабиёт дарси ҳам эстетик, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Бўлинган туйғу, кечинма ва сезимлар етарли таъсир кучига эга бўлмайди, бинобарин, тарбиявий натижа ҳам кўзланганидек чиқмайди. Демак, адабий таълимнинг яхлитлиги тамойили ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва уни ҳисобга олмасдан мақсадга эришиб бўлмайди. Бадиий асарнинг бутун гўзаллиги, жозибаси унинг яхлитлигида. Чунки бадиий гўзаллик — бадиий уйғунликдир. Уйғунлик яхлитлик демакдир. Яхлит нарсагина

гўзал бўлади, яхлит туйғугина таъсир кўрсата олади, яхлит кечинмагина тарбиявий аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг учун ҳам адабий таълимни уюштиришда яхлитлик принципига амал қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳар қандай адабиёт дарси, айниқса, бирор асар таҳлилига доир машғулотлар имкон қадар бўлинмаган ҳолда, яхлитлигича ўтказилиши зарур. Бир дарсда, айти бир муддатда муайян туйғуларни ўз ўқувчиларида уйғота олган ўқитувчи орадан арзимаган бир муддат ўтгач ҳам ўша болаларда ўша туйғуларни уйғота олмаслиги мумкин ва бу табиийдир. Чунки туйғу ҳолат ва кайфият билан боғлиқ. Ҳолат ўзгариши кайфият ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар эса, ўз навбатида, айти бир туйғунини мутлақо ўзгача қабул қилишга шарт тўғдириши ҳам мумкин. Адабиёт дарслари бадий ижоднинг узига ўхшаб кетадиган сирли ва сеҳрли ҳодисадирки, буни ҳисобга олмаслик ёшлар маънавияти шаклланиши ишига беписандлик билан қарашнинг ўзгинасидир. Шунинг учун ҳам адабиёт машғулотларига ўзга ўқув предметларининг тарозиси билан ёндашиш керак эмас.

Янгиланган адабий таълим адабиёт дарсларида эстетик асосларнинг устиворлигини ҳисобга олиб иш кўрагина қўйган мақсадига эриша олади. Ўрганилаётган ҳар бир асардан мафкура эмас, нафосат қидирилса, қаҳрамонлар мансуб ижтимоий табақаларга хос хусусиятларни тонишга эмас, балки қаҳрамонлар кечирган ҳиссиётларни, сезимларни кашф этишга эътибор қаратилса, ўқувчилардан баркамол шахс шакллантириш мумкин бўлади. Баркамол шахс оламдаги одамларга, аввало, инсон деб ёндашади. Баркамол шахсни инсоннинг ижтимоий мансублиги, мафкуравий йўналиши эмас, маънавий сифатлари, инсоний эътиқодни қизиқтиради. Адабиёт машғулотларида эстетик асослар устивор бўлгандагина ўрганиладиган бадий асарларнинг чинакам бадий жозибаси ойдинлашади, сўзнинг илоҳий сеҳрини, яширин жозибасини туйиш мумкин бўлади. Акс ҳолда адабиёт дарслари ё насихат машғулотларига, ёхуд тарих сабоқларига айланиб кетиши мумкин.

### III боб. МАКТАБДА АДАБИЙ АСАРНИ ЎРГАНИШ АСОСЛАРИ.

#### БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК МАСАЛАЛАРИ.

(Таҳлил турлари, йўналишлари, тамойиллари ва таҳлилга қўйиладиган талаблар)

Санъат инсон эвристик фаолиятининг олий кўринишидир. Бадий адабиёт санъатнинг бошқа турлари орасида алоҳида мавқега эга эканлиги тан олинган ҳақиқатдир. Ҳоят кўп ўлчовли мураккаб бутунлик бўлмиш бадий адабиёт намунаси ўқувчи томонидан тўлиқ ҳис этилиб, англаниб, нафис адабиётнинг соҳру жозибасидан атрофлича хабардор бўлингандагина таъсирчан эстетик-маънавий энергияга айланади. Ҳис этилмаган, англамаган гўзаллик маънавият шаклланишига хизмат қила олмайди. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитишда бадий асар таҳлили алоҳида мавқега, аҳамиятга эгадир.

Адабий таълим олдидаги бош мақсадга эришиш учун ўқитувчи бадий асарни ўрганиш йўллари пухта эгаллаб олиши шартдир. Ўқувчиларнинг фикринигина эмас, балки унинг туйғуларини, қалбини ҳиссиётлар оламини ҳам шакллантиришга аҳд қилган адабий таълим бадий таҳлилсиз ўз муддаосига эриша олмайди. Чинакам бадий таҳлил бўлмаган жойда адабиёт ўқитиш фақат қуруқ воқеалар баёнидан ёхуд яланғоч гоёлар тавсифидан иборат бўлиб қолади. Бундай ҳолатда эса бадий матн ўқувчининг қалбига таъсир этмайди, унинг маънавияти шаклланишига ёрдам бера олмайди.

Адабий таълим олдида турган вазифалар ҳам бадий асарларни чуқур таҳлил этишни талаб қилади. Негаки, мактаб ўқувчиларида китобга муҳаббат ўқилган китобнинг сир-асрорини билгандан кейингина шаклланади. Талаба бадий асардан лаззат туйса, ўзининг завқини келтирган тасвирий унсурларни пайқай билса, чинакам бадийят намунасини сохта асарлардан ажрата олиш малакасини эгаллаётган бўлсагина китобхонга айланади. Чунки бирор асарни ўқиш жараёнида, уни таҳлиллаш мобайнида туйилган лаззат ўқувчини бошқа асарларни ўқишга, улардан ҳам завқланишга ундайди. Адабиёт ўқитишда бадий таҳлилга эътибор ҳоят сўт

бўлганлиги учун ҳам мактаб ўқувчиларининг бир неча авлоди Навоийсиз, Бобурсиз, Машрабсиз, Қодирийсиз яшаб келмоқда. Чунки болаларга даҳо ижодкорларнинг асарларига хос бадий жиҳатлар бутун кўлами, кўп қирралиги билан очиб берилгани йўқ. Мактабда бадий таҳлил ўзлаштирилмагунча ўқувчилар ҳақиқий адабиётни енгил-елпи, оммавий «адабиёт»дан айира олмай юраверадилар. Адабий асарни таҳлил қила олмаган, бинобарин, ундан таъсирлана билмаган бола маънавий қадриятларга мепсимай қарайдиган бўлади. Чунки бундай болага инсонни тушуниш, ўзгани ҳис этиш бегона. Унда тор амалиётчилик, манфаатпарастлик иллатлари хуруж қилиш имконияти катта. Шунинг учун ҳам бадий таҳлил оддий ўқув тадбири эмас, балки ўта муҳим маънавий ҳодисадир. Асл адабиёт намуналарини ўқимайдиган, ҳис қилмайдиган, бадий образларнинг кечинмаларини туймайдиган, бадий сўз жозибасидан таъсирланмайдиган ўқувчилар улғайгач, ҳаммиша ҳамма нарсани «биладиган», ҳар қандай саволга жавоби «тайёр» турадиган ҳиссиз, юраксиз кишиларга айланишлари мумкин. Ундай одамлар адабиётга фақат кўнгилочар машғулот деб қарайдилар, улар санъат асарларига тўпори тирикчилик мантиғи нуқтаи назардан ёндашадилар. Ҳолбуки: «Адабиёт тилдан кейин халқ қалбини ғоят бўртиқ ва ёрқин акс эттира оладиган бутунликдир. Тилда халқнинг қалби омманнинг, жамоанинг юраги тарзида намоён бўлади, негаки тил умумхалқ ижоди маҳсулидир; адабиётда эса у ёлғиз, алоҳида юрак, у ёки бу адибнинг ўзига хос юраги сифатида кўринади»<sup>1</sup>. Алоҳида ўзига хос юракнинг туйғуларини ҳис этмоқ учун ҳам ўқувчилар муайян ҳозирликка эга бўлишлари керак.

Жамиятда маънавий қадриятларнинг мавқен кўтарилиши ва инсон омили ортиши билан мактаб адабиётига эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарурлигини англаш жараёни тезлашди. Шунинг учун ҳам кейинги ўн йил ичида адабиёт ўқитишда бадий асар таҳлили устивор мавқеда туриши кераклигини ёқлайдиган кишилар сезиларли даражада кўпайди. Гарчи бу хил қарашлар мактаб амалиётига бетўхтов татбиқ этилмаган бўлса-да, бадий адабиёт ва ўқувчи шахсияти билан иш кўрувчи кишилар тафаккурига таъсир кўрсата бошлади. Зеро,

<sup>1</sup> Каптерев П. Ф. Избранные педагогические сочинения, М., «Педагогика», 1982, стр. 470.

адабиёт дарсларига нафис адабиётни олиб кириш, ўқувчиларнинг фақат ақлига эмас, балки юрагига ҳам таъсир кўрсатиш кераклиги даврнинг талаби эди.

Жамият маънавий қадриятларга эътиборсизлик туйғуларни қанчалик катта йўқотишларга йўл қўйилганлигини англаб етиш палласига қадам қўйганди. Зотан, жамият аъзолари, айниқса, ёш авлод маънавий дунёсида кемтиклик бўлса, уни ҳеч нарса билан тўлатиш мумкин эмаслиги аён ҳақиқатдир. Тафаккур ривожига нуқсонни инсонда астойдил интилиш бўлса, қатъий ҳаракат, тишимсиз изланиш, ақлий зўр бериш йўли билан кейинчалик ҳам бартараф этиш мумкин бўлади. Лекин инсон қалбидаги, туйғуларига нуқсонни кейинчалик тўғрилашнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам доно халқимиз ақли пешланмаган ёшлар ҳақида: «катта бўлса эси кириб қолар,» деб умид билдиради, лекин хулқи бузуқ, маънавияти пуч ёшлар ҳақида ҳеч қачон бундай демайди. Чунки халқ инсоний фазилатларни фақат ёшлиқдан сингдириш лозим эканини жуда яхши билади.

Ҳазрати Навоийнинг: «Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт, Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушди ўт» матласи билан бошланадиган ёки «Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин қўнглим писанд этмас» сатрлари билан бошланувчи ғазаллари билан танишган, уларнинг бадий жозибаси ва мантиқий қудратидан хабардор бўлган одам учун олам ҳам, одамлар ҳам, ҳаёт ҳам бошқачароқ туюлиши аниқ. Демак, одамнинг ўзида, унинг табиатида, маънавиятида эврилиш содир бўлади! Абдулла Ориповнинг ҳар сатридан инсоний дард силқиб турувчи «Ўйларим» шеъридаги қуйидаги сатрлар ўқувчи туйғуларига ўзгариш ясашни инкор этиб бўладими:

Олти ойким шеър ёзмайман, юрагим зада,  
Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.  
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада  
Истеъдодим сўнганидан қилар каромат.  
Ниманидир ахтараман шеърдан ҳам улуғ,  
Ниманидир ахтараман нондан азизроқ.  
Дунё ўзи бепоёнку рангларга тўлуғ,  
Бироқ менинг кўзларимдан ранглар ҳам йироқ.  
. . . Шеър излайман бу кун Тошкент кўчаларида,  
Секингина зирқирайди беором қалбим.

Мен умримнинг бу суронли кечаларида  
На бир таскин топа олдим, на шеър топа олдим.  
. . . Таъна қилмай ахир севгим мукофотини  
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.  
О, қанчалар севар эдим инсон зотини,  
Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен.  
Бугун тўниб атрофимга қарайман ғамгин,  
Ўт беролмас, қалбга энди у ёшлик дамлар.  
Мен инсонни бир инсондай севардим лекин  
Нечук кўпдир ҳалигача разил одамлар. . .

Ҳақиқий бадият, анланган ва анлатилган гўзаллик ўқувчиларнинг маънавиятигагина эмас, тафаккурига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, унинг шахс сифатида шаклланиши жараёнига йўналиш беради. Албатта, ҳамма ишда бўлганидек, бу жараёнда ҳам меъёр сақланиши лозим. Шошилиш, яхши натижага эришиш учун «педагогик ҳужум»ни кучайтириш фойда ўрнига зарар келтиради.

Адабиётни ҳаётини саволларга жавоб берадиган, ўқувчиларни яшашга ўргатадиган ҳосила тарзида тақдим қилиш адабий таълим учун катта зарардан иборат машғулотдир. Чунки бадий адабиёт саволларга жавоб бермайди, балки китобхон олдида саволлар қўяди. Шунингдек, у ёки бу тарзда яшаш керак деб тавсия ҳам бермайди, йўл кўрсатмайди. Чунки инсон табиатининг, ҳаётини вазиятларнинг сон-саноқ билмайдиган муқобилларга, ўзига хосликларга эга эканлиги бу хил «рецепт»ларни самарасиз қилади. Мабодо адабиёт бирор бузилган нарсани тузатса ҳам, фақат муҳаббат дориси билан, инсонийлик малҳами билан тузатади. Муҳими, бадий адабиёт ўқувчини ўйлатади, ўзганинг фикрини ҳам, юрагини ҳам, туйғулари ва кечинмаларини ҳам ҳис қилишга одатлантиради.

Саксонинчи йиллардан бошлаб адабий таълимда бадий асар таҳлилининг ҳал қилувчи аҳамияти анланадиган ва тан олинадиган бўлди. Ўша англашнинг, асар таҳлили инсон маънавияти шаклланишида тутган юксак мавқе тан олиншининг натижаси ўлароқ, «Бадий асарни таҳлил қилиш» номли янги филологик фан пайдо бўлди ҳамда Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон сингари бир қатор республикалар олий мактабларининг филология факультетлари ўқув режаларига киритилиб ўқитила бошланди. Афсуски, бизда бадий



таҳлил маданияти ғоят паст, мактабларда ишлайдиган аксар ўқитувчилар асарларни таҳлил қилиш малакасини мутлақо эгалламаган бўлишларига қарамай, олий мактабларни битириб чиқаётган ёш мутахассислар санъат асарларини таҳлиллашнинг дастлабки кўникмаларига ҳам эга бўлмаган ҳолда амалий фаолиятга киришаётган бўлсалар-да, бизнинг республикамизда «Бадий асарни таҳлил қилиш» фанини ўргатиш йўлга қўйилмади. Мазкур фан миллий адабиётшуносларимиз томонидан жилла курса, назарий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқилмади. Ҳолбуки, олий мактабларнинг ўқув режаларида қатор йиллардан бери «Бадий матннинг лингвистик таҳлили» фани ўрганилиб келинади. Лекин мазкур фан тўлиғича тилшунослик йўналишида бўлиб, бадий матннинг эстетик жозибасини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Хуллас, ҳозирги кунда, худди қўшни мамлакатларда бўлгани сингари, ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам «Бадий асарни таҳлил қилиш» илмини миллий асосларга таянган ҳолда яратиш ҳамда мазкур фаннинг олий ўқув юртлари филология факультетлари учун алоҳида филологик фан сифатида ўқитилишига эришиш олий мактаб адабий таълими ва миллий адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб турибди.

Адабиёт ўқитувчиси бадий асарларни таҳлил этиш йўл-йўриғини фанний асосларда ўрганмас экан ва ҳар қандай жанрдаги асарни таҳлиллай олиш малакасига эга бўлган ҳолда ўқувчилар билан юзма-юз бўлмас экан, адабий таълимдан кузатилган мақсад амалга ошмайди. Адабиёт ўқитувчиси ночорлигича, адабиёт дарслари зерикарлилигича, асардан чиқариладиган хулоса «ижтимоий насиҳат»лигича қолаверади. Таҳлил ғариб бўлганлиги учун адабиёт ўқитиш жараёни олдига қўйилган бош мақсад — баркамол шахс шакллантириш амалга ошмайди.

Адабиёт ўқитувчилари таҳлиллаш малакасига етарлича эга бўлмаганликлари учун ўқувчиларга нима «бериш»ни ҳам, улардан нимани «олиш»ни ҳам билишмайди. Шу боис адабиёт дарсларида ўқувчилар зиммасига ғоят енгил ва кераксиз «юк» қўйилади. Енгил-елпи, ўқувчиларнинг ҳаёлотини ишга солмайдиган, ақлини зўриқтирмайдиган «жавоб»лар адабиёт дарсларидан ижобий баҳо олиш учун етарли ҳисобланиб келинади. Масалан, «Хамса» асарининг 2,5 йил вақт мобайнида

яратилгани ва унинг беш дostonдан иборатлигини айтган ўқувчига гарчи у «Хамса»ни очиб кўрмаган бўлса ҳам, «ёмон» баҳо қўйиш мумкин эмас! Чунки жуда кўпчиликнинг, аввало, маориф органлари мутасаддилари ва адабиёт ўқитувчиларининг назарларида, адабиёт предмети учун ўша билим ҳам етарли! Бундай носоғлом ва ғайри мантиқий ҳолат адабиёт ўқитиш олдида турган мақсад ва вазифалардан яхши хабардор эмасликдан келиб чиқади. Адабиёт предмети учун ўқувчиларнинг, умуман, жавоб бериши эмас, балки уларнинг туйғулари оламида ўзгаришлар рўй берганлиги, ҳар бир ўрганилган асар таъсирида уларнинг қалбида, маънавиятида инсоний фазилатлар шаклланганлиги ҳар қандай жавоб ва баҳодан муҳим эканлиги англаб олингандагина адабиёт ўқитишга соғлом муносабат қарор топади.

Кўринадики, адабий таълимда асар таҳлилининг ўрнини босиш мумкин бўлган бошқа фаолият тури мавжуд эмас.

Амалиётда бадний таҳлил қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб икки турга: филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлилга бўлинади.

Филологик таҳлил адабий асарнинг бадний мантиғи ва эстетик ўзига хослигини англашга йўналтирилган илмий талқин бўлиб, кучли ҳиссий-интеллектуал фаолиятдир. Илмий таҳлилда бадний асардан чиқарилган хулосаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражаларга мувофиқ келиши талаб этилади. Таҳлил жараёнида билдирилаётган ҳар бир фикр ҳам мантиқий тушунчалар, ҳам эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши лозимдир. Шунингдек, илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг умуммиллий адабиётдаги ўрни ва миллий тафаккур тараққиётига таъсири даражаси кўрсатилиши кўзда тутилиши керак. Филологик таҳлил оммабопликдан юқорироқ туриши ва ҳар қандай адабий ҳодиса мутахассис назари билан таҳлил этилишини тақозо қилади. Лекин филологик таҳлилдаги асосий нарса бадний асарнинг баднийлигини, таъсирчанлигини таъминлаган жиҳатлари қайсилар, бадний жозиба, сўз сеҳри, санъатнинг сирли томони нимада эканлигини кўрсата билишидир.

Адабиётшунослик илмида филологик таҳлилнинг ўзи нима, у қандай мақсадларни кўзда тутган ҳолда амалга оширилиши керак деган саволга бериладиган бир хил ва қатъий жавоб йўқ. Ҳар бир олим бадний асарнинг

илмий таҳлили тушунчасини ўзича изоҳлайди. Қозоғистонлик методист олим Б. Бобилев ўзининг «Миллий олий ўқув юртларида бадиий матнни филологик таҳлилланнинг назарий асослари» мавзuidaги докторлик диссертациясида илмий таҳлилнинг мақсадини шундай тушунтиради: «Бадиий матннинг филологик таҳлилидан асосий мақсад муаллиф образини идрок этишдир, унга етишишдир. Айни шу ҳолат бадиий матнни филологик таҳлил қилишнинг асосига қўйилиши лозим<sup>1</sup>». Мазкур қараш кўп жиҳатдан таҳлилга оид хусусиятларни камраб олган. Дарҳақиқат, китобхон ёки тадқиқотчининг муаллифга етишмоғи, унинг тажаллисига айланмоғи адабий асарни бутун серқирралиги, мураккаблиги билан англаш даражасига етганлигини билдиради. Муаллиф даражасига етган ҳолда бадиий асарни идрок этиш санъат намунасига хос деярли барча хислатларни ҳис этиш, асар замиридаги ҳам мантиқий, ҳам бадиий маънони тўлиқ англаш имконини беради.

Муаллиф тасвирлаган бадиий манзара билан ўқувчи томонидан идрок этилган бадиий манзара ҳаминша ҳам адиб истаганидай бўлавермайди. Баъзан ўқувчи адиб мутлақо кўзда тутмаган, хаёлга келтирмаган, ҳатто муаллифнинг қарашларига зид, аммо ҳаёт ҳақиқати олдида тўғри бўлган бадиий хулосага келиши мумкин. Чунки ҳаётини вазиятнинг ўзгариши, ижтимоий воқеликдаги янги ҳолат баъзан ижодкорнинг оддий интим ихори дилидан чуқур ижтимоий маъно топишга олиб келади. Ахир ҳақиқий бадиий асарнинг умри узун ва у фақат яратилган дам учунгина мансуб бўлолмайди. Таниқли рус психологи Л. С. Виготскийнинг: «Санъатни кўпроқ даражада кечиккан муносабат дейиш мумкин, негаки унинг дунёга келиши билан таъсир кўрсата бошлаши ўртасида ҳаминша оздир-кўпдир замонавий оралиқ бўлади<sup>2</sup>»,— деган фикри ҳам бунга далил бўла олади.

Замоний оралиқ ўқувчига адабий асардан ўзи яшаётган замонга мувофиқ хулоса чиқариш, асарнинг бадиий тизимидан ҳам даврига мос завқ ола билиш им-

<sup>1</sup> Б о б ы л е в. Б. Г. Теоретические основы филологического анализа художественного текста в национальном педвузе, диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук, М., 1991 г.

<sup>2</sup> В ы г о т с к и й Л. С. Психология искусств, М., «Искусство», 1986, с. 320.

конини беради. Усмон Носирнинг фахрия характеридаги иқрори шоир шахсга сиғиниш қурбони бўлиб кетганидан сўнг мутлақо ўзгача маъно касб этди, санъаткорни башоратчи мақомига кўтарди:

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади,  
Жаллоддек раҳм этмай, дилни тилади.  
Аёнди бир куни айлайди хароб...

сатрлари битилган  
фурсатда шоир ўзининг қатағон қурбони бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганлиги аён. Шу боис ҳам бу сатрлар Усмон Носир учун ўзгача маънога эга бўлган, аммо бугунги ўқувчи учун тамомила бўлакча мазмун ташияжаги изоҳсиз ҳам тушунарли. Шоир Миртемирнинг «Беморликда» шеърисидаги: «Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим» мисралари бемор санъаткорнинг тушкун руҳий ҳолатидан, адолатсиз замондан норози исёнкорнинг ноласи даражасига бугунги ўқувчиларнинг тушунчалари туфайли, мустамлака занжирларидан қутула бошлаган замондошларимизнинг дунёқарашлари, дидлари сабабли кўтарилган. Бадий ижод тарихида юқоридагилардан ҳам таъсирлироқ мисоллар жуда кўп. Бу ҳолат кўрсатадики, адабий асарнинг илмий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланиш ягона асос сифатида қаралиши ҳақиқий ҳолатга унчалик ҳам мос келмас, бадий асар моҳиятини тулғича идрок қилиш имконини бермас экан. Танишган бадий асардан хулоса чиқариш, уни тадқиқ қилиш таҳлил этувчининг савиясига, дидига, дунёқарашига, ҳаётий тажрибасига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ эканлиги маълум ҳақиқатдир. Рауф Парфи ва унга издош бўлган ижодкорларнинг асарлари аксарият ўзбек танқидчилари томонидан мутлақо бир-бирига зид тарзда таҳлил этиб келинганлиги, уларнинг ҳар бири шоирнинг бадий ниятини ўзича англаганлиги ҳам шуни кўрсатади.

Бадий таҳлилни илмий фаолиятдан иборат деб қарайдиган бир гуруҳ мутахассислар ҳам бор. Чунончи, Г. Н. Тараносова назарида: «...таҳлил адабий асарни тўғридан-тўғри ва жўн тушуниш ўрнига уни фикран маъноли қисм ва унсурларга бўлиб қабул этишни кўз-

да тутадиган илмий фаолиятдир<sup>1</sup>». Бу хилда фикрлайдиган мутахассисларнинг қарашларида асосли ўринлар жуда кўп. Дарҳақиқат, бадий таҳлилгина адабий асарни юзаки қабул этишдан, уни ҳаёт ҳодисаси билан аралаштириб юборишдан, «қаҳрамонларнинг кейинги тақдири нима бўлади, фалончи пистончига уйланадими?», «Фалон асарларнинг қаҳрамонлари ҳозир нима қилишмоқда?» сингари асарнинг бадий ўзига хослигини, эстетик ҳодиса эканини йўққа чиқарувчи жўн қарашлардан қутқаради. Лекин масаланинг бошқа томони бор: ҳар қандай асл бадий асар яхлит поэтик бутунлик ҳисобланади ва мазкур яхлитликка дахл қилишнинг жозибасини, сеҳрини йўққа чиқариши аниқ.

Ж. Азизов ва Г. Усоваларнинг қаламига мансуб «Адабий таҳлил назарияси ва амалиёти» рисоласида: «...таҳлил адабий асарнинг бадий мантиғига сингишиш мақсад қилиб қўйилган илмий изоҳдир<sup>2</sup>» тарзида таъриф берилади. Бадий таҳлилнинг асл мантиғини акс эттириш жиҳатидан, Ж. Азизов ҳамда Г. Усоваларнинг қарашлари ҳақиқатга яқинроқ. Чиндан ҳам, «муаллиф образига етишиш» ҳам, «адабий асарни фикран қисм ва унсурларга ажратиш» ҳам ўз ҳолича бадий таҳлил моҳиятини акс эттира олмайди. Балки улар бадий мантиқни кашф этиш, унга етишиш йўлидаги босқичлардир. Бироқ мазкур хулосада ҳам, бизнинг назаримизда, кичик бир ёқламалик бордай туюлади. Чунончи, унда ҳаётини мантиққа етишиш зарурлиги кўзда тутилмайди. Тўғри, бадий адабиёт учун эстетик мантиқ бирламчи аҳамият касб этади, аммо бу ҳолат адабий асарлардан келиб чиқадиган ҳаётини мантиқнинг муҳимлигини асло инкор этмайди. Шунинг учун ҳам бадий таҳлил тушунчасини характерлашда бадий ва ҳаётини мантиқ тушунчалари ёнма-ён қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, бадий асар таҳлили тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Бадий таҳлил адабий асарнинг ҳаётини ва бадий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини англашга йўналти-

<sup>1</sup> Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и литературы в национальной школе, Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора пед. наук, М., 1991, с. 13.

<sup>2</sup> Азизов Ж., Усова Г. Теория и практика литературоведческого анализа, Ташкент, 1990, с. 3.

**рилган илмий фаолиятдир.** Адабий таҳлилга шу тариқа таъриф берилганда ҳодисага хос деярли барча асосий хусусиятлар қамраб олинади, дейиш мумкин. Санъат асаридан келиб чиқадиган ҳаётий маънони топиш, эстетик унсурларни кашф этиш, ўрганилаётган асарнинг бошқа асарлардан фарқли жиҳатларини аниқлаш, унинг муайян миллат ёки бутун инсоният эстетик тафаккури-ни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини кўрсатиш ғоя муҳим. Айни вақтда, бадий завқ манбаи нимада эканини, китобхонни муайян асардан таъсирланишга олиб келган бадий омиллар, сўз сеҳри, унинг мантиқий тушунчалар доирасига сиғмайдиган жозибаси қаердан келиб чиқаётганини аниқлаш ҳам ўта муҳим юмушдир.

Ўрни келганда айтиш керакки, бадий таҳлилда таяниладиган методологик асосга жуда кўп нарса ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Фалсафий асос соғлом бўлма-гач, таҳлил қанчалик холислик ва билимдонлик билан амалга оширилмасин, адабий асарнинг бутун жозибаси, сири тўлиқ ва тўғри намоён этилиши мумкин эмас.

Ишимизнинг аввалги бобларида айтилганидек, қадимий Шарқ бадий ижодга Ғарб эстетикасидагидан кўра ўзгачароқ мезоилар билан ёндашган. Чунончи, Аристотель таълимотига таянган ҳолда шакллантирилган эстетикада санъат асарига борлиқнинг тақлидига қаралгандай қаралган. Яъни бадий ижод намунасининг баркамоллиги унинг ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос келиши, бошқача айтганда, тақлиднинг нақадар усталик билан амалга оширилишига қараб белгиланган.

Шарқ гўзаллик илми, хусусан, Туркистон эстетикаси учун таяниладиган назарий асос тажалли тушунчаси бўлган ва шу боис ҳар бир чинакам бадий ижод намунасига илоҳий ҳодиса тарзида ёндашилган. Шарқ учун бадий асарлар ҳеч қачон фақат воқеликнинг инъикосигина бўлмаган. Бутун оламдаги моддий ва маънавий нарсалар Оллоҳнинг тажаллиси экан, бадий ижод ана шу тажаллининг ўзига хос тарзда моддийлашувидан иборат деб қаралган. Бинобарин, Шарқда Ғарбдагиларга нисбатан ижодга сеҳрли, мўъжизавор ҳолат тарзида ёндашиш кенг тарқалган. Шарқ эстетикаси бадий асарнинг энг кичик унсуридан ҳам гўзаллик қидирган ва топа билган. Бадий асарлардан чиқадиган маъно, фикр, ғоя нафосатнинг табиий ҳосиласи сифатида қаралган. Чунки ҳар қандай гўзал шакл, аввало, тамкинлик, уйғунлик, мутаносиблик деб қаралган ва

унда албатта, етук фикр, чуқур мазмун бўлиши табний ҳисобланган.

Шарқ адабиётида сиртдан қараганда жуда турғун, қотиб қолган ва ўзгармасдай туюлувчи адабий шаклларда ҳам бадий кашфиётлар қилишнинг адоқсиз имкониятлари кашф этилаверган. Бадий кашфиёт деярли ҳаминша асарнинг қатига яширинган ва ҳеч қачон очиқ бўлмаган. Чунки эстетик лаззат, гўзаллик излаб топилгандагина вужудга келади, деб ҳисобланилган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётидан таъсирланиш учун бир қадар эстетик маълумотли бўлиш талаб этилади. Бадий асарга жўн, дағал муносабат, нафосатни тирикчилик мантиғи қаричи билан ўлчаш миллий эстетикамиз учун бегонадир. Ғарб эстетикасида асосий эътибор кўпроқ бадий асарнинг ғояси, қандай фикрни илғари сураётганлигига қаратилган бўлади. Санъат асарининг шаклий гўзаллигига чиройли либос, жозибали ташқи безак тарзидагина ёндашиш устиворлик қилади. Шу сабабли Ғарб эстетикаси учун нимани тасвирлаш, Шарқ маданияти учун эса нимани қандай тасвирлаш муаммосининг ҳал қилиниши муҳим саналган.

Шарқда бадий ижод асосида ҳаминша ГЎЗАЛЛИК ва ИШҚ масаласи турган. Шунинг учун ҳам Шарқ поэзиясида, адабиётида, Ғарб аҳли учун бир қадар эриш ва сийқа туюлган ГЎЛ ва БЎЛБЎЛ образлари абадий ва эскирмас тимсоллар бўлиб келади. Бадий ижоднинг бутун сеҳри ҳам эски воситалар ёрдамида янги туйғуларни, тароватли руҳий ҳолатларни акс эттиришда эканлиги Кунчиқар эстетикаси учун худди нафас олишдай оддий ҳақиқат саналган. Хуллас, ўзбек адабиётшунослиги ижтимоий қарашлардан қутулиб, бадий адабиётга муаммо кўтариш, масала қўйиш воситаси дея ёндашиш одатларидан фориг бўлсагина санъат асариши тўғри таҳлил қилиш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини беҳато белгилай олиш имкониятига эга бўлади.

Таяниладиган маънавий ва назарий асосларнинг соғлом ақлга, санъат табиатиغا, миллий қадриятлар тарихига яқин бўлишига етарлича эътибор қилинган ҳолдагина янгиланган илмий тафаккур амалий аҳамият касб этади, яъни ишлай бошлайди. Шундагина миллий адабиётимизнинг асл намуналари қайси даврда яратилганлигидан қатъи назар, ўзларининг ҳақиқий эстетик таҳлилини, талқинини топиши мумкин бўлади.

Санъат асарларига ижтимоий ҳодиса тарзида ёндашишга одатланиб қолингани учун ҳам узоқ вақт Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари ҳақиқий талқинини топмади. Бир замонлар шахсга сиғиниш авж олган, қатағон ойболтаси қонсираган даврда бу асарлардан аксилрус муносабатлари, миллатчилик излари қидирилган ва топилган эди. А. Қодирий шахси оқлангач ва унинг асарларини ўрганишга изн теккач, энди адабиётшунослар буюк адибнинг буюк асарларида миллатчилик ҳам, аксилруслик ҳам йўқ эканини, ёзувчининг бор-йўғ «айби» жамиятдаги чинакам илғор кучларни кўра олмаганлигида экани ҳақида мурувват билан фикр билдирдилар. Юртимиз мустақилликка эришгач эса «Ўтган кунлар» айнан рус босқинчилигига қарши нафратни алангалатиш ва босқинчиларга қарши курашга даъват этиш учун ёзилган деган даъволар қилинмоқда ва ҳар бир қараш ўзига хос далиллар билан асослаб берилмоқда.

Ҳолбуки, «Ўтган кунлар»дай доҳиёна асар бирор гап айтиб олиш учун ёзилмайди. Бу асарни ёзмасликнинг адиб учун имкони бўлмай қолган. У хаёлида юрган ғояни сингдириш учун образлар яратмаган ва уларнинг оғзига ўз қарашларини чайнаб солиб қўймаган. Ахир романдаги ҳар бир образнинг тирик одам, ўзига хос тақдирга, фикрлаш тарзига, саъжияга эга шахслар экани, улар фақат ўз табиатлари мантиғигагина мувофиқ ҳаракат қилишлари мумкинлиги ва бирор ўринда ҳам адиб уларни ўз етовида олиб юришга уринмаганлиги бадий матннинг ўзидан кўриниб турибдику? Қодирийни кеча миллатчи эди дейиш қанчалар тухмат бўлса, бугун, у миллатимиз мустақиллигини сақлаб қолиш кераклигини кўрсатиш ёхуд мавжуд қолоқ тартибларни ўзгартириш зарурлигини билдириб қўйиш учун «Ўтган кунлар»ни ёзган дейиш ўшанчалик тухматдир. Асл санъат асарини ижтимоий талқин этиш унинг қадрини оширмайди, балки туширади. Уни абадиятдан ўткинчилик сари судрайди. Туркистон бирлиги ва туркистонликлар озодлиги тўғрисида кўплаб илмий асарлар ёзган З. Валиди ёки Б. Ҳайит ижоди аҳамиятлими Қодирий ижоди? Мавзу долзарблиги, масала қўйилиши қай бирида ўткир? Булар ўртасида катта фарқ бор. Гап бадий таҳлил воситасида ана шу фарқ нимада эканлигини, Абдулла Қодирий даҳосининг сири қаердалигини кўрсатиб беришдадир. «Шум бола», «Ўғри», «Руҳлар



исёни», «Жаппатга йўл», «Ўйларим», «Юзма-юз», «Адашган руҳ» сингари юксак санъат намуналарини ижтимоий нуқтан назардан туриб баҳолаш бу асарларнинг чин тароватларини йўққа чиқариш демакдир.

Филологик таҳлилда қатъий илмий тартибга риоя этган ҳолда сўздан образга, образдан ғояга қараб борилади ва таҳлилнинг барча босқичларида бадий сўзнинг эстетик жозибаси таҳлил марказида туради. Бадий асар таҳлилининг нечоғли тўлақонли чиқиши таҳлилчи томонидан асарга қандай муносабат билан ёндашишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Адабий асар таҳлили билан алоҳида шуғулланган мутахассислар кўрсатишларича, амалиётда бадий асарларга ёндашишнинг генетик, типологик ва функционал сингари уч кўриниши мавжуд<sup>1</sup>. Албатта, бу хилдаги таснифлар жуда шартли қабул этилиши зарур. Негаки, одатда бадий таҳлил жараёнида бу уч турдаги муносабатдан бири устивор ўрин тутиши мумкин бўлса-да, деярли ҳеч қачон соф ҳолда қўлланилмайди. Чунки ҳамиша ўрганилаётган асарга ҳар жиҳатдан қараш зарурияти сақланиб қолади. Лекин мазкур тасниф таҳлил жараёнида кўпроқ қўлланиладиган муносабат турлари ҳақида берилган тасаввурлардир.

Бадий асар таҳлиliga генетик ёндашилган ҳолат етакчи бўлганда бадий асарнинг юзага келиш жараёни, вариантлари, асарнинг ёзилишига туртки бўлган сабаб, айнан у ёхуд бу бадий шаклга солинганининг боиси сингари ҳолатлар ёритилишига эътибор кўпроқ қаратилади.

Асар таҳлиliga типологик муносабат ҳукмрон бўлганда, таҳлилланаётган асар муаллифи билан ўзга адиблар орасидаги ижодий ворислик, ўрганилаётган асарни юзага келтирган бадий манбалар, мазкур адиб ижодига таъсир кўрсатган ёзувчилар ижодидаги типологик умумийлик ва фарқли жиҳатлар, асарнинг адабий жараёнда тутган ўрни, замондошлар ва кейинги авлод эстетик тараққиётига кўрсатган таъсири сингари жиҳатлар ўрганилиши диққат марказида бўлади.

Бадий асарни таҳлил этишга функционал муносабат етакчилик қилганда, ўрганилаётган бадий асар яратилган даврда кишилар ижтимоий онгига қан-

---

<sup>1</sup> Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского яз. и лит. в нац. школе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени док. педагог. наук, М., 1991, ст. 19.

дай таъсир кўрсатди, бадий тафаккурда қай жиҳати билан янгилик бўлди, яратилган даврдан кейинги йилларда яшаган одамлар ижтимоий тафаккурига қайси жиҳатлари билан нечоғли таъсир қилди қабилдаги саволларга жавоб топишга ҳамда мазкур асарнинг миллат маънавий маданиятида тутган ўрнини белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Таҳлил этилаётган асарнинг қайси жиҳатига тадқиқотчи томонидан кўпроқ эътибор қаратилиши бадий таҳлил йўналишини белгилайдиган омилдир. Филологик таҳлилда фалсафий, психологик ва филологик йўналишлар фарқланилади.

**Фалсафий** йўналиш етакчилик қиладиган бадий таҳлилда ёзувчининг асарда акс этган дунёқараши, оламни идрок этиш тарзи, дунё ҳодисаларини ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни тушуниш ва тушунтириш шакли сингари муаммоларни аниқлашга кўпроқ эътибор қаратилади. Лекин бундай таҳлил бадий матндан ажралиб қолган фалсафий хулосалар ёхуд мулоҳазалардан иборат бўлиб қолмаслигига эътибор бериш талаб қилинади. Чунончи, бадий матнга боғланмаган, ижодкорнинг айна ўрганилаётган асаридан келиб чиқмайдиган ҳар қандай «чуқур маъноли» хулоса таҳлил учун мутлақо аҳамият касб этмайди ва ўрганилаётган матннинг на бадий ва на фалсафий жиҳатини очиб беради.

Бадий таҳлилнинг **психологик** йўналишида адибнинг ижодий ўзига хослиги, услуби, ижод жараёнининг психологияси, эстетик маслаги ва ижод усулини аниқлаш кўзда тутилади. Бундай таҳлилий йўналишда юқорида саналган жиҳатларнинг қай йўсинда бадий услубга айлангани, эстетик ҳақиқат қиёфасига киргани текширилади.

Адабий асар таҳлилининг **филологик** йўналишида асосий эътибор ўрганилаётган асарнинг эстетик ҳодиса эканини ҳар жиҳатдан асослашга қаратилади. Бу йўналишдаги таҳлилда ўрганилаётган асар филологик ҳодиса сифатида ҳам тил, ҳам тасвир воситалари ҳамда улар ўртасидаги давомийлик ва новаторлик нуқтаназаридан текширилади. Сўзнинг ўз ва бадий маъноси, контекстдаги жозибаси, бадий матн замирига яширилган маъно ва бу яширилганликнинг ҳам хаётий, ҳам эстетик сабаблари сингари бир қатор жиҳатларга эътибор қаратилади.

Бадий асарни илмий таҳлил этишда матн билан ишлашнинг уч босқичи борлигини кузатиш мумкин. **Биринчи босқичда** тадқиқотчи бадий асарнинг ўзи тақдим этмоқчи бўлган талқинини баён этишга имконият ҳозирлайди. Илмий таҳлилнинг **иккинчи босқичида** бадий матн талқини берилади ва бу талқин имкон қадар ҳаётий ва бадий мантиқ нуқтаи назаридан ҳамда оламни эстетик кўра билиш жиҳатидан асосланган бўлишига эътибор қилинади. **Учинчи босқичда** эса матндан хулоса чиқарилади, асарнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади ҳамда унинг қадриятларимиз тизимидаги ўрни белгилаб берилади.

Бадий асарларнинг ҳар қандай таҳлили (у хоҳ илмий таҳлил бўлсин, хоҳ ўқув таҳлили) учун хос бўлган муайян талаблар тизими мавжудки, уларга бўйсунмасликнинг иложи йўқ.

Ҳар қандай адабий таҳлилга қўйиладиган **биринчи талаб** бу мукаммал тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслигидир. Санъат ҳодисасига хос хусусиятларни мантиқ категориялари ва тафаккур тушунчалари тилига тўлиқ, тугал ва бешикаст ағдариш мумкин эмас. Мантиқий категорияларга тўлиқ ағдариш, барча жиҳатларини беистисно тугал тушунтириш мумкин бўлган ҳодиса санъат ҳодисаси эмас. Санъат феномени мантиқий тушунчаларга сиғмаган жойдан бошланади. Бинобарин, энг зўр тадқиқотчининг ҳам асл ижод намунасини тўлиқ тушунтириб бериши мумкин эмас. Чўлпоннинг «Гўзал», «Бинафша», «Сирлар», Рауф Парфининг «Ёшлик зангор фасл...», «Хато қилдим», «Ёмғир ҳам тинмади», «Дунё мавжларига ёзилмиш ғазал», Абдулла Ориповнинг «Ўйларим», «Генетика», «Денгизга», «Баҳор», «Саратон», «Онажон» ва ҳ. к. асарларини охиригача, ҳаммани қониқтирадиган тарзда изоҳлаб, тушунтириб бериб бўлармикан? Уларни мантиқ илмининг тор ва ҳиссиз қолипларига тушириш имкони йўқ.

Бадий асар таҳлилига қўйиладиган **иккинчи бир талаб** — бу ҳар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳаза характерида бўлиши ва ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат даъвосини қилиши мумкин эмаслигидир. Тадқиқотчи қанчалик билимдон, талантли, тажрибали ва моҳир таҳлилчи бўлишига қарамай, унинг фикрлари ҳаммиша ҳам фақат

шахсий мулоҳаза, субъектив фикр мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатлар ҳамма учун бирдай татбиқ этилса, бадий ҳақиқатлар ҳақида бундай ҳукм чиқариш мумкин эмас. Ҳар бир ўқувчи, китобхон, мутахассис ҳар қандай асарни ўзича ўқийди, ўзича тушунади, ўзича таъсирланади, ўзича ҳис этади: Демакки, ўзича хулоса чиқаради. Бир асарни ўқиган кўпчилик кишилар ўртасида ўзаро ўхшаш, бир-бирига тўғри келувчи фикрлар бўлиши мумкин бўлгани сингари, мутлақо бир-бирига тўғри келмайдиган, зид қарашлар бўлиши ҳам мумкин ва бу табиий ҳол ҳисобланиши керак. Адабий асарнинг таҳлили нечоғли чуқур бўлса-да, ўзга бир шахс бу хилдаги талқинни қабул этмаслиги ва бадий ҳодисага ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо бериши мумкин. Бадий асарнинг ўта индивидуал фаолият натижаси эканидан унинг қабул этилиши ҳам ғоят индивидуал жараёнлигини кўзда тутиш жонз бўлади.

Адабий асарнинг илмий таҳлили олдига қўйиладиган талаблардан яна бири санъат асарига ғояни ифодалаш воситаси, фикр билдириш йўлигина деб қарамаслик ва унинг маҳсул эстетик ҳодиса эканлини ҳисобга олиш кераклигидир. Бизнинг адабиётшунослигимиз ва миллий адабиёт ўқитиш методикаси илми ривожида ҳанузгача санъат асарларига ижтимоий ёндашиш устивор мавқеда турганлиги ҳамда бу нуқсонни бартараф этиш, ундан қутулиш бирмунча узоқ давом этадиган жараён эканлиги аён бўлганлиги учун ҳам бадий асар таҳлилида эстетик асосларга таяниб иш кўриш зарурлиги талабини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш зарур деб ҳисобладик.

Бадий асарларни филологик таҳлил қилишда амал қилиниши зарур талаблардан яна бири санъат ҳодисаларига реал борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир. Санъат асарини воқелик билан, реал борлиқ билан солиштириб баҳолаш, ундан воқеликнинг бадий нусхаси бўлишни талаб қилиш маълум даражада «мимесис» назариясига бориб тақалади. Санъат ҳодисасини ижодкорнинг табиатга ёки ижодий ҳаётга тақлидидангина иборат деб тушуниш тадқиқотчидан ҳар қандай асарга унинг воқеликка мос келиши ёхуд келмаслиги нуқтаи назаридан ёндашишини тақозо этади. Буюк мутафаккир, мимесиснинг асосчиси

Аристотель яшаган замонлардаёқ санъат ҳодисаларининг ҳаётга ҳамниша ҳам мувофиқ келавермаслиги кутатилган ва буни алломанинг ўзи ҳам Софокл ва Эврипид трагедияларини қиёслаш муносабати билан айтиб утган.

Бадий адабиёт инсоннинг ички туйғуларини, нозик сезимларини, сўзга бўй бермайдиган руҳий ҳолатларини ифодалаш воситаси эканлиги кўзда тутилгандагина таҳлил соғлом мантиққа мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Негаки бадий мантиқ ҳамниша ҳам ҳаёт мантиғига мувофиқ келавермайди. Баъзан бадий тасвир ҳаёт ҳодисасига қараганда теранроқ, аҳамиятлироқ, салмоқлироқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки бадий асар тартибсиз, хаётик кўринишдаги ҳаёт ҳодисаларидан яхлит ва ички интизомга бўйсунувчи, қатъий бадий мантиққа биноан ҳаракатланувчи эстетик ҳодиса яратиш натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам бадий асарга ёндашилганда унинг ҳаёт манзарасини реал кўрсата билганинигина мезон қилиб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Айниқса, лирик асарлар талқинида ёхуд сатирик намуналар таҳлилида бадий ижоднинг ҳаёт ҳақиқати тарзида қабул этилиши асарларнинг жозибасини ҳам, таъсир кучини ҳам мутлақо йўққа чиқариши мумкин. Бадий асарга юқорида айтилган талабларга амал қилган ҳолда ёндашилгандагина тўғри илмий таҳлил юзага келиши ва унинг миллий тафаккур ҳамда руҳият тараққиётида бир қадар самараси бўлиши мумкин.

Филологик таҳлилнинг назарий муаммолари миллий адабиётшунослигимизда тузукроқ ишланмаган, қарашлар қатъийлашмаган, атамалар муайянлик касб этмаган, дефинициялар (таърифлар) ҳам берилмаган.

Бадий таҳлилга доир назарий қарашларнинг ҳозирги даражаси бу ҳақда атрофлича фикр юритишга, чуқур умумлашмалар қилишга тўлиқ асос беради, деб бўлмайди. Шунга қарамай, мазкур бўлимда бадий асарни таҳлил қилишнинг энг самарали, умумий қонуниятлари тўғрисидаги назарий хулосаларни умумлаштиришга ва буни таҳлил амалиётига татбиқ этишга уринилди. Чунки умуман, бадий таҳлилга доир назарий хулосаларга эга бўлмай туриб, ўқув таҳлили бўйича аниқ умумлашмалар асосли бўлмайди. Зеро, ҳар қандай хулоса, ҳукм назарий таянчга эга бўлгандагина илмий қиймат касб этади.

## УҚУВ ТАҲЛИЛИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҚИРРАЛАР

Уқувчилар маънавиятини шакллантиришда мактабда ўрганилиши кўзда тутилган асарларни илмий ва эстетик жиҳатдан тўғри таҳлил этиш ҳал қилувчи ўрин тўтар экан, ўқув таҳлили ва унга хос бўлган хусусиятларни тадқиқ этиш адабий таълим амалиётида муҳим аҳамиятга молик эканлиги табиийдир. Бу бўлим зотан, янгиланган педагогик тафаккур тарзи ва адабий таълимдаги ҳозирги жиддий ўзгаришлар ҳам мактабда ўрганилиши кўзда тутиладиган бадий асарлар таҳлилига тамомила янгича тамойиллар асосида ёндашиш кераклигини тақозо этади.

Илмий таҳлилдан фарқли равишда миллий адабиёт ўқитиш методикасида ўқув таҳлилига доир бир қатор тадқиқотлар мавжуд эканини қайд этиш лозим. Тўғри, бу тадқиқотларда бадий асар таҳлилига ўз даври талабидан келиб чиқиб, кўпроқ ижтимоий синфий ёндашиш устиворлик қилади. Лекин, умуман олганда, методикачи олимларимиз адабий таълим олдида мазкур муаммо ғоят долзарб бўлиб турганлигини ҳаминша ҳис этганлар ва имкониятлари кўтарган даражада ўша муаммони ҳал қилишга уриниб келганлар.

Мактабда ўрганиладиган адабий асарларни таҳлил қилишнинг асосларини ишлаб чиқишда миллий педагогикамиз ва адабиётшунослигимизда мавжуд бўлган муайян тажрибадан фойдаланган ҳолда ўзгариб бораётган давр берадиган имкониятлар даражасида иш кўриш кўзда тутилади. Чунончи, С. Долимов, Ҳ. Убайдуллаев, Қ. Аҳмедов сингари машҳур усулиётчи олимлар томонидан яратилган «Адабиёт ўқитиш методикаси» қўлланмасида, А. Зуннунов, Н. Ҳотамов, Ж. Эсонов, А. Иброҳимов каби муаллифлар томонидан ёзилган ва 1992 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Адабиёт ўқитиш методикаси» қўлланмасида бадий асарларни мактабда ўрганиш йўллари ҳақидаги кузатишлар, А. Зуннуновнинг адабиёт ўқитувчилари учун яратган «Бадий асар таҳлили методикаси» китоби ва бошқа бир қатор тадқиқотлардаги соғлом фикрларга суянган ҳолда иш кўриш кўзда тутилади.

Дидактик таҳлилни уюштиришнинг назарий асосларини белгилашга киришишдан олдин ўқув таҳлилининг илмий таҳлилдан фарқи нималарда эканлигини аниқ-

лаб олиш лозим бўлади. Аслида дидактик таҳлил ҳам бадиий матннинг сирини кашф этишга, муаллифнинг киятини англашга, асар жозибасини таъмин қилган жиҳатларни аниқлашга қаратилган фаолиятдир. Ўқув таҳлили бир қатор қирралари билан филологик таҳлилдан муайян даражада фарқ қилса ҳам унга зид нарса эмас. Ҳар қандай дидактик таҳлил илмий таҳлил даражасига кўтарилишга интилади ва филологик таҳлил даражасига етганда ўқув таҳлилидан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришилган бўлади. Айни вақтда бадиий асарни дидактик таҳлил қилиш филологик таҳлил этишдан жиддий фарқ ҳам қилади.

Ўқув таҳлили илмий таҳлил сингари фақат илмий-эстетик фаолият бўлиб қолмай, балки педагогик-психологик жараён ҳамдир. Чунки педагогик мақсадга йўналтирилганлик ҳар қандай дидактик таҳлилнинг асосий белгисидир. Агар филологик таҳлил ёлғиз олимнинг ақлий фаолияти натижаси бўлса, ўқув таҳлили одамлар билан бевосита мулоқот мобайнида амалга ошириладиган жараёндир. Илмий таҳлилда текширилаётган, тадқиқ қилинаётган бадиий матн ва у ҳақдаги хулосаларни қабул қилувчи кишилар ё умуман тасаввур этилмайди, ёхуд тасаввур қилинганда ҳам «кўзда тутилган» ўқувчи ғоят мавҳум қиёфага эга бўлади. Дидактик таҳлилда эса таҳлил қаратилган одамлар таҳлил жараёнида бевосита иштирок этадилар ва барча ақлий-эстетик ҳаракатлар ана шу иштирокчиларнинг имкониятлари ва савияларига мослаштирилган ҳолда амалга оширилади. Ўқув таҳлилинини амалга оширишдан мақсад бадиий асарни тўғри қабул этиш орқали ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантириш бўлса, филологик таҳлилдан мақсад асарнинг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини имкон қадар тўлиқ очиб беришдан иборатдир. Дидактик таҳлилнинг вазифаси бадиий асарнинг жозибасини, сирини, ўзига хослигини, таъсир кўрсата олиш сабабларини аниқлаш орқали талабаларда таъсирчан қалб, ҳассос туйғулар, соғлом эстетик дид, равон ва ифодали нутқ шакллантириш бўлса, илмий таҳлилнинг вазифаси текширилаётган асарнинг жамият ижтимоий тафаккурига таъсири ва миллий бадиият хазинасида тутган ўрнини аниқлашдан иборатдир.

Дидактик таҳлил илмий таҳлилдан фарқ қилиб, мантикий силлогизм (хулоса, қонуният)ларнинг ўзигагина таяна олмайди. Негаки ўқув таҳлилида ҳамшиша маъ-

лум ёшдаги, муайян синфдаги, ўзига яраша ҳаётий тажрибага ва ўз ёши ҳамда тараққиёт даражасига мос билимга эга бўлган ўқувчилар билан иш кўришга тўғри келади. Илмий таҳлилда эса таҳлилчи бу хилдаги чеклашни ҳисобга олмайди. Бунинг устига, ўқув таҳлили вақт жиҳатидан ҳам чекланган бўлади ва таҳлил доимо бир дарс мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган эстетик-мантиқий ҳаракатлардан иборат бўлади. Шу маънода ўқув таҳлили мактаб умумпедагогик жараёнининг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Филологик таҳлилда тадқиқотчи вақт жиҳатдан ўзини чекламаган ҳолда иш кўради. Таҳлилловчи учун бадий асарнинг бутун сирини тўлиқ намоён этишдан бўлак мақсад йўқ. Бадий асарнинг чекланмаган, адоғи йўқ гўзаллиги билан иш кўраётган адабиёт ўқитувчиси эса ўқувчилар ақлий ва ҳиссий имкониятларининг чекланганлиги, муайян асарни ўрганишга ажратилган вақтнинг чегараланганлиги билан ҳамisha ҳисоблашишга мажбур бўлади.

✓ Тўғри амалга оширилган дидактик таҳлил ўқувчининг бадий маданиятини юксалтиради, эстетик ҳодисаларни кўриш ундан мантиқий-ҳиссий таъсирланиш ва улар таъсирида умумлашма хулосаларга келиш қобилиятини шакллантиради. Чунки бадий асар таҳлил қилинаётганда тарбияланувчиларнинг тафаккури ва ҳиссиёти фаол ишлашга мажбур бўлади. Фикрий ва ҳиссий зўриқиш ўқувчиларни маълум мантиқий ва эстетик умумлашма хулосаларга олиб келади. Бу умумлашма фикрлар бадий асардаги воқеалар таъсирида пайдо бўлган жўнгина хулосалар эмас, балки тарбияланувчи мантиқий-ҳиссий фаолиятининг муайян якунлари тарзида намоён бўлади.

Шакл ва мазмун тушунчаси, аслида, бир-бирига зид бўлмаган ва бири бошқасини тақозо этадиган эстетик тушунчалардир. Бадий шаклнинг бадийлиги шундаки, у муайян бадий мазмун ташийди, бадий мазмун эса фақат ақлга эмас, балки ҳиссиётга ҳам таъсир этадиган шаклда ифода этилиши билан фалсафий маънодаги мазмундан фарқ қилади. Шундан кўринадики, мазмун бирламчими ёхуд шакли сингари баҳслар атай ўйлаб топилган ва санъатни мафкурага бўйсундиришга қаратилган юмушлардир. Бу гўё жон муҳимроқми ёхуд тана деган баҳсга ўхшаб кетадиган, самарасизлиги бошданок аён бўлган тортишувдан бошқа нарса эмас. Бадий асарнинг шакли билан мазмуни бир-биридан ажратиб



бўлмайдиган, шу боисдан ҳар иккови ҳам бир пайтда бирламчи аҳамиятга эга тушунчалардир.

Ўқув таҳлилида нимага кўпроқ эътибор бериш керак: шаклгами ёхуд мазмунга? Ёки бадий асардаги шаклдан мазмун сари бориш керакми, аксинча мазмунни англашдан шаклни талқин қилиш сари келиш маъқулми қабилдаги саволларга жавоб бериш фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Агар амалдаги адабий таълимда мазмун тушунчасига ғояга айланган фикр тарзида қараш ҳукмрон бўлмаганда ва ҳар қандай асарга, аввало, қандай ғояни илгари суради, деган ижтимоий савол бериш устивор бўлмаганда шакл ва мазмун сингари айрилмас бутунлик ҳақида бу таҳлит масала қўйиб ўтирилмас эди. Ҳолбуки ҳозирги ўқитувчиларимиз ва таълим тизимида иш кўрувчи барча катта-кичик мутасаддилар бадий асардан ғоя қидиришади ва шу боис исталган бадий асар таҳлилдан «кўряпсизларми, буюк шоир мана бундай демоқда...» қабилда хулоса чиқаришни талаб этишади. Шунинг учун ҳам биз бу масалани атай бўрттириброқ кўрсатишга уринаймиз ва айтамызки, ўқув таҳлилда шаклдан мазмун сари бориш керак. Шаклнинг гўзаллигини кашф этиш имкониятлари чексиздир ва шу боис ўқувчиларга фаолиятнинг чексиз имкониятлари очилади. Шаклнинг қирралари кашф этилгани сари ундан чиқадиган бадий мазмун теранлашиб, хилма-хиллашиб бораверади.

Таҳлил асардан ғоя қидиришдан бошланадиган бўлса, ўқувчилар яна ақидага, ҳукму хулосага дуч келишади. Ақида бор жойда хаёлот парвозига ўрин қолмайди. Хаёлот парвози тўхтаган жойда адабий таълим ҳам йўққа чиқади. Айниқса, мўъжизакор лирик асарлар таҳлилга тортилганда, ўқувчиларни дарҳол ақидага етаклаб келмаслик лозим. Уларга бадий либос замиридаги жозибадан мустақил баҳраманд бўлиш имконини бериш керак. Чўлпоннинг «Бинафша», «Гўзал», Усмон Носирнинг «Юрак», Ҳамид Олимжоннинг «Ҳолбуки тун», «Гўзал», Рауф Парфининг «Тонг отмоқда», «Ёмғир ёғар», Омон Матжоннинг «Кўшиқ» сингари шеърий асарлари мактаб дастурида ўрганиш учун тавсия этилган. Бу асарларнинг таҳлилга осон бўй бермаслиги ҳам мукамал бадий шаклга эгаллигида ва чуқур мазмун гўзал шаклнинг сеҳрли қаърига беркитилганидадир. Бу асарларнинг илоҳий либосга буркангани

фақат воқеаларни мантиқий тушунчалар мезони билан «таҳлиллаш»га одатланиб қолган ўқитувчиларни шошириб қўяди ва улар ёмғирнинг шиғалаб ёғишидан қандай мазмун чиқариш кераклигини билиша олмай сарсон бўлишади.

Бадий адабиётнинг вазифаси, бадий таҳлилнинг иши қандайдир воқеаларни билиш ва айтиб бериш эмас, балки инсон руҳиятининг образли ифодасини ҳис этиш эканини баъзиларнинг тушуниши даргумон. Юқорида саналган асарларни ўрганишда мазмунни англашга тутинишдан иш бошлаган ўқитувчи бу шеърини асарларнинг бутун жозибасини, ўзига хослигини йўқотади. Мазмун излашга зўр берган ўқитувчи ўз-ўзидан беихтиёр бадий матндан узоқлашиб бораверади. Бадий матн соҳирлиги эса ўқувчи назаридан четда қолаверади. Биргина «Ёмғир ёғар» шеърини таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Томчилар томчилар сочимга,  
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,  
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга...

Рауф Парфининг уч тўртликдан иборат мўъжазгина шеъри шу тахлит бошланади ва унинг тенг ярми — олти мисраси «Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар» сатрлари такроридан иборатдир.

Ўқитувчи мисралар замирига яширинган жозибани топишга тарбияланувчиларнинг эътиборини қаратишдан иш бошлаши керак. Шиғалаб ёғаётган эзгин ёмғир, ёмғир тагида руҳи гоҳ маҳзун, гоҳ хушнуд шоир, сочларга томаётган томчилар, ёғаётган ёмғирнинг лирик қаҳрамон қайғусига ҳам, қувончига ҳам барабар томчилаётгани тасвири ўқувчилар руҳий ҳолатида безовталиқ пайдо қилади. Улар ёмғир тагида турган нозик таъб лирик қаҳрамон ҳолатини ҳис қиладилар, унинг кечинмаларини ёғаётган ёмғир сингари моддий нарса тарзида кўз олдиларига келтирадилар. Шоир ёмғир ёғаётгани ҳақида хабар бермайди, балки ёмғирни шеърхон кўз ўнгиде «ёғдиради». Ўқувчи ёмғирнинг беҳудуд шитирини, чаккиллаб томаётган томчиларни мисраларга жў қилинган сўзлар орасидан топади. «Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, Томчилар томчилар сочимга..» мисраларидаги кетмакет такрорланаётган «ч» товуши чаккиллаб томаётган

томчининг оҳангини беради. Айни вақтда ёнма-ён кел-  
лаётган томчилар сўзи икки маънода қўлланилаёт-  
тир ва ўқувчи нима учун бир сўзнинг (томчилар) икки  
бор такрорланишига диққат қилиш жараёнида унинг ик-  
ки маъно ташишини кашф қилади ва биринчи бўлиб қўл-  
ланган «томчилар» от сўзлар туркумига мансуб бўлиб  
урғу «и» товушига тушишини, кейинги «томчилар» сў-  
зи эса феълга мансуб бўлиб, урғу «о» товушига туши-  
шини билиб олади. Бир қарашда тамомила бир хил бўл-  
ган икки сўзнинг ёнма-ён қўлланилишидан ўшанча ба-  
дий маъно топа билиш ўқувчининг хаёлот оламини  
кенгайтиради, олам гўзаллигини теранроқ ҳис қилишга  
йўл очади. Шиғалаб ёғаётган ёмғир сеҳрига берилиб ём-  
ғирни унутган, унинг сеҳрли мусиқасига асир бўлган  
шоирнинг кўнгли ҳам ёмғирга айланади ва шеър сўнги-  
да шундай мисралар қуйилиб келади: «Ёмғир ёғар, ши-  
ғалаб ёғар, Ёға бошлар қоғозга кўнгил». Шеър таҳли-  
лига тўғри йўналтирилган ўқувчилар асар бадийяти  
шаклга моҳирлик билан жойланганлигини топа олади-  
лар ва бу нарса уларнинг нафақат ҳиссий ривожига,  
балки тафаккур тараққиётига ҳам таъсир кўрсати-  
ши шубҳасиздир. Демак, ўқув таҳлилини шаклни кашф  
қилишдан бошлаш ундан келтириб чиқариш мумкин бўл-  
ган бадий мазмунни йўққа чиқармайди, балки унинг  
таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Баъзан шеърдан фақат маъно қидириш, уни жўн,  
тўпори маиший ўлчовлар билан баҳолашга уриниш асар-  
нинг бутун гўзаллигини оёқ ости қилади. Бадий асар—  
жонли вужуд, дахлсиз бутунлик. Тирик одамнинг бирор  
мучасини бошқа ерга кўчириб бўлмаганидек, чин ба-  
дий асарга ҳам тегиниб, ўзгартириб бўлмайди. Унинг  
яхлитлигига дахл қилиндими, энди у ўзининг бадийли-  
гидан ажралади. Масалан, Э. Воҳидовнинг «Ихлос»  
номли шеърдаги тўрт мисрани оддий мантиқ талабига  
мувофиқ ўзгартирилса, асардаги бутун жозиба йўққа  
чиққанини кўрамыз:

Йигит қайтди орзулари ёшдек тўкилиб,  
Барбод бўлди қалбидаги буюк эҳтирос.  
Тасодифий бир ҳолатнинг қурбони бўлиб,  
Сўнди у кун пок юракдан буюк бир ихлос.

Энди бу тўртликнинг бирорта ҳам сўзини ўзгартирма-  
ган ҳолда фақат грамматик қоидаларга мувофиқ жой-

лаштириб чиқамиз: «Йигит орзулари ёшдек тўкилиб қайтди. Қалбидаги буюк эҳтирос барбод бўлди. Буюк бир ихлос тасодифий бир ҳолатнинг қурбони бўлиб, у кун пок юракдан сўнди». Биз мантиқий — грамматик жиҳатдан тўртликдаги гапларни жуда тўғри жойлаштирдик, ammo гўзал бадий ҳодисани йўққа чиқардик. Қўринадики, бадийят учун шакл устивор аҳамият касб этар экан. Асл бадий асарларда сўз эмас, балки бирор товуш ёки белги ўзгартириб юборилиши ҳам катта эстетик талофатларга сабаб бўлади. Хуллас, дидактик таҳлилда ўқувчига бадий шаклни ҳис этиш, унинг қирраларини кашф қилиш йўллари ўргатилса, ундан келиб чиқадиган бадий маънони илғаб олишга муваффақ бўлинади.

Шуни айтиш керакки, адабий таълим амалиётида дидактик таҳлилда я х л и т л и к тамойилига амал қилиш соф техник сабабларга кўра ҳам қийинлаштириб юборилган. Чунончи, мамлакатимиздаги барча мактаблар олти соатлик ўқиш кунинда олти хил ўқув предмети ўрганилишини кўзда тутадиган тартибда ишлайди. Бинобарин, бирор адабий асарнинг таҳлилига киришган ва бу юмушни бир соат мобайнида тугатишга улгура олмаган ўқитувчи орадан уч-тўрт кун ўтказибгина мазкур асар ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттира олади. Ўтган кунлар мобайнида ўқувчиларнинг асардан олган таассуротлари бирмунча хира тортиб, дастлабки дарсдаги руҳий ҳолатга тушмасликлари мумкин. Бу эса адабий асарнинг эстетик таъсирини йўққа чиқаради. Маълумки, адабиёт дарслари руҳият машғулотлари, кайфият, кечинма ва ҳиссиётлар жунбушига асосланадиган фаолиятдир. Уч кун олдинги кайфиятни эса тиклашнинг асло имкони бўлмайди.

Ўқув таҳлили учун зарур бўлган ҳиссий асос яратмай туриб, ўқувчиларнинг туйғуларини ром этмай туриб эса таҳлилга киришишдан ҳеч қандай самара бўлмайди. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта мактабларда адабиёт бўйича ўтказиладиган машғулотларни имкон қадар яхлит **циклларга** айлантириш зарур. Агар ўқувчи бир кун мобайнида фақат адабиёт билан шуғулланса, унинг тафаккур кучи ҳам, руҳий имкониятлари ҳам бадий матн билан ишлашга йўналтирилса, ўқув куни давомида санъат олами ичида яшаса адабиёт дарсларидан кутилган натижаларга тезроқ эришиш мумкин бўлади. Мамлакатимиздаги медицина ўқув юртларида бирор фан

асослари ўргатила бошланса, ўша фан тугатилмай туриб талабалар бошқа фанни ўрганишга киришмайдилар. Фан тўлиқ ўзлаштириб олинган ва у бўйича топширилиши лозим бўлган синов—имтиҳонлар ҳам ўтказилгачгина бошқа бир фан билан шуғулланишга киришилади. Айни шу тажриба адабий таълим учун ҳам ғоят мос ва фойдалидир. Шунинг учун айрим ўрта умумтаълим мактабларида ҳамда олий ўқув юртларининг филология факультетларида машғулотларнинг цикл тарзида олиб борилишини тажриба қилиб кўриш ва натижаси кўнгилдагидек бўлса, тўлиғича адабий таълим ишига жорий қилиш керак.

Дидактик таҳлилда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллардан яна бири тизимлиликдир. Мазкур тизимлилик тамойили яхлитлик тамойилининг мантиқий давоми бўлиб, бадий асарни ташкил этган қисмларнинг муайян тизимий кўринишга эга эканлигини кўзда тутди ва таҳлилда шу ҳолатни ҳисобга олиш кераклигини талаб қилади. Асл санъат асарида бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган бирор бадий унсур учрамайди. Кўчим, портрет, ўхшатиш, манзара, муболаға, кичрайтириш сингари бир қанча тасвир воситалари ҳамда тасвир услублари бир асар вужудида тасодифий равишда йнгилиб қолмайди. Уларнинг айни шу асарда, айни шу тартибда гуруҳлашувининг ички мантиқий қонунияти мавжудки, ўқув таҳлили мобайнида айни шу қонунят очилиши керак. Шунинг учун ҳам таҳлилни уюштиришга тутинган адабиёт ўқитувчиси тизимлилик тамойилига ёғишмай амал қилиши лозим. Тизимлилик тамойили бадий асар тузилишини бадий яхлитликнинг тузилиши тарзида қарашни кўзда тутди. «Ўғри» ҳикоясидаги амин портрети асарнинг умумий мазмунидан узилган ҳолда, шунчаки персонажнинг қандай қиёфали эканини билдириб қўйиш учунгина тасвирланган эмаслиги, балки айни шу портрет тасвири асар яхлитлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги таҳлилловчилар назаридан қочмаслиги зарурдир. Зеро, шу портрет тасвирисиз аминнинг Қобил бобога муносабати тушунарли бўлмас эди.

Мактабда ўрганиладиган бадий асарни таҳлил этишда ҳамisha суяниладиган тамойиллардан бири тарихийлик тамойилидир. Гарчи биз бадий асарга тарихнинг эстетик инъикоси деб қарашни тўлиқ инкор этсак-да, ҳар қандай адабий асарнинг муайян за-

монда, муайян тарихий шароитда, аниқ вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилганини ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзаралари ҳам муайян тарихий даврдаги вазиятнинг натижаси эканини кўзда тутамиз. Таҳлилга тортилган ҳар қандай бадий асарнинг яратилган даврини ва имкони бўлса, бу асарнинг яратилишига туртки бўлган асл сабабни билмай туриб уни тўғри ўрганишнинг имкони йўқ. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса, ўқувчи қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ҳам, уларни фаолиятга ундаган сабабларни ҳам тушуна олмайдилар. Замоनावий ўзбек адибларининг аксар асарларига тарихийлик тамойилига таянмай туриб, фақат эстетик мезонлар билан ёндашишнинг ўзи ўқувчиларни мақсадга олиб келмайди. Чунки агар мумтоз адабиётнинг асл намуналари яралишиданоқ соф санъат асари тарзида дунёга келган бўлса, санъаткор аждодларимиз учун бадий шакл устивор мақомда бўлса, замоनावий ижодкорлар учун ўзгача ҳолат хосдир. Ташқи таъсирларга берилган, оламни эстетик идрок этишда шарқона ўзига хослик чегарасини бузиб, умумжаҳон йўналишига тушган ҳозирги ўзбек адабиёти намояндаларининг деярли барча чинакам асарлари бирор ҳаётий туртки туфайли вужудга келган ва ўша тарихий шароит ҳисобга олинмаса, асарни тўғри тушуниш ва тушунтиришнинг имкони йўқ. Чунончи, Ғафур Ғулومнинг «Сен етим эмассан», Э. Воҳидовнинг «Нидо», «Руҳлар исёни», Рауф Парфининг «Абдуллажон марсияси», «Чўлпон», «Она Туркистон», О. Матжоннинг «Кўрдим Шукур Бурҳон...», «Қайси йил кўкламда Жайхун бўйида» сингари асарларини таҳлиллашда тарихийлик тамойилига таянмай туриб самарага эришиб бўлмайди.

Адабий асарни дидактик таҳлил қилишдаги асосий тамойиллардан бири эстетик асосларнинг устиворлиги тамойилидир. Педагогик амалиётда бадий таҳлилдан мақсад нима эканлиги ҳаминша ҳам тўғри белгилаб олинавермаганлиги учун эстетик асосларнинг устиворлиги тамойилига кўпинча амал қилинмайди.

Янгиланган педагогик тафаккур фақат маънавиятгина инсоннинг инсонлигини белгилайдиган омил эканини англади ва бадий асарларга, аввало, эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш, унинг гўзаллиги сирларини очиш, ундан завқланиш бой маънавиятни шакллантириш воситаси эканлигини кўрсатиб берди.

Бадий асар инсон руҳияти манзараси бўлгани боис ўқувчиларни энг инсоний, энг таъсирчан туйғулар тасвири акс этган ҳолат билан юзма-юз қилади. Шу тариқа болалар ўзга одамларнинг руҳиятига ошно этилади. Кўпинча, одамлар ўз руҳиятини англай олмай юрган бир пайтда талабаларимиз ўзгаларнинг кечинмаларини тушунишга, ҳис этишга одатланишади. Натижада, болаларнинг туйғулари ўткирлашади, фикрлари теранлашади, кечинмалари такомиллашади ва хатти-ҳаракатлари эзгуликка қаратиладиган бўлади.

Таҳлилда эстетик асослар устивор бўлсагина ўқувчиларнинг қалб кўзи очилади ва улар туйғусизликдан, ҳиссий карликдан қутуладилар.

Асардаги нафосатни, зарифликни англаш учун асар бадий қатламларини кашф этиш зарур. Бунинг учун муайян адабий билимлар мажмуидан ташқари, эстетик фаросат ва гўзалликни қидира билиш малакаси ҳам шаклланган бўлиши керак. Яширинган гўзалликни топишнинг ўзи бўлмайди. Ўқувчилар таъсирчан юракка нозик туйғуларга эга қилиб тарбияланган бўлсалар ва ўқитувчи уларда бадий матндан эстетик гўзаллик кашф эта билиш кўникмаларини шакллантирган бўлса, асарнинг жозибаси очилади. Бадий асар эстетик таҳлилга тортилмай туриб жавоби берилмаган тест саволларига ўхшаш номаълумликдир. Бу номаълумликни очадиган мантиқий-эстетик «калит» мавжуд. Бадий таҳлил айти шу «калит» вазифасини бажаради. Ўқув таҳлилин юқори савияда, эстетик асослар устиворлигида ўтказиш нозик сезимларни илғашга калит топиш демакдир.

Дидактик таҳлилда эстетик асосларга етарли эътибор бермаслик ўрганилаётган асарни фақат мантиқий силлогизмлардангина иборат қилиб қўяди. Таҳлилга бу ҳилда ёндашиш асл санъат асарларини йўққа чиқариши мумкин. Ҳазрати Навоийнинг «Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт, Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушди ўт» матласи билан бошланадиган ғазалини фақат мантиқий тушунчалар нуқтаи назаридан таҳлил қилмоқчи бўлган киши бу асардан ҳеч қандай гўзаллик ҳам, чуқур фалсафий маъно ҳам топа олмайди. Бу асарга эстетик бутунлик ва юксак руҳий ҳолат ифодаси тарзида ёндашилгандагина унинг жозибасини ҳис этиш мумкин бўлади. Қип-қизил бўлиб очилган чексиз-чегарасиз лолазор қўйнида турган қалби гўзалликка ташна лирик қаҳрамон. У маъшуқасига ета олмай

шунчалар куядики, ичи оловга тўлиб кетган. Унинг назарида бепоён, уфқларга қадар туташиб кетган қизиллик лолазор эмас, балки ғамбода қалбли ошиқнинг биргина оқидан дунёни тутиб кетган олов. Лолазор бориб туташган уфқ тепасидаги қизиллик ҳам шафақ нури эмас, балки ошиқнинг оқидан чиққан олов ерни ёндириб бўлиб, уфқ осмонга туташган жойда кўкка ўрлади ва энди осмон ҳам бир чеккасидан ёниб келмоқда.

Эстетик асослар устивор тарзда амалга оширилган таҳлил туфайлигина асарнинг бутун гўзаллиги намоён бўлади. Уқув таҳлилига эстетик тамойил асос қилиб олинганда муаллиф томонидан яратилган образли эстетик реалликка кириш, бадиий воқеликнинг ички қонуниятларини кашф этиш мумкин. Ҳар қандай ижодкор ёзганларини кўпчилик тушунишини, ҳис этишини истайди. Лекин бунинг учун оммани аллома, ижодкор даражасига кўтариш тақозо этилади. Бадиият бағридаги яширин гўзалликни сезмаслик кишининг фақат нафосат ва маънавият нуқтаи назаридан камолотга эришмаганлигини билдирмайди, балки унинг ақлий тараққиётда ҳам етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи бадиий асарни таҳлил қилганда ўқувчиларининг гоят нозикфаҳм ва таъсирчан бўлишларига эришиш ниятини ҳам амалга оширишни кўзда тутган бўлиши керак.

Адабий асарларни таълимий таҳлил қилишда и н д и в и д у а л л и к тамойили ҳам катта ўрин тутади. Бадиий асар—ижод маҳсули. Ҳар қандай ижод ҳамиша ҳам алоҳида шахснинг алоҳида фаолияти натижасидир. Бинобарин, индивидуал, алоҳида шахснинг алоҳида ўзига хос, индивидуал фаолияти маҳсули бўлмиш бадиий асарни синфдаги барча ўқувчига бирваракайига, ёппасига бериш, етказиш мумкин эмас. Ижодкор юракдан чиққан ҳосилани ёш юракка етказиш орқали ўқувчи шахсини шакллантириш адабий таълим олдидаги мақсад ҳисобланар экан, юракнинг умумий бўла олмаслигини, синфдаги ҳар бир ўқувчининг ўзига хос руҳияти, кечинмалар тизими, таъсирчанлик хусусиятлари, эстетик тажрибаси борлигини ҳисобга олиш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин эканлиги аён бўлади.

Бадиий асар таълимий таҳлил этилар экан, ўқитувчи «умуман ўқувчи»ни эмас, балки аниқ ўқувчини кўз олдига келтирмаса, ижобий натижага эриша олмайди. Чунки талаба қалбига, руҳиятига таъсир кўрсатмоқ



учун унинг қалби ва руҳиятига хос сифатлар ҳақида аниқ тасаввур бўлиши лозим. Бу ҳақда аниқ маълумот бўлиши учун ҳар бир ўқувчи шахси пухта урганган ва таҳлил жараёнида болалар руҳиятидаги ўзига хослик тўлиқ ҳисобга олинган бўлиши шарт.

Ҳозирги мактаб амалиётидаги энг катта нуқсон шундан иборатки, бадий асар таҳлили жараёнида индивидуаллик тамойилига деярли эътибор қилинмайди. Урганилаётган асар синфдаги барча болалар учун бир хилда «умуман» талқин қилинаверади. Натижада ҳар бир алоҳида олинган боланинг туйғулари дарчаси бадий асар учун ёпиқлигича қолаверади. Ҳолбуки туйғуларга таъсир қилиш учун қалбни чўғлантириш, ўқувчиларнинг тафаккурини ҳам, ҳиссиётларини ҳам фаоллаштириш, мувозанатдан чиқариш, бепарқликдан халос этиш керак. Шундагина талаба таҳлилланаётган асарга қизиқади.

Бадий асарни алоҳида шахс сифатида қабул қилиш инсонни биологик мавжудотликдан қутқаради, уни ижтимоий зотга айлантиради. Одамнинг ҳаётига руҳ, гўзал мазмун беради, уни таъсирчан, нурли қилади. Ўқув таҳлилининг индивидуаллиги тамойилига риоя этиш ўқитувчидан жуда кўп меҳнат, кучли ақлий-руҳий зўриқишни талаб этади. Негаки, айти бир вақтда ҳамма билан бирдай ва ҳар бир бола билан алоҳида ишлай олиш малакасига эга бўлиш ўқитувчи учун осон эмас.

Дидактик таҳлилни самара билан амалга оширишда ҳиссийлик тамойили ҳам катта ўрин тутади. Бадий адабиётнинг ўзи ҳиссиётга асосланган ҳодиса эканлигини кўриб чиқдик. Демак, адабиётни ўқитиш иши жуда кўп даражада ҳиссийлик билан боғлиқ эканлиги аён ҳақиқатдир. Чунки бадий асар билан амалга ошириладиган ҳар қандай жараён ҳиссиёт иштирокидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. «Бошқа ўқув предметларидан фарқли равишда ҳиссий йўналиш адабиёт дарсларининг айрим алоҳида босқичларига эмас, балки барча босқичларига хос ва адабий таълимни тўлигича қамраб олади»,— деб ёзади Россияда танилган методистлардан В. А. Кан-Калик ва В. И. Хазанлар «Мактабда адабиёт ўқитишнинг педагогик-психологик асослари» номли монографияларида. Чиндан ҳам адабиёт ўқитиш умумтаълим мактабларидаги ўзга ўқув предметларини ўргатишдан, асосан, ўзининг ҳиссий йўналиши билан фарқланади. Шунинг учун ҳам мактаб-

ларда таҳлил қилиниши лозим бўлган бадий асарларга муносабатда ҳиссийлик тамойилининг асосий ўринлардан бирини тутиши табиий ҳол ҳисобланади.

Ўқитувчи таҳлилни шундай уюштириши керакки, адабиёт дарсларида берилаётган ҳар бир маълумот, ўқув таҳлилини амалга ошириш учун қилинган ҳар бир ҳаракат ўқувчиларнинг туйғулари оламига дахл қилиши, уларда муайян ҳиссиёт уйғотиши шарт. Ҳиссиёт уйғотиш тамойили зўракиликни, ясамаликни, сунъийликни ҳазм қилмайди. Ҳиссиёт уйғотиш дегани чучмал иборалар воситасида фикр баён этиш дегани эмас, балки ўқувчиларни таҳлил қилинаётган асарнинг бадий қатламларига олиб кириш, қаҳрамонлар ва муаллиф ҳолатига тушиш, уларнинг қайғу ва қувончларини ҳис этиш демакдир. Афсуски, адабиёт ўқитиш тажрибасида ҳиссийлик тамойилига ҳамиша ҳам амал қилинмайди ва таҳлил кўпинча ялтироқ ва бетаъсир сўзлар йиғиндисидангина иборат бўлиб қолади. Бадий матннинг ҳақиқий қийматини кўрсатиш, унинг жозибасини кашф этиш ўрнига қолипга тушиб қолган «гениал сўз санъаткори», «мумтоз адабиётимиз чўққиси», «миллий адабиётимизнинг ёрқин намояндаси», «адабиётимизнинг даҳоси», «адабий тилнинг асосчиси», «ҳаққоний акс эттиради», «аёвсиз фош этади», «ҳажв ўти билан куйдиради» ва ҳ. к. шаклдаги эпитетларни ишлатиш билан кифояланиш ҳозирги ўқув таҳлили тажрибасида жуда кенг ёйилган ҳолатдир.

Бадий таҳлилда ҳиссийлик тамойилига амал қилинмаса, бадий асарнинг матни эмас, балки у ҳақдаги хулоса, ҳукм муҳим бўлиб қолади.

Бадий матн билан танишган ва танишмаган ўқувчи ўрганилиши керак бўлган асар ҳақида бир хилда сўзлай олиши мумкин бўлади. Чунки бадий матннинг ўзи амалдаги педагогик тизим учун муҳим эмас. Умуман тўғри, умуман илмий хулосалар айтилаверса, ялтироқ, аммо бадий асарнинг моҳиятини очишга мутлақо хизмат қилмайдиган, бадий матн билан бевосита таниш бўлишни талаб этмайдиган чиройли, ҳашамдор сўзлар ўрганиб олинса, бадий таҳлил амалга оширилмоқда деб ҳисобланилади.

Ўқув таҳлилини фақат ўрганилаётган асардан мантиқий хулоса чиқариш тарзида тушуниш ва таҳлиллаш жараёнида ҳиссийлик тамойилига эътибор бермаслик ўқувчиларни адабиёт дарсларидан бездиради. Бу хилда-

ги машғулотларнинг ширасини, жозибасини йўққа чиқаради.

Дидактик таҳлил ўқувчиларда маънавий қадриятларни шакллантиришга қаратилганлиги учун ҳам унда педагогик мақсадга йўналтирилганлик таъмоилининг муҳим ўрин тутиши англашиларилидир. Ўқув таҳлили филологик таҳлилдан асосан, шу жиҳати билан айрилиб туради. Яъни дидактик таҳлилдаги ҳар бир фаолият ўқувчиларда маънавий фазилатларни шакллантиришни кўзда тутишга қаратилади. Илмий таҳлил учун эса мантиқий ва эстетик ҳақиқатни юзага чиқариш муҳим саналади. Адабиётшунос олим бадий матн моҳиятига етиб, унга жойланган маъноларни, сиртдан қараганда кўзга ташланмайдиган сезимларни очишга интилади.

Ўқув таҳлили жараёнида ўқитувчи ҳам худди адабиётшунос олим амалга оширган ҳаракатларни бажаради, лекин ўқитувчи учун бу ҳаракатларнинг ўзи мақсад бўла олмайди. Тарбиячининг мақсади — ўқувчи шахсини юксак маънавий қадриятлар асосида шакллантириш. Айтиш мумкинки, адабиёт ўқитувчиси зиммасидаги юк адабиётшунос ёки нафосатшунос олимникига қараганда залворлироқ. Чунки олимлар, асосан, мантиқий тушунчалар билан иш кўрадилар ва фикрларининг илмий жиҳатдан самарали бўлиши тўғрисидагина бош қотирадилар. Адабиёт ўқитувчиси эса буларнинг устига билдираётган фикрлари, чиқараётган хулосалари, изҳор қилаётган туйғулари тарбиявий характерга эга бўлиши кераклиги тўғрисида ҳам ўйлаши лозим бўлади. Мактабда бадий асарни ўрганиш муаммолари билан атрофлича шуғулланган ва бу ҳақда бир қатор қимматли илмий хулосалар чиқарган олим В. Коровин илмий ва ўқув таҳлили ҳамда уларнинг ижрочилари ҳақида шундай ёзади: «...агар олимнинг вазифаси бадий асарнинг мураккаб бир бутунлик сифатидаги моҳиятини кўрсатишдан иборат бўлса, ўқув таҳлили нафақат бадий асарнинг объектив маъносини очиш, балки унинг ёрдамида ҳар томонлама етук ўқувчи шахсини шакллантиришни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Шу боисдан иккиёқлама вазифани бажара оладиган воситаларни топиш керак бўлади»<sup>1</sup>. Мактаб адабий таълимининг бар-

<sup>1</sup> Коровин В. Я. Анализ художественного произведения в курсе литературы IV—VII классов. М., «Просвещение», 1977, стр. 32.

ча босқичларида таҳлилга тортилган ҳар қандай бадий асар ҳажмидан, жанридан қатъи назар, албатта, педагогик мақсадга йўналтирилганлик тамойилига амал қилинган ҳолда ўрганилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Дидактик таҳлилнинг юқорида тўхталинган зарурий тамойилларига амал қилиб иш кўрган адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш бобида ўз олдида турган вазифаларни бекаму кўст уддалай олади.

## ДИДАКТИК ТАҲЛИЛДА УЎҚИТУВЧИ ВА УЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИ

Ўқув таҳлилини такомиллаштириб, чуқурлаштириб, филологик таҳлил даражасига кўтариш ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг олий мақсади. Лекин адабиёт муаллими турли хил қизиқишга эга ёшлар билан иш кўрганлиги учун ҳам барча талабалардан бир хилда, олимларча фикр қилишни талаб этишга ҳақли эмас. Ўқитувчи эришиши шарт бўлган энг юқори педагогик муддао—талабаларнинг таъсирчан қалб, олижаноб фазилатлар эгаси қилиб шакллантирилишидир.

Дидактик таҳлил ҳар бир адабиёт ўқитувчиси учун доим ҳам икки босқичли жараён ҳисобланади. Биринчи босқичда ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида эртага синфда ўрганиладиган асарни таҳлил этади, бунини ўқитувчининг яқка тартибдаги таҳлили дейиш мумкин. Иккинчи босқичда эса ўқитувчи синфдаги ўқувчилар ҳамкорлигида дарсда муайян асарни таҳлил этишади, бунини жамоа ёрдамида таҳлил қилиш деймиз. Аслида бу икки босқич бир жараённинг турли шароитларидаги кўринишлари ва шу боис бир-бирига асло зид эмас. Лекин айни вақтда бу икки фаолият турини фарқламасликни ҳам тўғри деб бўлмайди. Негаки ўқитувчи бадий асар билан ёлғиз учрашганда, уни хаёлан дидактик таҳлил қилганда, эртанги педагогик вазиятни, ўқувчилар ҳиссиётининг намоён бўлиш тарзини, ўзининг кайфиятини олдиндан тўлиқ билиши мумкин эмас. Ёнобарин, жамоа таҳлили жараёнида яқка тартибдаги таҳлилнинг айрим қирраларига муайян таҳрирлар киритилиши, айрим

ўринларга кўпроқ эътибор қаратилиши, ўқувчиларда ижобий туйғулар уйғотадиган ўринларга урғу берилиши табиийдир. Чунки адабиёт дарси — ижод. Ижодда эса ҳамма нарсани олдиндан тўлиқ режалаштириб бўлмайди. Тўлиқ режага тушган фаолият — ижод бўла олмайди. Шу боис адабиёт ўқитувчиси топқир, ҳозиржавоб, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетишга қодир, айти вақтда, бадий асардан келиб чиқадиган эстетик маънони назардан қочирмайдиган шахс бўлиши лозим.

Ўқув таҳлили жараёнида адабиёт ўқитувчиси бирор дақиқа бўлсин асарга бефарқ муносабатда бўлмаслиги керак. Бу ўз навбатида ўқувчилар орасида асарга, адабиёт дарсига нисбатан ҳам бефарқлик туғдиради. Ўқитувчи жамоа таҳлилининг фаол иштирокчиси бўлиши, ўзининг савол-жавоб фаолияти билан ўқувчиларни таҳлилга, кашфиётга илҳомлантириши керак. Ўқитувчининг кузатувчи, асар билан ўзлари ўртасидаги шунчаки воситачи эмас, балки иштирокчи, таҳлил қилувчи эканлигини кўрган ўқувчиларда асарга қизиқиш кучаяди, улар таҳлил жараёнида маслаҳат беришга тайёр билимдон киши борлигини сезиб туришади. Шу тариқа ўқув таҳлили маънавий машғулотига айланади.

Мактаб адабий таълимидаги энг жиддий қусурлардан бири шундаки, ўқитувчилар ўрганилажак бадий асарни ёлғиз ўзлари индивидуал таҳлил этишга етарли эътибор бермайдилар. Натижада, ўзининг топқирлиги, бадиҳачилиги, ҳозиржавоблигига ишонган ўқитувчи фронтал (жамоа) таҳлил жараёнида муҳим бадий унсурни номуҳимдан ажрата олмай қолади. Ўқувчиларда эса буни ажратиш кўникмаси бўлмаганлиги учун асар замиридаги бадий эстетик маъно йўққа чиқиши, пайқалмасдан қолиб кетиши мумкин. Ўқитувчиларнинг бир оз манманлиги, бир оз дангасалиги педагогик жараённи бошқариб бўлмайдиган ҳолга тушириб, адабиёт дарсини бадий жозибадан маҳрум қилиб қўяди. Бундай бўлмаслиги учун ўқитувчи индивидуал таҳлилдан эринмаслиги, таҳлил жараёнида талабаларнинг ҳиссиётларини уйғотадиган, уларда эзгу маънавий сифатлар пайдо қилиши мумкин бўлган ҳолатларни туғдириш йўллари олдиндан режалаштириши керак. А. Қодирийнинг «Утган кунлар» романи таҳлил қилиниши кўзда тутилса, эҳтимол, дидактик таҳлилни туғридан-туғри асарнинг ўзидан эмас, балки М. Юсуф, Х. Даврон, У. Азимов сингари шоирларнинг роман қаҳрамонларига бағишлаб бит-

ган шеърларини айтишдан бошлашни режалаштириш мумкин. Бу тадбирнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд ва ўқитувчи ўзининг истагига ҳамда ўқувчиларнинг табиатига энг мувофиғини танлаган ҳолда иш кўравади.

Ўқув таҳлили самарали бўлиши учун у бир қатор талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим бўлади. Филологик таҳлилга қўйилган талабларнинг хусусиятлари ҳақида аввал алоҳида тўхталинган эди. Ўқув таҳлиliga ҳам ўша талаблар тўлиғича хосдир. Аммо ўқув таҳлилида илмий таҳлилни амалга оширишда кўзда тутилмайдиган, дидактик таҳлилнинг педагогик тадбир эканлигидан келиб чиқадиган айрим талаблар ҳам мавжуддирки, уларни ҳисобга олмасдан иш кўриш адабий таълим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Дидактик таҳлил бир-биридан тамомила фарқ қилувчи ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти бирикувидан иборат бўлганлиги учун ҳам илмий таҳлилда қўйилмаган зарур бир талабга роя қилиниши шартдир. Бу талаб ўқитувчи билан синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув таҳлиliga тортилган бадий асар юзасидан бир хил хулосага келиши шарт эмаслиги талабдир. Атрофлича таҳлил қилинган, эстетик жозиба манбалари очилган бадий асар ҳақида синфдаги ўқувчилар ўқитувчи истаганидай фикрлаши, ўқитувчи чиқарган эстетик хулосага келиши мажбурий бўлмаслиги лозим. Негаки ҳар бир алоҳида шахснинг дунёни идрок этиш, тушуниш, таъсирланиш ва хулоса чиқариш тарзи бор. Бадий асарни тушунишдаги ўзига хосликнинг манбалари жуда кўп ва у ҳақда узоқ сўз юритиш мумкин, лекин энг муҳими, ўқитувчи ўша ўзига хосликни умумийликка, бир хилликка томон зўрлаб йўналтирмаслиги зарур. Барчанинг бир хил ўйлашига эришиш— қўлга киритилиши мумкин бўлган педагогик натижаларнинг энг ёмонидир. Адабиёт ўқитувчиси учун унинг хулосаларига қўшилмайдиган ўқувчини тарбиялаш энг катта ижобий натижадир. Чунки адабий таълим учун бирор асар таҳлили натижасида ундан чиқадиган хулоса эмас, балки ўша хулосага келиш йўли муҳимдир. Бу йўлда ўқувчи ўйланишга, изланишга, маънавий қадриятларни солиштиришга мажбур бўлади. Агарда у ўшанча мантиқий-бадий ҳаракатлар натижасида ўқитувчининг қарашларидан фарқ қилувчи ва ҳатто унга тамомила зид келувчи хулосани чиқарган бўлса ҳам бундан қувонмоқ ке-

рак. Ҳаётнинг тарбияланувчисидан фақат бир нарсани: ўз фикрини бадий матнга таянган ҳолда асослашни талаб қилишга ҳақли. Бадий мати эса ҳар бир китобхон томонидан ўзича талқин этилиши мумкин. Адабиёт дарслари шахслараро муносабат натижасида шахслик сифатларини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир, «шахслараро муносабат эса фақат илм эмас, балки ижод ҳамдир<sup>1</sup>». Маълумки, ижод қарашлар ва хулосаларнинг хилма-хиллигига таянади.

Дидактик таҳлилда ўқувчи ва адабиёт ўқитувчиси қарашларининг ҳар хил бўлиши мумкинлиги асло адабий асар таҳлилида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги талабини инкор этмайди. Филологик таҳлилдан фарқли тарзда ўқув таҳлили икки томонлама жараён дур. Унда таҳлил қилувчи тушунтирувчи — ўқитувчи билан, таҳлил қилувчи тушунувчи — ўқувчи фаолияти бириккан ҳолда намоён бўлади. Бу икки томондан бирининг иштирокисиз ўқув таҳлили юзага келмайди. Дидактик таҳлилда, айниқса, ўқувчи фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчининг эстетик фаолиятини фаоллаштириш, дидини ўстириш орқали унинг шахсини камолот сари йўналтириш адабий таълимнинг пировард мақсади ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дидактик таҳлилда ўқувчи — ўқитувчи ҳамкорлигига эришилмаса, педагогик мақсад юзага чиқмайди. Айни вақтда, ўқитувчи ўқувчиларнинг ўй-фикрлари, туйғулари билан мутлақо иши бўлмаслиги керак, талаба ўзига маъқул келган ҳар қандай хулосага келса ҳам бўлаверади, деб қараш ҳам хатоликдир. Ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига имкон бериш бошқаю, уларнинг ҳиссий мантиқий фаолиятларини йўналтиришга уринмай, ўз ҳолига ташлаб қўйиш мутлақо бошқа тушунчалардир.

Дидактик таҳлилда юқори даражадаги самарага эришмоқ учун ўқувчи билан ўқитувчи ҳамкор бўлмоғи, бир маррани белгиламоғи ва ўша мақсад сари ҳамкорликда қадам ташламоғи зарур. Акс ҳолда, адабий таълим олдида турган вазифалар бажарилмай қолади. Чунки айни бир фаолиятни амалга оширувчи икки куч бош-

---

<sup>1</sup> Кан-Калик В. А., Хазан В. И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе, М.: «Просвещение», 1988, с. 46.

қа-бошқа ҳаракат қилса, уларни бирлаштириб, йўналтириб турувчи маънавий ришта бўлмаса, бундай фаолиятнинг қандай самара келтириши ўз-ўзидан аёндыр. Ўзига хос баҳо беришга, мустақил равишда ҳулосалар чиқаришга одатланаётган ўқувчилар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўқитувчи билан талашиб-тортишсалар ҳам, аямай баҳслашсалар ҳам, у билан келиша олмаслар ва ўзига хос қарорга келган бўлсалар ҳам, унинг ортидан боришлари, унга ишонишлари, унинг ижодий иродасини ҳис этиб туришлари керак, — деб ёзади адабиёт дарсларида ўқитувчи-ўқувчи муносабатининг барча қирраларини гоят синчковлик билан ўрганган методист олимлар В. Қан-Қалик ва В. Хазанлар ўз китобларида.

Адабиёт ўқитувчиси ўз талабаларининг фикрларини бўғмаганлиги, ўз қарашларини билдиришга йўл қўйиб берганлиги ва бирор ҳулосага зўрлаб олиб келишга уринмаганлиги учун ҳам ўқувчиларнинг ишончини қозонади ва уларнинг ҳамкорига, болалар савол-жавоб фаолиятининг ўзига хос шеригига айланади. Ўқувчиларда фикр уйғотиш, уларни безовта қилиш, ўйлашга ундаш, ҳиссий-манتيқий фаолиятга жалб этиш билан бирга болаларни ўз ортидан эргаштира олиш ҳам адабиёт ўқитувчиси зиммасидаги энг муҳим юмушлардан биридир. Ҳозирги педагогик амалиётда ўқитувчи ортидан эргашиш деганда, ўқувчининг бутун инон-ихтиёрини муаллимга бериши, унинг қарашларини сўзсиз равишда энг олий ҳақиқат деб қараши, унга зид келиши мумкин бўлган фикрни хаёлига ҳам келтирмаслиги кераклиги тушунилади. Янгиланган тафаккур нуқтаи назаридан бу янглиш қарашдир. Ўқитувчининг етакчилиги мустабидлик, фикрий тажовуз йўли билан эмас, балки мақсадлар умумийлиги, туйғулар самимияти, шахслараро муносабатлар тенглиги, фикрларнинг асослилиги, ҳиссиётнинг теранлиги билан таъминланган бўлиши зарур.

Ҳозирги ўқувчиларнинг лоқайдликларига бош сабаб шундаки, ўқитувчилар улар билан тенг кишилар, умумий фаолиятдаги шериклар тарзида муносабатда бўлмайдилар. Тенглик йўқ жойда самимият бўлмайди, са-



мимият йўқ жойда эса адабий таълим бўлиши мумкин эмас.

Дидактик таҳлил юзага чиқиши учун ўқувчи фақат эшитувчи ролида бўлиши асло етарли эмас, у албатта, таҳлил қилувчи мартабасида бўлиши керак. Шундагина натижа ижобий бўлади. Адабиёт дарслари тенг томонлар фаолияти эканлиги, бу фаолият иштирокчиларидан бири бўлмиш ўқитувчи фақат ҳаётий тажрибасининг бойлиги, бадий асарга муносабат малакасини эгаллаганлиги, эстетик мезонларининг шаклланганлиги билан ўқувчилардан ажралиб туриши ҳақида гапирган эдик. Гарчи ўқувчилар синфда ўрганиладиган асарларни ўқитувчи сингари олдиндан тўлиқ ўқиб чиқмаган бўлсаларда, ўзларининг ахлоқий мезонларига, маънавий тажрибаларига эгадирлар. Чунки ҳар бир инсон дунёга келган кундан бошлабоқ ўзи билиб ёки билмай маънавий тажриба орттираверади. Бинобарин, бадий асар талқинидан таъсирланиш, унга қадриятлар нуқтаи назаридан баҳо беришда ўқувчилар ҳам ўзига яраша маънавий ҳуқуққа эгадирлар. Адабиёт предметининг мактабда ўрганиладиган ўзга ўқув предметларидан асосий фарқи ҳам шунда. Бу тўғрида машҳур рус адиби Юрий Карякин шундай дейди: «Физика, математика ва бошқа шу каби предмет ўқитувчилари учун ўқувчи, қўполроқ қилиб айтганда, «ёзилмаган қоғоздир», уларнинг дарсидаги ўзаро муносабатлари тенг эмас. Асосий иши инсоннинг маънавий тажрибасини таҳлил қилиш бўлган адабиётда эса аҳвол тамомила бошқача. Бу ерда ўқувчига «тоза қоғоз» деб қараш бутун ишни йўққа чиқаради. Бунда аввал «ёзилганлари»ни ҳисобга олмай туриб «ёзиб» бўлмайди. Ўқувчи (ҳатто биринчи синфдаги болакай ҳам) ўзига яраша улкан маънавий тажрибага эга ва адабиёт ўқитувчиси билан ўқувчи орасидаги муносабат кўп даражада тенгдир. Чунки бу муносабатлар, аввало, инсонлар ўртасидаги муносабатлардир: фақат ўқитувчи каттароқ ҳаёт ва бадий таҳлил тажрибасига эга холос<sup>1</sup>». Адабий таълимга билим бериш йўли деб қараладиган бўлса, адабиёт ўқитишда ҳам худди бошқа ўқув предметларидаги сингари азалий нотенг муносабатлар ҳукмронлигига эришиш мумкин. Лекин янгиланган педагогик тафаккур ва ўзгарган адабий таълим ада-

---

<sup>1</sup> Карякин Ю. И про тебя это история, журн. «Литературное обозрение», 1979, № 1, с. 98.

биёт машғулотларига шахсга хос фазилатларни шакл-лантириш воситаси деб қарар экан, тарбиячи билан тарбияланувчи ҳамкорлиги кўзда тутилмаган ҳар қандай фаолият тури ҳам самарасиз бўлиб қола беради.

Адабиётдан бошқа ўқув предметларини ўқитишда ўқитувчи ўқувчи билмайдиган нарсаларни ўргатади, ўқувчиларнинг ўқитувчи ўргатмоқчи бўлган билимлар мажмуини олдиндан билиши асло мумкин эмас. Адабиётда эса билим бериш эмас, балки тарбия бериш, шахсни шакллантириш мақсад ҳисобланади, бинобарин, ўрганилаётган асарларда ҳам қаҳрамонларнинг ёхуд муаллифнинг маънавий олами текширилади ва бу текширишда ўқувчи ўқитувчи билан баробар, тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок қилиши керак. Чунки бола ҳам ўзига яраша маънавий тажрибага, ахлоқий ўлчовларга эгадир.

Дидактик таҳлил жараёнида ўқувчиларнинг иштирок этишларига кўра таҳлилни алоҳида (индивидуал) таҳлил, гуруҳий таҳлил, ёппасига (фронтал) таҳлил сингари турларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи таҳлилланадиган асарнинг характерига, синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига ва ўзга омилларга қараб дарс мобайнида юқоридаги таҳлил турларидан бирини ёки ўрни билан ҳаммасини қўллаган ҳолда иш олиб бориши мумкин.

**Алоҳида** — индивидуал таҳлилда бадий матн билан танишиб чиққач, ўқитувчи ҳар бир ўқувчига алоҳида топшириқ беради ва талаба дарсликдан фойдаланган ҳолда ўша топшириқни бажариш учун алоҳида таҳлил билан шуғулланади. Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри ўрганилаётганда, ўқитувчи болалардан бирига шоир шеърда истиорадан қандай фойдаланганлигини, бошқасига, ўхшатишни қандай ишлатганлигини, учинчисига эса, муболағани қай тарзда қўллаганлигини аниқлаш ва шу асосда матнни таҳлил этишни топшириши мумкин. Ҳар бир болага таҳлил учун муайян вақт берилади ва тайёр бўлгач, ўқувчининг фикрлари кўпчилик томонидан тинглаб муҳокама қилинади.

**Гуруҳий** таҳлилга жалб этилган ўқувчиларда мусобақа туйғуси, жамлашиш устиворроқ ўрин тутди. Бир синфдаги ўқувчилар қандайдир белгиларига кўра бир неча гуруҳга ажратилади. Сўнг гуруҳларнинг ҳар бирига асар таҳлиliga доир алоҳида топшириқ берилади. Гуруҳларга ажратишда боланинг қаерда ўтирганлиги, насаб-номларнинг ёнма-ён келиши, жинси ва ҳ. к.

белгилар асос бўлиши мумкин. Энг муҳими, гуруҳларда ишчанлик руҳи ҳукмрон бўлишига эришиш ва бошқаларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга ўқувчиларнинг ҳар гуруҳда мутаносиб равишда бўлишига эътибор қилиш керак бўлади. Айрим ўқитувчилар, агар бадий матнни гуруҳ бўлиб таҳлил қилишга берадиган бўлсак, баъзи ўқувчилар мутлақо ишламай қўйишади, биладиган бир-икки фаол эса ҳамма учун жавоб беришни уддалайверади, дейишади. Бу хавфсираш ортиқча. Негаки, адабиёт дарслари тўғри уюштириладиган бўлса, адабиёт машғулотларига аҳборотлар тўплаш воситаси деб қаралмаса, ўқувчиларнинг ихтирочилик, ижодкорлик қобилиятлари очилади. Хаёлот олами кенг, тафаккури чуқур бўлган ўқувчилар, кўпинча, ўқитувчи ҳам пайқамай қолган жиҳатларни бадий матндан топа олишади. Бир неча кишилик гуруҳ ўқувчиларни бирлаштиради, фикрлар олишувига ўргатади, бирининг ҳиссиёти ўзгасида ҳам туйғу уйғотади. Шу зайлда бадий матн яхшироқ идрок этилади. Бу хилдаги таҳлилда ўзга гуруҳдагиларнинг жавоб бераётган гуруҳдагиларга савол беришига йўл қўйиш лозим. Баҳолаш керак бўлганда эса, гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини бирдай баҳолаш жиддий тарбиявий аҳамият касб этиши мумкин. Чунки ким жавоб берган бўлса-да, аслида у жамоа меҳнатининг маҳсули тарзида вужудга келган. Шу сабаб гуруҳий таҳлил учун гуруҳдагиларнинг ҳаммасига бир хил баҳо қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, бу ҳолда ҳам гуруҳга ажратилган ўқувчиларга хос хусусиятлар ўқитувчи томонидан албатта ҳисобга олиниб, уларнинг шахс сифатида шаклланишига зарар келтирмайдиган педагогик чоралар маълум шароитдан келиб чиққан ҳолда кўрилаверади.

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи умумтаълим мактабларининг 7-синфида ўрганилаётганда синф ўқувчиларини тўрт гуруҳга ажратиш ва матн билан танишиб чиқилгач, учинчи соатда бу гуруҳлардан бирига Анвар, Худоёрхон образларини ўрганиш ҳамда матнга таянган ҳолда уларга хос хусусиятлар ҳақида тўхталиш топширилади. Иккинчи гуруҳ ўқувчиларига Раъно табиатидаги жасурлик ва ҳиссиётга берилиш сифатларининг сабаблари тасвири романдаги қайси ўринларда қандай ифодаланганини аниқлаш топширилади. Бошқа бир гуруҳ ўқувчиларга эса Қобилбой ва унинг дўстларига хос сифатлар, Султонаlining инсоний фа-

зилатлари матнда қандай йўллар билан кўрсатилганини аниқлаш буюрилиши мумкин. Тўртинчи гуруҳдаги болаларга эса романнинг тил хусусиятлари, Анвар билан мулла Абдурахмон тўқнашуви манзарасида персонажлар ҳолатининг намоён этилиши йўллари излаш топширилади. Топшириқлар бадий матн пухта ўрганилганидан кейин берилгани учун ҳам болалардан уни бажариш кўп вақт талаб қилмайди. Дарслик — мажмуадаги нарча билан яна бир бор танишиш мобайнида ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзларига берилган топшириққа дахлдор жиҳатларни кашф этишади. Бу хилдаги таҳлил турини бирор адиб ижоди ўрганиб бўлингач, якуновчи машғулот тарзида уюштириш яхшироқ самара бериши мумкин.

Адабиёт ўқитиш тажрибасида ҳозирги кунда кўпроқ қўлланиладиган таҳлил тури — бу ёппасига (фронтал) таҳлилдир. Бунда кўпроқ ўқитувчи ишлайди. Ўқувчилар эса таҳлил жараёнида ўқитувчи фикрлари тизгинини йўқотиб қўймаслик ва чалғиб қолмаслик учун муаллим қарашларини эътибор билан тинглайди. Шунини айтиш керакки, адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг жимгина ўтириб, мириқиб дарс тинглаши ўқитувчи муваффақиятига далолат бўлавермайди. Фақат тингловчига айланиб қолган, фикр ва туйғуларига юк тушмаган ўқувчи фаолиятсиз ўқувчи ва бу синфда адабиёт дарси яхши уюштирилмаган бўлади.

Ўқитувчи ўқувчи руҳий мувозанатини бузиши, уни ўйлашга, туйғулар гирдобига тушишга мажбур этиши керак. Қанчалик жарангдор, ёқимли, силлиқ, равон ва саводли бўлмасин, ўқитувчи монологни адабиёт дарси олдида қўйилган вазифаларни бажаришга етарли бўла олмайди. Адабиёт муаллими ҳамма ва ҳар бир бола билан алоқа ўрната билганда, уларнинг фикри ва юрагига чуғ ташлай олгандагина болалар маънавиятига таъсир кўрсатади. Адабий таълимда диалог монологдан қадрлироқдир. Шунинг учун ҳам ўзи кўп ишлаган ўқитувчи эмас, балки ўқувчиларни кўпроқ ишлатишга эриша биладиган ўқитувчи моҳир педагог ҳисобланади. Монолог дарсининг умри қисқа бўлади, унинг таъсири қўнғироқ чалиниши билан тугайди ва ўқувчиларнинг қалбида ҳам, тафаккурида ҳам чуқурроқ из қолдира олмайди. Таҳлил ана шу ҳолатга барҳам беради. Монологни камида диалогга, имкони бўлса, полилогга айлантиради. Дарс кўпчилик фаол иштирок эта-

диган, маънавий қадриятлар, мантиқий силлогизмлар тўқнаш келадиган жараёнга айланади. Тўғри уюштирилган ёппасига таҳлил ўқувчиларни бадий матн қаърига шўнғишга ундайди.

Яхши ўқув таҳлили асар муаллифининг вақтлар оша олам ва одам билан қилган суҳбатидир. Ёппасига таҳлил самарали бўлиши учун адабиёт ўқитувчиси дарслик ҳамда ундаги савол ва топшириқлар берадиган дидактик имкониятлардан яхши фойдалана олиши керак бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларининг тайёргарлик ва руҳий-ақлий даражасини ҳисобга олган ҳолда талабаларини ишлашга ундайдиган, таҳлилга табиий равишда киришишга чорлайдиган саволлар ҳамда топшириқлар тизимига эга бўлиши керак. Бу тизим ўқитувчининг ўзи томонидан ишлаб чиқилиши ҳам мумкин, илғор педагогларнинг тажрибасидан олиниши ҳам мумкин. Бадий асарни битган ёзувчининг ваколатини олиб иш кўраётган ўқитувчи ижодкор билан ўқувчини учраштирадиган, мулоқотга кириштирадиган инсон.

Адабий таълим уч қудратли асос устига қурилади: **ёзувчи, ўқувчи, ўқитувчи**. Санъат асари билан ўқувчи ўртасидаги тўсиқ бартараф қилингандагина маънавий омилга айланади, шахс шаклланишига хизмат қилади. Бу тўсиқни фақат ўқитувчигина бартараф қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дидактик таҳлил жараёнида ҳар бир боланинг юрагида дард пайдо бўлишига, бадий матнга дахлдорлик ҳиссини туйишига эътибор қилиши жоиз.

Дидактик таҳлил қилишнинг бир асосий қондаси борки, унга амал қилиш ютуқлар гарови бўлганидек, унга риоя этмаслик адабий таълим жараёнига салбий таъсир этиши мумкин. Бу қонда шундан иборатки, ҳеч қайси синфда, ҳеч қандай жанрдаги бадий асарнинг мазмунини сўзлаб бериш адабиёт ўқитиш, бадий матнни таҳлил қилиш тарзида қабул қилиниши мумкин эмас.

Афсуски, адабий таълим амалиётида бадий асар таҳлили мазмунини сўзлаб бериш тарзида тушуниш жуда ҳам кенг ёйилгандир. Ҳолбуки, ўрганилаётган асарнинг мазмунини қайта ҳикоялашнинг адабий таълим мақсадига мутлақо алоқаси йўқ машғулот эканлигини тан олиш керак! Чунки чинакам бадий асар учун ундаги воқеаларнинг ўзи эмас, балки ўша воқеалар рўй бериши мобайнида инсонлар — қаҳрамонлар руҳиятидаги

ўзгаришлар манзарасининг акс эттирилгани муҳимдир. Бинобарин, кўпчилик асл бадийят намуналарида биз кўниккан маънодаги қайта ҳикоялаш мумкин бўлган мазмуннинг ўзи йўқ. Ҳазрати Навоий лирик асарларининг мазмунини ҳикоя қилиш билан буюк шоир асарини таҳлил қилдик дейиш мумкинми? Яссавий, Бобур, Машраб ёки мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндлари асарларини сўзлаб бериб бўладими? Даҳо замондошимиз, жаҳоний маънодаги романлар муаллифи А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи воқеаларини айтиб бериш билан романнинг сеҳру жозибасига етиш мумкинми? Ёки Қодирийнинг даҳоси фақат қизиқарли саргузаштларни тасвирлай билганидами? Масалага бундай ёндашиладиган бўлса, детектив кинолардаги воқеалар, саргузашт, олди-қочди китоблардаги сирли ҳолатлар тизими «Ўтган кунлар»дагидан кўра ишончлироқ, қизиқроқ бўлиши бу «асар»ларнинг биринчи миллий романимизга қараганда юксакроқ бадий қийматга эгалигидан далолат, деб қарашга тўғри келади.

Қайта ҳикоялаш мумкин бўлган жойда санъат бўлмайди. Санъатнинг санъатлиги ҳам, илоҳийлиги ҳам, ижод экани ҳам, такрорланмаслиги ҳам уни айтиб бериш мумкин эмаслиги дадир. Навоий ёки Қодирий тасвирлаган манзарани улардан бошқа бирор-бир кимсанинг айтиб бера олишига ва шу жараёнда улар эришган таъсир даражасига эришишига ишониш мумкин эмас. Ҳатто Навоий ва Қодирийларнинг ўзлари ҳам илҳом оғушидан чиқиб, ижодий ҳолатдан оддий ҳолатга ўтишгач, қайтадан шоҳ асарларини ёзгандаги ҳолатга туша олмасликлари аён эди. Ҳозир адабиёт дарсларида ўқитувчиларнинг асосий вақти асардаги воқеаларни талабаларга айтиб бериш билан, ўқувчиларнинг адабиёт дарсларидаги барча вақти эса ўқитувчиларидан эшитган воқеаларни қайта айтиб бериш билан ўтади ва бунга ҳамма оддий ҳолат сифатида қараб келади. Шунинг учун ҳам бизда миллий китоб ўқиш маданияти ғоят сусайиб бормоқда. Чунки китобхон бадий асарни эмас, ундаги воқеаларни «ўқийди». Ёзувчи маҳорати, қаҳрамонлар ҳолати, туйғу ва кечинмалари китобхонларнинг кўпчилигига бегоналигича қолаверади.

Бадий адабиётга воқеанавислик деб қараш туфайли бўлса керак, кўпчилик китобхонлар асар қаҳрамонларининг ҳаёти асарда тасвирланганидан кейин қандай кечганини билмоқчи бўлиб хат ёзишади ва бундан биз-

нинг айрим ёзувчиларимиз ўзларининг қанчалик ҳаётий асар ёзганликларининг исботи сифатида фойдаланишмоқчи бўлишади. Ҳолбуки, Навоий замонида Фарҳод, Мажнун ёки Ширин аجدодлари ҳақида бизнинг ҳозирги китобхонларимизни қизиқтирган маълумотларни билишга интиланган бирор ўқувчи бўлган, деб ҳаёл қилиш мумкинми?

Адабиётга мафкуравий муносабат воқеани, тарғиботни адабиёт сифатида қабул қилишга одатлантирди. Бу «адабиёт»ни фақат ўзига яраша «таҳлил қилиш», яъни қайта ҳикоялаш мумкин эди. Шу тариқа таҳлилга нотўғри маъно юкланди ва йилдан-йилга китобхонлик савиямиз пасайиб, ўқувчиларимизнинг бадиий асарни тушуниш ва ундан таъсирланиш даражаси орқага кетди.

Янгиланган педагогика, ўзгарган жамият бадиий асарнинг дидактик таҳлили олдига мутлақо янгича талаб қўймоқда. Эндиликда адабий таълимдаги асосий унсур бадиий матн бўлади ва унга таянилмаган ҳар қандай фаолият бадииятга дахлсиз. Бинобарин, шахсни шакллантиришга хизмат қилмайдиган машғулот тарзида қабул этилиши лозим. Адабий материал таълимий таҳлил кумагида тарбиявий материалга айланиши мумкин. Бадиий матндан айри ҳолда чиқарилган ҳукм-хулосаларнинг адабиёт ўқитишга мутлақо алоқаси йўқ.

Таълимий таҳлил жараёнида ўқитувчи ўқувчилар жамоасига ҳос бир хусусиятни ҳисобга олиб иш кўриши зарур. Психология илми кўрсатадики, ҳар бир ўқувчининг алоҳида ажратиб олингандаги руҳий ҳолати билан, айни шу боланинг жамоа ичидаги руҳий қиёфаси доимо ҳам бир хил кўринишга эга бўлавермайди. Ёлғиз ўзи мўмин-қобил, жуда таъсирчан, эҳтимол, лирик кайфиятга мойил бола синфдошлари орасида таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетиши, ғоят кўрс, одамови, бетаъсир ўсмирга айланиши ҳоллари педагогик амалиётда тез-тез учраб туради. Бундай эврилиш, айниқса, ўғил болалар орасида, ўсмирлик ёшида кўпроқ рўй беради. Кунни кеча қайсидир ўқувчининг йўқлигида жуда зўр муваффақият билан ўтган дарсни бугун ўша ўқувчи иштирок қилаётган машғулотда тузукроқ сўраб ҳам удда қила олмаслик ҳолатлари ўқитувчиларнинг иш тажрибаларида ҳам учраб туради. Бундай ғайри оддий, носоғлом аҳволнинг сабаби ўқитувчилар боланинг ёлғиз ҳолда ва жамоа ҳамда тенгдошлари орасида руҳий си-

фатларининг намоён бўлишида муайян зиддиятлар борлигини ҳисобга олмаслигидадир.

Усмирларда омма, тўда психологияси катта салмоққа эга бўлади. Бу ёшдаги болалар, кўпинча бирор хатти-ҳаракатни яхши ёки тўғри деб ҳисоблагани учун эмас, балки ўртоқларига шу ишни қилиши маъқул бўлгани учун қилади. Улар жамоанинг, айниқса лидер (етакчи)нинг фикри билан қаттиқ ҳисоблашадилар. Бадий асарни таҳлил қилиш жараёнида ҳам лидернинг тиржайиб қўйиши ёки атай ўзини бепарволикка солиб ўтириши, қизиқмаётганга ўхшаб кўриниши ўқитувчининг бутун уринишларини йўққа чиқариши, барча педагогик усулларини самарасиз қилиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитувчиси жамоа билан иш кўраётганда, синфдаги етакчи ўқувчининг туйғуларига таъсир эта оладиган педагогик чора белгилаши лозим. Токи етакчининг асар таҳлиliga киришгани унга эргашувчиларни ҳам ишлашга ундайдиган бўлсин.

Уддабурро етакчилари бўлмаган жамоаларда ўқувчиларнинг тарқоқлиги, ёнма-ён туриб, бирга бўлмаслик, бир-биридан маънан узоқлик, кўпчилик ичида ҳар бир боланинг ўзича ёлғиз яшаши сингари ҳолатлар кўп учрайди. Бу хилдаги синфнинг ўқувчиларини бир мақсад сари етаклаш оғир кечади. Болалар ўртасидаги тарқоқликни, бегонасирашни бартараф эта олган ёхуд унинг даражасини пасайтиришга эришган адабиёт ўқитувчисигина ижобий педагогик натижадан умид қилса бўлади. Негаки жамоатчилик руҳи юқори бўлган синфда бадий таъсирга берилиш кучли ва ёрқин кечади. Ўқувчилар руҳиятининг таниқли тадқиқотчиси А. Лутошкин бу борада шундай қарашларни баён қилади: «Жамоа орасида одамдан одамга тез ўтадиган ҳамда борган сари кучаявериши мумкин бўлган руҳий ўзаро таъсир қонуни амал қилади. Алоҳида шахсга қараганда жамоани «алангалатиш» қийин, лекин «ёнган» дан сўнг туйғулар жуда ёрқин порлаши мумкин. Жамоа орасидаги болалар ёлғизларга қараганда ҳодисаларни нафақат ёрқин, балки теранроқ ҳам ҳис этадилар. Ташаббускорлик, кўтаринкилик, айнан, жамоа бўлиб қилинган фаолиятда кўпроқ намоён бўлади<sup>1</sup>».

<sup>1</sup> Лутошкин А. Н. Эмоциональная жизнь детского коллектива, «Просвещение», 1978. с. 33.



Олим жуда ўринли таъкидлаганидек, жамоанинг «ёнишини» таъминлаш ўқитувчи учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу ҳолатда бадий тадбир яхшироқ самара беради, ўқувчилар маънавиятида чуқурроқ из қолдиради, бинобарин, педагогик мақсадга тезроқ эришилади.

Ўрни келганда ўқувчилар руҳиятига доир яна бир жиҳатга ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Болалар ўзаро эркин муносабатда бўлишади, тортиниш, қисиниш, иккиланиш сингари ўқувчи фикр ва туйғуларини жиловлайдиган ҳолатларни туюшмайди. Лекин дарсда айрим ўқувчилар мутлақо таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб қолишади. Боягина ўртоқлари билан чақчақлашиб турган, топқирлиги, ҳозиржавоблиги билан кўпчиликдан олдинда бўлган бола дарсда бўшанг, тунд, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, ҳамма нарсага бефарқ, бирор нарсани ўрганишга уринмайдиган, ноқобил ўқувчига айланиб қолади. Ўқитувчининг оддийгина саволларига жавоб беролмай, гапни нимадан бошлашни билмай довдираб турган талабанинг ҳозиргина ўртоқларига сўз бермаётган хушчақчақ бола эканига кишининг ишонгиси келмайди. Нега ўқувчида бу қадар кескин эврилиш содир бўлди? Буни руҳшунослик илми нуқтаи назардангина тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчи ўзи истагани, лозим деб ҳисоблагани учун гапирган, шу боис унинг гаплари жонли, фикрлари ўткир бўлган. Дарс вақтида эса ўзига эмас, балки ўқитувчига керак бўлгани учун сўзлаши зарур. Ва бу ҳолат ўсмирнинг эркини маълум даражада бўғади, унинг хоҳишига даҳл қилади, болада гапиришга, фикрлашга, фаолият кўрсатишга мотивация—хоҳиш йўқолади. Шунинг учун ҳам ўсмир тунд ва гап уқмас бўлиб қолади. Бундай ҳолат бошланғич синфларда кўп учрамайди. Чунки бошланғич синф ўқувчилари фаолиятида императив (буюрувчи) омил етакчилик қилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун бирор ишнинг бажарилишига катталар томонидан буюрилиши, одатда, кифоя қилади. Юқори синф ўқувчилари ҳам тундлик, билмаслик, дағаллик ниқобини кийиб олишга кўп уринаверишмайди. Бунинг сабаби улар ўз хоҳишлари билан ўқитувчи истакларини мувофиқлаштириш лозим эканлигини тушуниб етишади. Таянч мактабларда ўқийдиган ёшдаги ўсмирлар ана шу носоглом ҳолатга энг кўп тушиб қола-

диган ўқувчилардир. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитувчиси дарсларни шундай уюштириши керакки, унинг истаклари ўқувчиларнинг истакларига айланиб кетсин.

Ўсмирлар билан тарбиячи орасида тўсиқ бўлмаслиги, бола ўқитувчисининг уни чиндан яхши кўришини ҳаммиша ҳис қилиб туриши, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳеч тортинмай баён қила олиши ва бунинг учун ўқитувчисидан дакка емаслиги, ўртоқлари томонидан кулгига қолмаслигини яхши билиши шарт. Шундагина болаларнинг бутун ижодкорлик қобилияти очилади. Фикри ишончсизлик исканжасидан қутулган ўсмир хаёлот ва тафаккури бадий асарнинг энг яширин гўзалликларини ҳам ҳис этишга, изоҳлай олишга қодирдир.

Адабий асарни таълимий таҳлил қилиш жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи биргаликда фаолият кўрсатса ҳам уларни бир хил юмуш қилади, дейиш мумкин эмас. Ўқув таҳлили жараёнида тарбияланувчи ва адабиёт муаллими иштироки даражаси амалиётчи олимларни кўпдан бери қизиқтириб келадиган муаммодир. В. Я. Корвиннинг «IV—VII синфларда бадий асар таҳлили», Н. О. Қоретнинг «Бадий асарни таҳлил қилиш методикасидан очерклар», Е. А. Майминнинг «Адабий таҳлил тажрибалари», А. Н. Богданов ва Л. Г. Юдкевичлар қаламига мансуб «Адабиётшунослик таҳлили методикаси», З. Я. Рез раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ тайёрлаган «Адабиёт ўқитиш методикаси», А. Зуннуновнинг «Бадий асар таҳлили методикаси», А. Зуннунов, Н. Ҳотамов, Ж. Эсонов, А. Иброҳимовлар қаламига мансуб «Адабиёт ўқитиш методикаси», А. Абдураззоқовнинг «Мактабда адабиёт ўқитишнинг ҳозирги аҳволи, муаммолари ҳамда программа ва дарсликларни такомиллаштиришга оид мулоҳазалар» китобларида мазкур масалага у ёки бу даражада муносабат билдирилади. Чунончи, проф. А. Зуннунов бу ҳақда шундай фикр билдиради: «Таҳлил усуллари дарс жараёнида адабий асарни ўрганишда ўқитувчи билан ўқувчилар бажарадиган ишларни муайянлаштиради. Бинобарин, бу усуллар дарснинг барча босқичларида — ифодали ўқиш ва қайта ҳикоялаш, матни изоҳлаш ва қиёслаш, ёзувчига эргашиб таҳлил қилиш, асар образлари тартибини аниқлаш ва асарни муаммоли таҳлил қилишда фаол қўлланади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А. Зуннунов, Н. Ҳотамов, Ж. Эсонов, А. Иброҳимов, Адабиёт ўқитиш методикаси, Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 83-бет.

Проф. З. Я. Рез раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан олий мактаблар филология факультетлари талабалари учун қўлланма тарзида яратилган «Адабиёт ўқитиш методикаси» китобида ҳам мактабда бадий асар таҳлилининг уч усули: бадий асарни муаллифга эргшиб яхлит ўрганиш, образлар воситасида ўрганиш ва тематик-проблематик ўрганиш<sup>1</sup> алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Бизнингча, адабий асарни таълимий таҳлил этиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини уч йўналишда уюштириш мумкин. **Биринчи йўналишда** адабиёт ўқитувчиси фақат бадий матнга суянади ва матн мантигини, унинг тартибни асло ўзгартирмаган ҳолда ундаги маънони, жозибани ўқувчиларга кўрсата боради. Бу усулни текст уал таҳлил усули дейиш мумкин ва бунда ўқитувчи кўпроқ ўзи фаолият кўрсатишини таъкидлаш жоиз. **Иккинчи йўналишда** ўқитувчининг эътибори асардаги персонажларга қаратилади ва бадий маъно образлар руҳиятини, уларга хос хусусиятларни кашф этиш жараёнида табиий равишда келиб чиқади. Адибнинг санъаткорлик маҳорати ҳам бадий образларнинг қанчалик жонли ва таъсирчан ишланганлигини таҳлиллаш асносида очиб борилади. Бу йўналишни тимсолли таҳлил йўли дейиш мумкин ва бу йўналишда ўқувчилар ҳам анчагина фаол иштирок этишларига имконият борлигини кўрсатиш керак. **Учинчи йўналишда** эса бутун фаолият асосан ўқувчилар томонидан содир этилиши кўзда тутилади. Ўқитувчи талабалари олдига муаммо қўяди ва уларга бу муаммони ечиш йўллари кўрсатади. Асар таҳлили жараёнида ўқувчилар фақат билганларини ишлатибгина қолмай, бир қатор янги эстетик-мантиқий тушунчаларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Негаки улар жамоа бўлиб ишлайдилар. Улар ўзаро фикр алмашиш, баҳслашиш сингари ҳаракатларни бажарадилар. Табиийки бу жараёнда ўқувчиларнинг маънавий оламида ҳам, ақлий дунёсида ҳам муайян ўзгаришлар, ривожланишлар содир бўлади. Бадий асар таҳлилининг бу усулини муаммоли таҳ-

---

<sup>1</sup> Рез З. Я. и другие. Методика преподавания литературы. М., «Просвещение», 1985, с. 106.

ли л йўли деб аташ мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, таҳлилнинг бу усуллари бир-бирини инкор қилувчи, тамомила алоҳида йўналишлар тарзида қабул қилмаслик лозим. Адабий таълим амалиётида таҳлилнинг бу уч усули деярли ҳамisha аралаш ҳолда келади. Текстуал таҳлилни образларга таянмай туриб амалга ошириб бўлмагани сингари, муаммоли таҳлилни ҳам бадий матнга асосланмай туриб бажариш мумкин эмас. Ҳар қандай муаммо матндан келиб чиқиши, ҳар қандай мустақил фикр ҳам матннинг хусусиятларини очишга хизмат қилиши зарур. Текстуал таҳлилда матннинг тартибини бузмаслик, муаллиф юрган йўлга, у ўрнатган тартибга риоя қилиш устивор бўлади. Лекин таҳлилнинг қолган икки турида ҳам бадий матн асосий ўрин тутати. Шу маънода ҳар қандай таҳлил моҳият эътибори билан текстуал таҳлилдир.

Текстуал таҳлил кўпроқ таянч синф ўқувчилари билан олиб бориладиган таҳлил усулидир. Айниқса, кичикроқ ҳажмли насрий асарларни таълимий таҳлил этишда бу усул жуда қўл келиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, асар юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият фақат матнга таянган бўлиши, матндан келиб чиқиши, унинг жозибасини очишга хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қандай усулда ўқув таҳлилини амалга оширишдан олдин, албатта, ўқувчилар бадий матн билан жуда яхши таниш бўлишлари шарт. Акс ҳолда, таҳлил бўйича амалга ошириш мўлжалланган ҳар қанақа тадбир ҳам керакли мақсадга ета олмайди.

Юқори синфларда ўрганиладиган катта ҳажмли эпик асарларни таҳлил қилишда тимсолли таҳлил усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Чунки ҳажман катта, уни ўрганишга ажратилган вақт эса қисқа бўлгани учун бир қатор асарларни текстуал таҳлил қилишнинг имкони бўлмайди. Бундай вақтларда асосий эътибор ўрганилаётган асардаги тимсолларга қаратилади. Тимсолларнинг руҳияти, ўйлари, кечинмалари, хатти-ҳаракатлари, саъжиялари ҳам ҳаётийлик, ҳам бадийлик нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказилади ва муаллифнинг бадий маҳорати, эстетик новаторлиги ойдинлашади. Лекин ўқитувчи тимсолларни гоёнинг ифодачиси тарзида талқин қилишдан сақланиши зарур.

Ўқувчилар тимсолларни жонли одамлар, ўз тақдири-

га, ўзига хос табиатга эга тирик инсонлар тарзида қабул этишлари керак. Шундагина бу тимсоллар туйган туйғулар болаларга ҳам юқади, таъсирлантиради, бинобарин, тарбиялайди. Шунингдек, ўқувчиларнинг тимсолларни ижобий ва салбий гуруҳларга ажратишларига ҳам йўл қўймаслик, ҳар бир бадий тимсолнинг қарама-қарши табиатли тимсол нуқтаи назаридан қандай баҳоланиши мумкин эканига болалар эътибори тортилиши лозим. Одамларни жўнгина яхши ва ёмонга ажратиш нотўғри бўлганидек, бадий тимсолларни ҳам ижобий ва салбийга ажратиш тўғри эмаслигини ўқувчиларга ёшлиқдан сингдириб бориш лозим.

Олам чексиз ва ўта мураккаб бўлгани каби, одам ҳам ғоят мураккаб ва табиатининг қирралари чексиз товланишларга эга бўлган мавжудотдир. Шунинг учун ҳам мураккаб инсон тимсолини бирор қолипга тушириб қўйиш инсоннинг қиёфасини камбағаллаштиради, нурсизлантиради. Ҳаётдаги ҳар бир одам ечими топилиши мумкин бўлмаган муаммо. Бадий адабиёт ана шу адоқсиз муаммонинг қирраларини бутун мураккаблиги, изтироблари, кечинмаю ўйлари билан тасвир этиш орқали ўқувчини ўзгани ҳис қилишга, ўзига дахли бўлмаган бегона одамнинг дардига шерик бўлишга одатлантиради. Ўз табиати йўналиши ва мактаб қўйган педагогик вазифанинг хусусиятига қараб ҳар бир ўқувчи тимсол ёрдамида қилинган таҳлил натижасида ўз руҳиятида муайян янги сифатлар ҳосил қилади. Қандайдир шахслик фазилатларига эга бўлади. Ўқув таҳлили учун муҳими ҳам шудир.

Адабий асарни муаммоли таҳлил қилиш йўли миллий услубиёт илмида жуда кам ўрганилган бўлиб, адабий таълим амалиётида ҳам унинг қўлланилиши доираси анча тор. Чунки бу усулнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилмаганлиги учун адабиёт ўқитувчиларининг кўпчилиги бу усулни қай йўсинда тадбиқ этишни тасаввур ҳам эта олмайдилар. Айрим новатор ўқитувчилар, ўз устида ишлайдиган ва тинимсиз изланадиган муаллимларгина муаммоли усул билан бадий асар таҳлилига қўл урадилар.

Муаммоли усул билан таҳлил этишда ўқувчиларни шунчаки баҳсга тортиш мақсад эмас, балки бутун фаолият ўрганилган бадий матн мағзини очишга қаратилган бўлади. Муаммоли таҳлил самара бериши учун синфдаги ўқувчилар матн билан пухта танишибгина қолмай, унга ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб эркин ёндаша билишлари ҳам лозим бўлади. Чунончи, еттинчи синфда Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асаридан парча ўрганилади. Агар бу асар муаммоли йўл билан таҳлил қилинадиган бўлса, ўқитувчи болалар олдига: «Эдип гуноҳқорми?» тарзида муаммо қўйиши ва улардан ўз фикрларини фақат бадий матнга таянган ҳолда асослашларини талаб этиши керак. Гуноҳ, гуноҳқор, қисмат, инсон маънавияти сингари тушунчалар атрофида фикр юритиш жараёнида ўқувчилар Эдип шахсининг улкан фожиасини яқиндан, бевосита ҳис этадилар. Ўзларининг ҳаётий ва маънавий-ахлоқий тажрибаларидан келиб чиқиб Эдип ва унинг атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришади.

Ўқув таҳлили амалга оширилаётганда, таҳлилнинг қандайдир биргина усулидан фойдаланиш камдан-кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Одатда, адабиёт ўқитувчилари айни бир дарснинг ўзида ўрнига ва заруратга кўра бир асарнинг ўзини турли усуллардан фойдаланиб, таҳлил этиши таълим амалиётида кенг тарқалган ҳолдир.

## **ЎҚУВ ТАҲЛИЛИДА АДАБИЙ ТУРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МЕТОДИКАСИ**

Дидактик таҳлилнинг усулларидан самарали фойдаланиш учун таҳлил қилинадиган асарларнинг тур хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Адабий тур тушунчасининг моҳиятида ҳар қандай таҳлилнинг калити ётади. Негаки адабий тур ва жанр хусусиятлари бадий

асар табиатига таъсир қилади. Бадий асар қандай мақсадда яратилишига (куйлаш учунми, сахнада кўрсатиш учунми ёки ўқиш учунми) ва нимани ифодалашига (туйғуни ифода этадими, воқеаними ёки ҳаракатиними) қараб турларга бўлинар экан, ўқув таҳлили жараёнида ҳам бадий матннинг яратилиш мақсади ва ифода имконияти ҳисобга олиб иш кўрилса, кутилган самарага эришиш мумкин бўлади. Тўғри, турли адабий асарлар билан иш юритилганда таҳлил усуллари мутлақо ўзгариб кетмайди, лекин ўқувчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи ўзгаради. Чунки лирик асарни таҳлил қилган усул билан романни ўрганиш мумкин эмас. Шунингдек, ҳикояни ўрганишда қўл келган ўқув таҳлили усули драмани таҳлиллашда иш бермай қолиши мумкин ва ҳ. к. Ҳар бир адабий тур табиатидаги ўзига хослик бу турга мансуб асарни таҳлил этишда ўша ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қилади.

Миллий адабиётимиз тарихида лирик турдаги асарлар салмоқ жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам катта ўрин тутади. Шу билан биргаликда усулиётчилик фани ҳозирча лирик турдаги асарларни таҳлил қилиш йўллари ҳақида мактаб амалиётида қўл келадиган хулосаларни бера олгани йўқ. Шунинг учун ҳам биз ўқув таҳлили жараёнида адабий турларнинг ўзига хослигини ҳисобга олишга доир мулоҳазаларимизни айнан лирик турга мансуб асарлар мисолида бошлаш ўринли деб топдик.

Лирик турдаги асарлар учун асосий нарса туйғу ва ҳиссиётга йўғрилган ҳаётий ҳикмат ифодаси. Лирикада воқеалар тасвири, характер мантиғи эмас, руҳий ҳолат тасвири, ифодаси, туйғулар самимияти муҳимдир. Чинакам лирик шеър тингловчи ёки ўқувчига фақат завқ берибгина қолмайди, балки унинг ҳиссий ахлоқий имкониятларини уйғотади, фаолиятга ундайди. Самимий лирик сўз ҳақиқий воқеликдаги ҳодисаларга қараганда инсон руҳиятига кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин эканлиги психология илми хулосаларидан маълум. Шунинг учун ҳам мактаб адабий таълимида лирик асар таҳлилига алоҳида эътибор бериш болаларни нафақат эстетик-маънавий жиҳатдан, балки функционал-ақлий жиҳатдан ҳам камолотга етказишга хизмат қилади.

Лирик асарнинг ўқувчиларга тўлиқ етиб бориши, шеърда акс эттирилган туйғуларнинг болалар томони-

дан англаниши учун уларда ўшандай ҳиссий тажриба бўлиши керак. Маълумки, нозик инсоний кечинмалар шу хилдаги сезимларни ҳеч қачон туймаган кишилар учун тушунарсиз ва таъсирсиз бўлиб қолаверади. Болаларнинг ҳиссий тажрибаси анчагина кам бўлганлиги учун барча лирик асарлар ҳам бевосита идрок этилавермайди. Лирик асарларни ўрганиш ва таҳлилладан кузатилган мақсад болаларда ҳам айна шу хилдаги нодир инсоний туйғулар тажрибасини ҳосил қилишдан иборатдир.

Ўқувчилар шуурига лирик асарда тасвирланган руҳий ҳолат манзараси етиб бормоғи учун шеър маромига етказиб ифодали ўқилиши керак. Кўпчилик ўқитувчилар ҳам, ҳатто айрим усулиётчи олимлар ҳам ифодали ўқиш деганда баланд овоз билан тиниш белгиларига риоя қилиб, жўтаринки руҳда қироат қилишни тушунадилар. Ҳолбуки, асл лирик асарлар ҳамини ҳам бор овоз билан ўқилавермайди. Ҳатто баланд, кўтаринки, бинобарин, носамимий ифода шеърдаги майин лиризмни йўққа чиқариши ва унинг самимиятини ўқувчилар назаридан беркитиб қўйиши мумкин. Хуллас, ифодали ўқиш — бу ижодкорнинг ҳолатини туйиб, асарда акс эттирилган руҳий манзаралар бағрида туриб ўқий билиш демакдир.

Шунга эътибор бериш керакки, лирик шеър ўқитувчи томонидан ёд ўқилса, унинг таъсир кучи ҳам ошади, таҳлиллаш ҳам анча осон кўчади. Чунки шеърни ёд билмаган ўқитувчи лирик асар устида ишлаш мобайнида туйғулар яхлитлигига, давомийлигига эриша олмайди. Негаки, у туйғулар силсиласини эмас, дарсликдан шеърнинг кейинги мисрасини излаш билан банд бўлади. Эски мактаб ва унинг иш усулига қарши кураш байроғи остида совет адабий таълимида шеър ёдлашга ҳам қарши «ўт очилди». Гўё бу билан ўқувчилар қуруқ ёдлашдан қутулишди ва асарни чуқур ҳис қилиб, ундан ижтимоий маъно излаб топадиган бўлишди. Ҳолбуки, лирик шеър қаъридаги мусиқа, илоҳий шакл, ҳали маъно англашилмай туриб ҳам ўқувчи қалбига титроқ солади, демак уни муайян даражада юксалтиради. Бинобарин, ўқувчи қанча кўп шеър билса, ундаги инсоний сифатларнинг ўшанчалик мукамаллиги ҳақида гапириш мумкин. Ўзи шеър ёд олмаган ўқитувчи эса ўқувчиларга шеър ёдлашни топширишга маънавий ҳуқуқдор бўлолмайди. Демак ҳар бир адабиёт ўқитувчиси



мактабда ўрганилиши кўзда тутилган, жуда бўлмаса, ўқувчилари ёдлаши лозим бўлган барча шеърларни ёддан билиши ва уларни ифодали ўқий олиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларга ёдлаш учун жуда кўплаб шеър топшириш керак. Эҳтимол, синфдаги барча ўқувчилар ҳам берилган лирик асарни ёдлаб келмас ёки ёд олишни истамас. Ўқитувчи бундай ҳолдан куюнмаслиги, адабиёт бўйича берилган топшириқларнинг ҳамма ўқувчилар томонидан бирдай бажарилишига ҳаддан ташқари интильмаслиги керак. Негаки, адабиёт машғулоти кўнгиллиши, бинобарин, ҳамманинг кўнгиллини бир хилда шакллантириш мумкин ҳам, керак ҳам эмас. Айни вақтда, баъзи ўқувчилар муайян шоирнинг шеърларини ёд олмас экан деб, ўша шеърларни ёд олиши, лаззатланиб айтиб юриши мумкин бўлган ўқувчиларни бадий юксиз ҳам қўймаслик керак. Умуман, шеър ёд олиш, айрим усулиётчи олимлар ва ўқитувчилар ўйлаганларидек, ўқувчиларга ортиқча ташвиш ва малолли вазифа эмас. Чинакам гўзал шеърни ёд олиш ёш қалбларнинг табиий эҳтиёжи, ўсаётган вужуднинг маънавий талаби ҳам бўлиши мумкин. Адабий таълим шундай йўлга қўйилиши лозимки, шеър ёдлаш эмас, балки ёдламаслик ўқувчилар учун фожиага, йўқотишга айлансин. Лекин ҳамма ўқувчилардан ҳам бир хил талаб қилиш, ёд олгиси келмаганлиги ёхуд эстетик дидининг пастлиги ҳамда туйғуларининг ривожланмаганлиги учун айрим ўқувчиларни камситиш мутлақо мумкин эмас.

Фикрларимиз қуруқ даъволардан иборатдай бўлиб туюлмаслиги учун амалдаги мактаб дастурида ўрганиш кўзда тутилган айрим лирик асарлар таҳлилин амалга ошириб кўрамиз. VII синфда Чўлпоннинг «Гўзал», «Бузилган ўлкага», «Бинафша» шеърларини ўрганиш кўзда тутилган. Шулардан энг машҳури ва айни вақтда ўқув таҳлили жиҳатидан энг мураккаби бўлмиш «Гўзал» шеърининг таҳлилин кўриб чиқайлик. Келишилганидек, шеър ёддан ифодали ўқилади. У шундай ўқилиши керакки, шеър болаларнинг туйғуларига бевосита тегиб кетсин. Токи шоирнинг ҳиссиёт олами ўқувчилар назарида рўй-рост гавдалансин. Шеър маромига келтириб ўқилгач, бир оз сукут қилинади: ўқувчиларга эшитган илоҳий ифодаларнинг лаззатини узоқроқ туйиш имкони берилади. Сўнг таҳлилга киришилади. Очиқ айтиш керакки, шеърятнинг асл намуналарини таҳлил қилиш

ғоят мушкул. Чунки чинакам шеърда одамзод оддий тил билан ифодалай олмайдиган туйғулар, рухий ҳолатлар акс этади. Бу тасвирларни оддий мулоқот тили даражасига тушириш асар жозибасини йўққа чиқариш демакдир. Шунинг учун ҳам Чўлпон шеърларини таҳлил этишда қиссадан ҳисса чиқаришга, «шоир мана бундай демоқчи», «ана ундай хулоса чиқаряпти» тарзидаги ҳукмларни баён қилишга ошиқмаслик керак. Чўлпон асарларида ўғитбозлик йўқ, уларда руҳият манзаралари бор. Инсон ҳиссиётининг бир зумлик тўлғанишлари акс эттирилган.

«Гўзал»да шоир табиатнинг жуда дилбар шеърый манзарасини яратган. Лекин у табиатдан нусха кўчирмаган, ўзига чиройли туюлган табиат лавҳасини шу ҳолича тасвир этмаган. Чўлпон табиатнинг тасвирига ҳамиша инсон руҳини сингдиради, инсоний ҳиссиёт табиат гўзаллигига жон бағишлайди. Уни дард билан, одамий ишқ билан мунаввар қилади. Шоир излаётган гўзални, дастлаб, «Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан...» сурайди. Уқитувчи таҳлилнинг ибтидосиданоқ ўқувчиларни шоир ҳиссиёти оламига яқинлаштиришга уриниши даркор. Нега лирик қаҳрамон гўзални «қоронғу кечада» излай бошлади? Нима сабаб маъшуқасини «энг ёруғ юлдуздан» сўради? Уқувчилар шеър матнига таяниб, бу саволларга жавоб топишга уринганлари сайин асарнинг жозибаси кучи ортиб бораверади. Ишққа мубтало бўлган қалб эгасига уйқу бегона. Ҳазрати Навоий айтганларидек, «Беишқ улусқа ком уйқу, Ишқ аҳлиғади ҳаром уйқу». Шу боис «Гўзал»нинг лирик қаҳрамони — бедорлик бандаси. Бедор одам, қалбига ишқ ошён қурган дардманд ўзига дардкаш излаши табиий. Лекин ишқдай маҳрам туйғуни бўлак одам билан ўртоқлашиб бўлмайди. Шунинг учун лирик қаҳрамон уйқусиз тундаги ҳамроҳлари: осмон жисмларига, энг ёруғ, энг яқин юлдузга мурожаат қилади ва бу ҳолат — ишонарли. Ҳар ҳолда, Чўлпоннинг лирик қаҳрамони, аввало, юлдузга мурожаат қилиб, нотабиий йўл тутмайди.

Энди юлдуз не боис гўзални ўнгида эмас, «тушда кўр»гани ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришлари керак. Ўзбек гўзали Фарбнинг тункезар соҳибжамолларидан эмаски, кечаси пайдо бўладиган мавжудотларнинг кўзи тушса. Юлдуз малакнинг таърифини эшитиши, эшитганлари туфайли тушларидагина кўриши мумкин. Шу важдан

«энг ёруғ юлдуз» малакни фақат тушида кўргани табиий ҳол! Уқитувчи юлдузнинг эътирофига болаларнинг эътиборини қаратиши керак: «Тушимда кўрамен: шунчалар гўзал, Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!» Уқувчилар эътибор қилишсин: лирик қаҳрамон маъшуқасини битта «энг ёруғ юлдуздан» сўраган эди. Лекин юлдуз: «Биздан-да гўзалдир...» дея жавоб бермоқда. Нима учун? Негаки битта юлдуз қанчалар порлоқ бўлмасин, осмон кўрки бўла олмайди. Кўкнинг безаги — осмон тўла юлдузлардир. Уларнинг гўзаллиги ҳам ғужлиги ва тартибсиз тартибида! Буни «Энг ёруғ юлдуз» яхши билади. Шоир шеърдаги энг майда деталгача ғоят катта эътибор билан ишлаган.

Юлдуздан қониқарли жавоб ололмаган лирик қаҳрамон нигоҳини «ой чиққан ёққа» олишга мажбур. Ой унга: «... бир қизил ёноққа Учрадим тушимда кўмилган оққа», деб жавоб айлади. Уқувчилар ойнинг тушидаги малак не боис оққа кўмилганини анча осон изоҳлай билишади: тушида бўлса-да, гўзални кўрмоқ учун назар ташлаган ойдан майин, сутдай нимтатир оқ рангли нур таралади. Таралади-ю, ердаги малакка ҳам тушиб уни ўзининг оқ оғушига олади. Бунинг устига Шарқ эстетикасида оқ — эзгулик ифодаловчи ранг. Гўзал, гарчи уни ой ўнгида кўрмаган бўлса-да албатта, оқ кийинган бўлиши керак. Оқ юзли малакнинг оппоқ либоси ойнинг ойдин нури билан қўшилиб, тенгсиз маликани оққа чулғайди. Ва бу жуда табиий. Шеърда «қизил ёноқ» сифатлаши ҳам ишлатилган. Шарқ одами учун қизил яноқ ҳам соғломлик, ҳам гўзаллик белгиси. Шунинг учун ҳам ойнинг тушида намоён бўлган малак қизил ёноқли. Бунинг устига, гўзалнинг қизил ёноғи тасвири шеърнинг кейинги бандида қуёшнинг ёндирувчи қизиллигини асословчи мантиқий-ҳиссий восита ҳам.

Сирли гўзални сўроқлаб тонг оттирган ошиқ ёрини «эрта тонг шамолидан» суриштирмай иложи йўқ. Тонг насими тенгсиз малакни тушида эмас, ўнгида кўрган. Лекин бу бахтиёр висол унга «бир» мартагина насиб этган. Унинг саросар кезмоғи, ҳуриликкога телбавор ошиқ бўлмоғи учун ўша бир йўлиқиш кифоя: «... бир кўриб, йўлимдан озиб, Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!» Сирли гўзалнинг тонг шамолига ўнгда йўлиқиши сабабини уқувчилар энди анча осон изоҳлай олишлари мумкин: ўзбекнинг дилбар қизлари саҳархез бўлишади. Нечоғлик эҳтиёт бўлмасин, сирли малак бирор мар-

та тонг насимнинг нигоҳидан қутулмай қолган бўлиши мумкин.

Ниҳоят ишқ оташида куйиб қоронғу кечадан кундузга қадар бедор юрган ошиқ оламни мунаввар этган кун—қуёшга мурожаат айлайди: «Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб Айтадир: бир кўрдим тушдамас, ўнгда. Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал, Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!» Астойдил излаган топади деганларидек, кун ҳам ул малакни бир боргина кўришга муяссар бўлган. Лекин ўша биргина учрашув унинг ошиқ бўлишига, ўзини унутар даражага келишига етарли. Мазкур банддаги «Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб...» мисраси ўқувчилар эътиборидан четда қолмаслиги керак. Шеърятдаги ҳар қандай кичик ўзгаришларни пайқай олиш уни тушуниш сари солинган энг тўғри йўлдир. Қуёшга тик қараб, уни кўриб бўлмаслиги 7-синф ўқувчиларига жуда яхши маълум. Буни шоирона истейдодгина: «... ўз ўтидан бекиниб, қочиб» тарзида ифода қила олиши мумкин. Кун фалакда сузиб юрибди. Унга тик қарашингиз билан кўринмай қолади. Чунки ўти кўзингизни олади. Шу боис қуёш ўз ўтидан бекиниб, қочибгина мулоқотга киришади.

Юлдуз, ой, шамол, кун тимсоллари ёрдамида лирик қаҳрамон қалбидаги ишқ ўти алангасининг нечоғлик баландлиги, ҳижрон азобининг қанчалар оғирлиги очилади. Чарх уриб, фарёд чекиб оламдаги энг муқаддас нарсасини — дардини, ишқини излаётган ошиқ ноласи ўқувчилар руҳиятида ҳам акс-садо беради.

Шеърнинг сўнгги банди тўлиғича лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг, кечинма-ю кайфиятининг ифодасидан иборат. Хажр йўлида ўртанаётган ошиқ гўзалдан ёзғирмайди. Чунки асл туйғу миннатдан йироқ бўлади. У висол таъмасини ҳам хаёл этмайди. Ошиқ ишқнинг ўзидан масрур, дард чекиш бахтидан мағрур. Шу боис «бошини зўр ишга бериб» қўйганидан пушаймон эмас. Мислсиз муҳаббати ва ўртанишлари эвазига ҳеч нарса кутмайдиган чин ошиқнинг руҳий кечинмалари дунёсининг нузли тўлғанишлари акс этган «Гўзал» шеърини шу тариқа таҳлил қилиш унинг жозибасини ўқувчиларга имкон қадар тўлароқ, таъсирлироқ етказишга олиб келади.

Шоира Зулфиянинг «Ойдинда» деб аталувчи нозик ички бир шеъри ишораларга, ингичка ифодаларга бой соф табиат лирикасининг намунасидир. Одатда, бизнинг

Ўқитувчиларимиз манзара асарларини таҳлил қилишга қийинлашади. Чунки биз ҳар қандай асардан, аввало, мазмун деб аталувчи ғоя қидириб ўрганиб қолганмиз. Гўзаллик тасвирининг ўзи ғояга айланган бадий асарларни не тарзда қабул қилишни ҳам, уни қай йўсинда талқин этишни ҳам билмаймиз.

7-синф дастуридан ўрин олган «Ойдинда» лирик шеърини таҳлил этишга уриниб кўрайлик. Шеърда кўк-ламнинг охири ёки ёзнинг аввалларидаги ёмғирдан кейинги тунларнинг бирида саноқсиз юлдузлар чарақлаган осмон, оламни оқликка ўраган ой хаёл каби тўзғин булутлар гўзаллигидан ҳаяжонга тушган шахс кечинмалари, ҳайратлари акс эттирилган. Бу шеърда бўртиб турган ижтимоий маъно ҳам, дардқаш қалб изтироблари ҳам йўқ. Унда беқиёс илоҳий гўзаллик ва шу гўзалликдан ҳадсиз ҳайратланаётган масрур қалб энтиқишларигина бор, холос. Аввал айтганимиздай, ўқитувчи шеърни ёддан ўқиб беради. Сўнг болаларни шоира ҳолатига тушиш сари ундайди. Лирик асардаги кайфиятни юқтирмаслик, ҳиссий бетаъсирлик уни кераксиз ва тушунарсиз бир нарсага айлантиради.

Жилиб-жилмас тўлин ой,  
Булут хаёлдай енгил,  
Ой анҳорда қулун той,  
Гилосда шигил-шигил...

Анҳор тинимсиз тўлқинланиб оқади, суви тип-тиниқ, шу боис унда акс этаётган ой қулундай югурук. Ёмғир сувида чайилган гилос меваларининг ҳар бирида биттадан тўлин ой жилва қилади, шу боис гилосда «шигил-шигил». Ҳовуз тиниқ сувга тўла, аммо у оқмайди шу боис кўкдаги ой бир ҳовуз» яхлит ойнадай бўлиб» ёйилган, ҳовуздаги ойни яхшироқ кўрмоқ илинжида эгилган лирик қаҳрамон бошқа бир ойга — ўзига «рўбарў» келади. Чунки у ҳам ойдаи гўзал. Шоира шоҳона кийинган малика янглиғ «минг-минг юлдузни сидирғасига чайқаб», ерга судраб бормоқда: тиниқ осмоннинг ҳовуздаги аксида саноқсиз юлдузлар лирик қаҳрамоннинг кийимларига тикилган безаклар каби туюлади. Ўқувчилар мовий кўкни кийим қилиб, ундаги юлдузлардан безак тақиб кетаётган соҳибжамолни кўз олдиларига аниқ келтиришлари мумкин.

Ўқитувчи шеърдаги гўзал ўхшатишлар, кутилмаган образли ифодаларни кўришга, тушунишга болаларни ўргатиб борса, уларнинг олдида гўзалликнинг ҳадсиз дунёси очилади. Ўқувчилар «Сел унутган кўлмаклар Мисли ойнинг сингани» мисраларидаги чиройли ўхшатишни пайқашдан ташқари «сел унутган кўлмак» тарзидаги образли ифода ҳақида ўйга толишлари, ўшанинг тагига етишга интилиш иштиёқини туйишлари керак. Самимий туйғулар ифодаси бўлмиш шеърдан ҳайратга туша оладиган, чинакам шеърый сатрлар бағридаги сеҳрни ҳис қилишга қодир болаларнинг маънавий оламини шакллантириш адабиёт ўқитувчилари олдидаги асосий вазифадир.

Шеърнинг қолган бандлари ҳам ўқилгандаги таассурот йўқолмай туриб шу тариқа таҳлил этила боради. Шунда ўқувчиларнинг туйғулари ўткирлашади, кечинмалари нозиклашади, олам ҳодисаларига бошқачароқ қарайдиган бўлишади. Дунёга маънавий қадриятларга эга инсон назари билан қарайдиган бўлади.

Лирик турдаги асарларни таҳлил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши керак:

Ўрганиладиган ҳар қандай лирик асар ўқитувчи томонидан ифодали ёд айтилиши шарт. Ўқитувчи ифодали ўқиш малакасига эга бўлмаса, яхши ўқий оладиган ўқувчисига топшириши мумкин. Лекин таҳлил жараёнида шеърни ёддан билиши кўриниб туриши керак.

Ўрганилган, таҳлил қилинган ҳар қандай лирик асар ўқувчилар томонидан, албатта, ёд олиниши керак. Бунда ўқитувчи барча ўқувчиларга бир хил талаб қўйиш одатидан қутулиши, бинобарин, айрим болаларнинг ёдламай келишлари мумкин эканини назарда тутиши ва бундан педагогик фожиа келтириб чиқармаслиги зарур.

Лирик асарни таҳлил қилишда ундан мантиқий хулоса чиқаришга шошилмаслик, яхшиси бундай хулосани умуман изламаслик керак. Лирик асар таҳлили учун муҳими шеърдаги ҳолат тасвирининг ўқувчилар ҳиссиёт оламида уйғотган реакция, муносабат эканини эсда тутиш лозим. Мантиқий хулоса, умумлашма фикр шеърнинг чуқур таҳлили ва ўқувчилар томонидан тўлиқ қабул этилганидан кейин ўз-ўзидан, табиий натижа сифатида чиқишига одатланиш даркор.

Ўқувчиларни лирик асар қаҳрамони ёки шоир ҳолатини бевосита ҳис этишга одатлантириш йўли билан уларни ўзгаларнинг руҳиятини илғайдиган, бировнинг

қайғусига дардкаш, қувончига шерик бўлиш қўлидан келадиган, туйғулари яланғоч, қалби ғайринсоний «занг»лар, қўтирлардан холи, маънавияти юксак, бир сўз билан айтганда, баркамол шахс сифатида шакллантиришни ўқитувчи фаолиятининг мақсади деб қараш керак.

Ўқувчиларни лирик асарлардаги шеърий санъатлар, нозик ишоралар, кўздан яширинроқ бадий тасвир воситаларини пайқашга ўргатиш йўли билан бадий сўз жозибасини туйишга одатлантириш зарур. Сўзнинг сеҳридан завқланиш боланинг ҳиссий сезимларини, нутқ бойлигини, фикрлаш малакасини орттиришини кўзда тутган ҳолда лирик асар таҳлилига ёндашиш керак. Ўқувчиларнинг қалб кўзини очиш, уларда атрофдаги гўзалликларга фаол муносабат уйғотиш адабиёт ўқитувчисининг назаридан четда қолмаслиги кераклиги ҳам лирик асарлар таҳлилидаги асосий қирралардандир.

Таълимий таҳлилда эпик асарларни ўрганиш ҳам катта ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, адабиёт ўқитиш тажрибасида эпик асарлар ва насрий асарлар атамалари, кўпинча муқобил маъноли атамалар тарзида қўлланилади. Ҳолбуки, эпик асар атамаси шеърий йўл билан битилган бир қатор жанрлардаги асарларни ҳам ўз ичига олади. Эпикликнинг энг асосий белгиси воқеабандлик ва тафсилотнинг мавжудлигидир. Шунинг учун ҳам бизнинг эпик асарлар таҳлили ҳақидаги қарашларимиз фақат насрий асарларга тааллуқли, деб ҳисобланмаслиги керак.

Қайси жанрда бўлишига қарамай, эпик асарларда персонажлар воқеалар қўйнида тасвирланади ва уларнинг табиатлари ҳодисалар тасвири асносида намоён бўла боради. Ўқув дастурларига ўрганиш учун кирилган бир қатор эпик асарларнинг ҳажман йирик эканлигини, уларни, кўпинча, лирик асарлар сингари бир зарб билан ўқиб чиқиб бўлмаслигини, бинобарин, бир ўқув соати ичида ҳам матн билан танишиш ва ҳам таҳлил қилиш иложсиз эканлигини таъкидлаш керак бўлади. Эпик асарларни таҳлил қилишнинг ўзига хослигини келтириб чиқарган омиллардан бири ҳам айни шу ҳажм масаласидир.

Лирик асарларда муаллиф ҳиссиётини яшириб ўтирмайди, бутун асар, фақат туйғулар жунбушига қурилла-

ди, кечинмалар қанчалик кучли ва ушарини келтириши қанчалик ёрқин бўлса, лирик асардан чиқадиган бадиий маъно ҳам шунчалик салмоқли бўлади.

Эпик асарларда эса, муаллиф туйғуси ҳам, лирик асарларда мутлақо бўлмайдиган персонажлар туйғулари ҳам очиқ ҳолда келмайди. Бу хил асарларда ҳар қандай ҳиссиёт воқеалар қаърига беркитилган бўлади. Қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар оғушида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тасвирлар жараёнига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади. Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида айти шу малакани— эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиш ва мантиқий хулосага кела билишни шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади.

Адабий таълим иши билан бевосита шуғулланадиган кишиларда савол туғилиши мумкин: жуда кўпчилик эпик асарлар ҳажман анча катта ва уларни ўрганиш учун дастурда белгиланган вақт ичида бу асарларни таҳлил қилиш у ёқда турсин, ўқиб чиқиб ҳам бўлмайди, ўқитувчи таҳлилни қандай уюштириши керак? Дарҳақиқат, эпик асарларни ўрганишга ажратилган вақт асарнинг ҳажмига нисбатан деярли ҳамиша оз.

Таҳлил қилинадиган асар қанчалик йирик бўлмасин, вақт эса қанчалик кам бўлмасин, эпик асарнинг мазмунини сўзлаб бериш мумкин эмас. Чунки асар мазмунини ҳикоя қилиб берувчи кимса қанчалик маҳоратли бўлмасин, бадиий асарнинг тароватини бутунлай йўққа чиқаради. Ўқитувчи нечоғлик уринмасин, у айти асарни битган ёзувчи бўла олмайди. Айти шу асарни фақат айти шу ёзувчигина ёза олади. Ўқитувчи эса ўзининг ҳикояси мобайнида асардаги инсоний тақдирларни, қизиқарли воқеаларни бериши мумкиндир, аммо инсон характерларини, уларнинг кечинмаларини бера олмайди. Асар матнини бевосита идрок этмаган ўқувчи учун эса бундай имконият бир умрга йўқолади.

Хўш, эпик асарларни керагидай таҳлил қилиш учун қандай йўл тутиш лозим? Бизнингча, аввало, эпик асарларга ҳам ҳар бир муайян асар ўрганиладиган синф ўқувчиларининг ёши ва ўрганишга ажратилган вақтдан келиб чиққан ҳолда турлича тадбир белгилаш керак. Чунончи, агар эпик асарни ўрганишга ажратилган вақт матни синфда бевосита идрок этиш ва таҳлиллаш учун



етарли бўлса, одатдагидай иш кўриб, таҳлилнинг уч усулидан бирини ёки ҳаммасини қўллаган ҳолда ўрганишга киришиш зарур. Мабодо ўрганиш кўзда тутилган асар жуда йирик бўлса, ўқитувчи, албатта, биринчи сўзда асарнинг бошланиш қисмини ва ундан сўнг энг қизиқарли, ўқувчи диққатини ўзига беихтиёр тортиб олишга қодир, персонажлар табиати ёрқин намоён бўладиган, муаллиф маҳорати кўзга ёрқин ташланадиган, қаҳрамонлар руҳий дунёси бўртиб акс этган ўринлардан бир нечасини ўқиб бериши ва асарнинг қолган қисмини уйда ўқиб келишни болаларга топшириши керак. Амалиётда катта ҳажмли, ажратилган вақт ичида синфда танишиш мушкул бўлган асарлар юқори синфларда берилади. Адабиёт ўқитувчиси бу синфлардаги талабаларга йил бошидаёқ ҳажми йирик асарларни қайси муддатгача ўқиб чиқиши кераклигини белгилаб бериши ва олдиндан ўқувчиларини бадий матн билан таништириб қўйиши ҳам мумкин. Лекин эпик асарни ўқиб қўя қолиш билан иш битмайди. Ўқилган асар воқеликка айланмаган имкониятдир. Қачонки танишиб чиқилган асар атрофлича таҳлил этилса, ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланади.

Адабиёт ўқитувчиси воқеабозликка берилмаса, асардаги жамики тасвири бир четидан ўқувчиларга **айтиб беришни** адабиёт дарси деб тушунмаса, бадий матндаги муҳим жиҳатни номуҳимдан ажратишни ўрганса, ўқувчилар билан ҳар қандай ҳажмдаги, ҳар канча мураккаб асарни ҳам таҳлил қилиш мумкин. Лекин бунинг учун ўқитувчининг ўзида таълимий таҳлил малакаси тўлиқ шаклланган бўлиши шарт. Афсуски, ҳозирги мактабларимиз шу хилдаги ўқитувчиларининг кўплиги билан мақтана олмайди.

Эпик асарлар таҳлил қилинаётганда адабиёт ўқитувчиси асардаги персонажларга жонли одам тарзида муносабатда бўлиши керак. Шундай муносабатда бўлингандагина тимсолнинг ўзига хослиги, адибнинг санъаткорлиги намоён бўлади. Кўпчилик ўқитувчилар ва эпик асардаги қаҳрамонлардан, аввал бошданоқ ғоя қидиришга тутинишади ва шу боис турли асарлардаги мутлақо бошқа-бошқа персонажлар икки томчи сувдай бир хил баҳо олади, бирдай талқин этилади. Ваҳоланки, ғоялар ўхшаш бўлади, лекин чексиз оламда бир-бирига тўлиқ ўхшаш бўлган икки киши йўқ. Бадий асар ва ундаги қаҳрамонлар тасвири эса, айни шу ўхшамаслик-

нинг, ўзига хосликнинг бадий ифодаси сифатида пайдо бўлган ҳодисалардир. Мактаб адабий таълимида Йўлчи ва Гофир, Жамила ва Гулнор, Саида ва Зайнаб, Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раъно тимсоллари таҳлилида ўқувчилар берган баҳоларнинг бир хиллигига сабаб адабиёт ўқитувчилари талабаларини бу қаҳрамонларга ўзига хос қиёфага эга жонли одам сифатида ёндашишга ўргатмаганлиги ва улардан фақат гоҳ қидириб, фақат ижтимоий хулоса чиқаришга уринаверганлигидир.

Кўп бор таъкидланганидек, ҳар қандай санъат асари, аввало, яхлит эстетик бутунликдир. Унинг маъносиз қисмларга бўлиниши асарни йўққа чиқариши, ҳеч бўлмаганда, унинг таъсир кучини кескин камайтириши мумкин. Лекин таянч синфларда, ҳатто юқори синфларда ҳам, кўпинча, бирор эпик асардан парча ўрганиш тавсия этилган ҳолатлар гоҳ кўп учрайди. Айни кунларда янгиланган адабиёт дастурида ҳам кўпгина эпик асарларнинг муайян қисмлари турли синфларда ўрганилиши кўзда тутилган. Бундай ҳолларда адабиёт ўқитувчиси қандай йўл тутиши керак? Бадий асарнинг шаклий тугалланганлигигина эстетик таъсирлашнининг яхлитлигига олиб келишини назарда тутиб, бирор асардан парча олиш керак бўлса, имкон қадар ўша асар яхлитлигига зарар етказмасдан иш кўриш лозим бўлади. Борди-ю, бунинг имкони бўлмаса, парча олинган асарнинг парчадан олдинги ва парчадаги тасвирлардан кейинги қисми ҳақида қисқагина маълумот бериш лозим. Ҳеч қандай изоҳ ва тушунтиришсиз, тавakkалига парча олавериш эстетик бутунликни бадий маъносиз қисмларга ажратиб ташлашнинг ўзгинасидир. Мактаб адабиёт дарсликлари ва дастурлари янгиланганига қадар бадий парчалар шу тамойилга амал қилинган ҳолда берилар эди, яъни келтирилган адабий парчадан олдин нималар бўлган, бундан кейин асар қандай якулланади, деган саволлар дарслик тузувчиларни асло ўйлантирмаган. «Бектемир ва Зина», «Алпомиш», «Чамбил қамали» каби боши-кети йўқ ғалати асар — парчалар ўқувчиларга на мантиқий, на эстетик жиҳатдан яхлит таъсир кўрсата олган. Таҳлил жараёнида адабиёт ўқитувчиси шу хилдаги кемтикликни кичик бир маълумот билан тўлдириб кетиши лозим. Дарслик тузганда эса, албатта, бадий бутунлик сифатида тасаввур уйғота оладиган бадий парчаларнигина

Ўрганиш кўзда тутилиши маъқулроқ булади. Фикрларимиз фақат назарий мушоҳадалардангина иборат бўлиб қолмаслиги учун бирор асар таҳлилини қилиб кўрамиз.

— Амалдаги ўқув дастури бўйича еттинчи синфда Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини икки соат мобайнида ўрганиш кўзда тutilган. Ажратилган вақтнинг биринчи соатида адиб ҳақида дарсликда бўлмаган айрим қизиқарли, унинг ўзига хос қиёфасини очиб берадиган маълумотлар бериш мумкин. Сўнг тўғридан-тўғри ҳикояни ўқишга тутиниш керак. Айрим ўқитувчилар барча ўқувчиларни фаолиятга тортмоқчи бўлиб ўрганилаётган асарнинг маълум жойигача бир ўқувчига, унда сўнг бошқасига ўқитади. Айтиш керакки, бу усул бадий асар эндигина ўрганилаётган вақтда эстетик яхлитликни бузадиган, асарнинг таъсир даражасини сезиларли йўқотадиган йўлдир. Ҳар қандай асл бадий матн яхши қўшиқ сингаридир. Қўшиқнинг бир бандини бир, иккинчисини бошқа, кейингисини учинчи бир қўшиқчи куйлашини тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам имкони борича матнни ўқитувчининг ўзи ўқиши лозим. Агар қандайдир бир сабаб билан бунинг имкони бўлмаса, у бирор ўрнига келтириб ўқишни уддалайдиган ўқувчисига олдиндан топшириши ва у синфда қироат қилишга ҳозирланиб келиши керак. Хуллас, биринчи соатда «Ўғри» ҳикоясининг матни билан танишилади.)

Дарслик мажмуада ҳикояни ўрганиш бўйича ўқувчиларга бир қанча савол ва топшириқлар берилган. Ўқитувчи болаларга ана шу саволларга жавоб бериши ва топшириқларни бажариш кераклигини айтади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида шу жараёнларни бажарадилар. Шу тариқа биринчи соатда ҳикоя таҳлили амалга оширилмайди. Иккинчи соатда эса тўғридан-тўғри асар таҳлиliga ўтилади. Ҳикоя таҳлилини унинг биринчи жумлаларини ўрганишдан бошлаган маъқул. «Ўғри»ни текстуал таҳлил қилиш кўпроқ самара беришини таъкидлаш жоиз. Негаки ҳикояда бадий мақсадга хизмат қилмайдиган, персонажлар табиатини очишга қаратилмаган биронта ҳам сўз йўқ. Бинобарин, асарда номуҳим унсурнинг ўзи мавжуд эмас. Шу боис худди лирик асарларни таҳлил қилгандай мазкур ҳикояни ҳам текстуал усул билан ўрганиш самаралироқ бўлади.

Уқувчилар диққати кампирнинг тонг қоронғусида туриши ва ҳўкиздан хабар олиши сабабларини топишга қаратилиши керак. Барча ўзбек аёллари, айниқса, қишлоқда яшайдиган ҳамма аёллар сингари саҳарлаб турган кампир болалар эътиборини дастлаб унчалик тортмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи кампирнинг саҳархезлигини шунчаки одат тарзида эмас, балки зарурият тақозоси сифатида кўрсатади: у хамир қориши керак. Ҳикоя матнидан маълумки, унинг дастёри йўқ. Демак, кундалик юмушлар кўпаймай, қуёш қизиб кетмай туриб нон ёпишга улгуриш керак. Бунинг устига, кексайиб қолган чоли (номи Қобил бобо эканига эътибор қаратилади) нонуштага иссиқ нон еб кетса, яна ҳам яхши бўлади. Эҳтимол, уларда нонуштага нондан бўлак ейдиган нарса ҳам йўқдир.

Энди ўқувчиларнинг эътиборини «... хамир қилгани» турган кампирнинг не боис ҳўкиздан хабар олганига қаратиш жоиз. Ҳар ким ўзи учун энг қиммат ҳисобланган нарсадан бот-бот хабардор бўлиб туради. Фарзандли она ҳамиша болаларидан хабардор бўлишга, бадавлат одам бойлигидан бохабар туришга интилади. Чолу кампирнинг уйида бир-бирларидан кейинги энг қимматбаҳо нарса— ҳўкиз! Шу боис кампирнинг турибоқ ундан хабар олиши ҳам тушунарли, ҳам ишонарли. Уқувчилар ҳикояда биргина товушдан иборат «О!...» гапи ташийдиган маънога, ифодалайдиган ҳолатлар экстрациясига диққат қилишлари лозим. Бу товуш— гап замирида кампирнинг қандай кечинмалари борикин? Болалар кампир тушган ҳолатни ҳис қилишга, унинг кечинмаю, сезимларини айтиб беришга уриниб кўришсин. Сўнг ҳикматга ўхшаб кетадиган: «Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин» жумласига эътибор кўчирилади.

Қашшоқлик, аввало инсоний орзулардан, интилишлардан маҳрум қилади. Шу боис деҳқоннинг уйи меъморчилик обидаси эмас, «бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш» билан тикланган кулба. Бинобарин, унинг куйиб кетиши уй эгаси учун катта йўқотиш эмас. Янгисини тиклаб олиш мумкин. Уй куйганда ёниб кетадиган бойлик ҳам йўқки, ёнғиндан чўчиса. Болалар кампирнинг ҳолатига диққат қилишсин: ҳўкизнинг йўқолганини билган кампир нима қилди?

Додлади! Бошқача бўлиши мумкинмиди? Уқувчи бу ҳақда ўйлаб кўрсин.

Ҳикоянинг бундан кейинги жумласи янада ғалати ва асосий воқеага алоқаси йўққа ўхшайди: «Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади»... «Одамлар дод овозига ўрганиб қолган...» бўлса, демак бу ҳолат тез-тез такрорланиб туриши тушунарли. Ахир ўзбек халқи андишали, овозини баландлатишдан ийманадиган халқ-ку! Бунинг устига воқеа инқилоб деб аталмиш тўнтаришдан олдин бўлган. У замонларда одамлар ичкилик аталмиш балони билишмасди. Бинобарин, бекорга дод солишнинг ҳожати йўқ эди. Лекин мустамлака халқ ҳеч қачон фаровон турмуш кечирмаслиги бор гап. Яъни Россия қўли остида бўлган мамлакатимиз фуқаролари фақир яшашган. Фақирликнинг азобини эса, энг аввало, аёллар торгади. Чунки рўзғорни улар юритишади, бор-йўқликни улар яхши билишади. Устига устак, улар она ҳам. Фарзандларнинг эҳтиёжларини қондириш ташвиши ҳам аввал оналарга тушади. Шу боис улар ҳар куни мустамлака юртнинг эркагини «у йўқ, бу йўқ» деб «эговлайди». Эркак ҳам рўзғорининг тўкис эмаслигини жуда яхши билади, аммо уни тўкис қилишнинг йўлини билмайди, чорасини тополмайди. Хотин эса ҳар куни ниманингдир йўқлигини эслатишдан чарчамайди. Айтгани бўлавермагач, кемтиклик бутунланавермагач, норози бўлади, эрига гап қайтаради. Ўзбекнинг эркаги аёлидан гап эшитишга ўрганмагани боис камбағалчиликни туғдирган сабабни бартараф этиш йўлини изламайди, балки норози бўлавериб, эрининг ҳамиятига теккан аёлнинг исёнини бартараф этиш йўлини излайди ва топади: уни яхшилаб калтаклайди.

Ўзбек аёли эрининг ҳамма калтагига ҳам дод сола бермайди. Агар айби учун калтак еса, ҳеч кимга билдирмайди. Дод солиш у ёқда турсин, кейинчалик ҳам бировга «тиш ёрмайди». Аммо жанжал камбағаллик туфайли келиб чиқсаю, хотима мушт билан яқунланадиган бўлса, энди бизнинг аёлни маъзур тутасиз. У эрининг камбағаллигини етти маҳаллага ёяди.

Энди дод овози туғилиш сабабларининг иккинчи қисмини кўриб чиқайлик: «... бировнинг уйи хатга тушади». Бугунги ўқувчи дастлаб бу жумлани тушунмаслиги аниқ. Шунинг учун ўқитувчи жумлага ойдинлик киритади: камбағал одам тирикчилик ўтказиш, очлик-

дан барҳам топиб кетмаслик учун энг синалган усулни ишга солади, яъни бадавлат одамдан қарз олади! Аниқки, қарз қачондир туланиши керак. Бақтида туланмаган қарз эвазига қарздорнинг ничоққа илинадиган мулки «хатга олинади», яъни бировнинг номига ўтказилади. Қамбағалда қандай мулк бўлиши мумкин? Болалари билан яшаб турган «бир қоп сомону бир арава қамишдан» бино бўлган уйда! Уйсиз қолган одамнинг аёли дод солиши табиий. Адиб: «Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди», деб таъкидлайди. Уқувчилар ўйлаб кўришсин. Нега? Бу уйдан шу пайтгача дод овози чиқмаган, чунки уй ўзлариники, ҳўкизлари ҳам бор эди. Ҳеч қутилмаганда, кампирнинг дод солиши атрофдагиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Уқувчилар ҳикоянинг шу жиҳатларини билиб боришса, унинг бадий салмоғи ортаверади.

Болалар Қобил бобо ҳолатини ҳам ичдан ҳис этишга уринишсин. Бунда ҳам энг яқин асос бадий матн. Тасвирга эътибор қилиш керак: «Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб, дағдағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди». Агар уқувчи Қобил бобо ҳолатини ҳис этмай, шунчаки ўқиб ёки эшитиб кетаверса, дарсдан кузатилган мақсад амалга ошмаган бўлади. Қандайдир бир одамнинг қийналаётганини билиб қўяқолиш бошқаю, унинг ҳолатига тушиб у кечирган туйғуларни ичдан ҳис этиш бошқа. Шунинг учун ҳам Қобил бобо ҳолатидаги ҳар бир чизги ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Нега Қобил бобо яланг оёқ, яланг бош, бунинг устига «яктакчан». Шу ўринда «яктакчан» сўзининг маъноси мамлакатимизнинг турли минтақаларида турлича эканига эътибор қаратиш керак. Тошкент ва Фарғона минтақаларида яшовчи аҳоли учун «яктакчан» дегани **яктаксиз** демакдир. Қолган минтақадагилар учун эса **фақат яктақда** мазмунини ташишга хизмат қилади. А. Қаҳҳор қайси ҳолатни кўзда тутганлигини бадий вазиятга қараб ўқитувчи билан ўқувчилар ҳал этишаверади.

Ўзбек қариялари ҳозир ҳам бошланг юришни одобсизлик деб ҳисоблашади. У пайтларда-ку яланг бош юриш бориб турган шаккоклик бўлгандир. Ҳикоямиздаги бобомиз эса яланг оёқ, яланг бош экани камлик қилгандай, яктаксиз эл кўзига кўринганини бугунги бо-

лалар нима деб изоҳлашаркин? Бу саволларга умумий равишда жавоблар топилиши керак. Уқувчиларнинг эътиборини қаҳрамоннинг ташқи ҳолатини тафтиш қилишдан унинг туйғулар дунёсини текширишга қаратамиз. Чолнинг тиззалари «букилиб-букилиб» кетишига сабаб нима? Уқувчилар бу сўзнинг икки бор ёзилишига диққат қилишсин. Чол нега «дағ-дағ титрайди»? Ҳаво совуқми, яктасизлигиданми ёки бошқа ички сабаб борми? Адибнинг «... ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди», деган таъкидини қандай тушунмоқ керак? Бобонинг кўзлари хирами ёки кутилмаган бахтсизлик учун кўзини қоронғулаштирадими? Ўзи аслида, чолнинг кўзи хиралашдими ёки ақли?

Энди тасвир қамровига элликбошини ҳам олиш мумкин. Бурунсизлиги, овозининг панглиги туфайли бошданоқ уқувчига ёқинқирамай турган элликбошининг бобони сенсираб: «Хўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади!» дея калондимоғлик қилиши улардаги нохуш таассуротни яна-да кучайтиради.

Уқувчилар — ғоят синчков. Агар уларнинг эътиборлари тўғри йўналтирилса, жуда кўп нозик ишораларнинг тагига етишлари мумкин. Улар элликбошининг ўғри тешган ерни нима сабабли икки бор кўрганини, қайтадан синчиклаб текширганини, ҳатто устунни ҳам қимирлатиб кўрганини кузатишади. Сал эътибор қилган кишига бу ҳаракатлар тагидаги ғараз кўриниб туради. Лекин Қобил бобо буни сезмайди. Чунки кутилмаган бахтсизлик унинг усиз ҳам унчалар ўткир бўлмаган ақлини ўтмаслаштириб қўяди. Уқувчилар элликбошининг ишонч билан айтган гапидан сўнг нима учун Қобил бобо йиғлаб юборганини тушунтиришсин. Ахир чол шу пайтга қадар йиғламай турганди, ҳўкиз топилади деган хабарни эшитиб йиғлаб юборишининг тагида қандай гап борикин?

Элликбошининг бундан кейинги ҳаракатлари унинг қандай шахс эканлигини янада яққол кўрсатади: «Йиғлама, йиғлама дейман! Хўкизинг оқпошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади», дейди кетидан йиғлаб эргашиб юрган Қобил бобога. Элликбоши кекса одамга, бунинг устига кулфатга йўлиққан қўшнисига нега бунчалик дағдаға билан сўзлайди, деган саволга болалар жавоб излашсин. Чунки элликбоши бошига иш тушган кишига ёрдам беришни эмас, балки ундан бирор нарса ундириб қолишни ўйлайди. Тўғри гапни тўғ-

риликча айтса, аввало, нимадир қилиш керак бўлади, иккинчидан, пора олиш қийин бўлади. Таъмининг йўлини яқинроқ қилиш, ҳўкизни топишига чолни ишонтириш учун эса уни бемалол сенсирайверади.

Манфаатга қўл бўлиш одамни имондан жудо қилади. Киши ўз истакларининг югурдагига айланиб қолганлигини сезмайдиган даражага тушиб қолиши ҳам мумкин. Босган қадамидан манфаат чиқаришга уринаверади. Бу йўлда унга инсоф, шафқат сингари туйғулар бегона бўлади. Шу боис: «Ҳўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади», деб чолни масхаралаган элликбоши ҳўкизни топиш учун ҳеч нарса қилмай туриб ён қўшнисидан пора олади. Ўқитувчи элликбоши сўзлари замиридаги масхараомуз оҳангга ўқувчилар эътиборини тортиши даркор. Токи болалар «оқ пошшонинг қўл остидан чиқиб кетмаса» топиладиган ҳўкизни излаш элликбошининг хаёлига ҳам келмаганлигини пайқасинлар.

Ўқувчилар эътибори пора эвазига элликбоши ҳўкизни излаш ва топиш ваъдасини эмас, балки бетўхтов аминга хабар бериш ваъдасини берганлигига қаратилиши керак. Анчагина пул эвазига қиладиган иши энг кераксиз ва самара бермаслиги олдииндан аён бўлган вомуш эди. Лекин у шунга ҳам қилмади. Бўлмаса, нега у аминни тилга олди? Чунки амин ҳам тўралик ҳалқасининг муҳим бўғинларидан эди. Бошига иш тушганлар эса уни ҳам боқишлари даркор эди. Қобил бобонинг ўзи амин ҳузурига борди ва ҳўкизи йўқолгани ҳақидаги хабарни етказгани ва аминдан «бетўхтов приставга хабар қиламан», деган ваъдани олгани учун унга ҳам пора берди. Аянчлисига шундаки, приставга ҳам чолнинг ўзи хабар етказди ва жабрланганини айтиш учун ҳам катта амалдорга, ҳам унинг тилмочига пора берди. Приставнинг кўрган чораси эса, чолга: «аминга бор» дейишдангина иборат бўлди.

Болалар инсон қадри топталган, ҳўқуқи оёқ ости қилинган ҳолатнинг шафқатсиз даражада реалистик ва мантиқий асосли манзарасини кўрадилар ва қалблари изтиробга тўлади. Нега бу амалдорлар бу хилда йўл тутишади? Порасиз-ку ҳеч иш қилишмас экан, жилла қурса пора олишгач ҳаракатга тушишмайди. Ёки ҳеч нарса қилмай туриб бировни талашдан қийналишмайди? Болаларни мана шу хилдаги ўйлар қийнаса, адабий таълимнинг бош мақсади — баркамол шахсни шаклланди.



тириш жараёни амалга оша бошлаган бўлади. Уқувчиларда ўзларига зарар келтира олмасликларига кўзи етган оддий, ожиз одамларни инсон қаторида кўрмайдиган кимсаларга кучли нафрат уйғонади. Уқувчилар амин билан Қобил бобо орасидаги муносабатни атрофлича таҳлил қилишлари керак. Арзга келган чолни кўрибоқ «оғзини очмай кекирган, сўнг бақбақасини селкиллашиб кулган», ҳўкизни атай сигир деб чолни масхаралаган, «йўқолмасдан олдин бормиди», «Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да!» дея қария устидан очиқчасига кулган, Қобил бобо олдида «чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига» тикқан, «чинчалоғини этигининг тагига арт»ган, ҳеч тортинмай бободан пора таъма қилган амин қиёфасидаги белгиларни бутун даҳшати, бутун мураккаблиги билан ҳис этган ўқувчиларгина Қобил бобо фожиасини чуқур англайдилар. Болалар ўйлаб кўришсин: амин ҳамиша ҳам ўзини шундай тутармикин? Уни ўз чиркин қиёфасини бу қадар яширмай иш кўришга даъват қилган куч нимада? Бизнингча, жазосизликда.

Амин бобони одам ўрнида кўрмайди, унга бир ҳайвон янглиғ муносабатда бўлади. Қариядан уялишни ҳам лозим кўрмайди. Шу боис чинчалоғини бурнига тикади, этигининг тагига артади. Ахир қанчалик бефаросат бўлмасин, амин бошқа кишининг олдида шу жирканч қилиқларни қилмаган бўларди. Қобил бобо олдида бемалол қилаберади. Чунки бобони инсон санамайди.

Амин нечоғлик юзсиз бўлмасин, унда барибир қандайдир ўзбеклик унсурлари сақланиб қолган. Қобил бобо иложсизликдан, хўрлиги келганидан, масхара бўлаётганидан алам қилиб йиғласа, «йиғлама» дея олмайди, лекин «йиғламанг» дегиси ҳам келмайди. Шу боис «йиғланмасин» дея вазиятдан чиқади. Ҳикоянавис тимсоллар табиатидаги энг майда ҳолатларни ҳам бехато илғай олади ва маҳорат билан акс эттира билади. Элликбоши Қобил бобого таъсирини ўтказиш, ёлғонига ишонтириш учун унга сенсираб гапиради. Оладиганини олиб бўлгач эса, унга доимгидай муомала қила беради.

Уқитувчи вақтдан ютиш, ўқувчиларини фаоллаштириш учун турли карточкалар тайёрлаши синф ўқувчиларининг ҳаммасини ўқув таҳлилига тўлиқ тортиш имконини бериши ҳам мумкин.

Юқори синфларда ҳажман анча катта эпик асарлар

Ўрганилганда таҳлил образларнинг қандай маҳорат билан акс эттирилганини кўрсатиш асосида олиб борилиши мумкин. Шунингдек, ҳаминша баҳсга, талашишга мойил таянч синфларда бадиий асар матни билан танишиб чиқилгач, ўқувчилар олдига маънавий-эстетик муаммо қўйиб, улардан бу муаммога муносабатларини билдиришни талаб қилиш орқали ҳам ўқув таҳлилининг амалга оширса бўлади. Хуллас, эпик асарларни таҳлил этишнинг усуллари жуда кўп ва ўрганиладиган эпик асар қанча бўлса, таҳлил ҳам ўшанча ўзига хосликларга эга бўлаверади. Адабий таълимда бирор қолипни ясаб олиб, ҳар қандай ҳолда ҳам шундан муваффақиятли фойдаланаман, деган ўқитувчи хато қилади.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, эпик асарларни таълимий таҳлилга тортишнинг ҳам ўзига хос талаблари мавжуд экан. Ҳар қандай таҳлил фақат бадиий матнга таянган ҳолда амалга оширилиши кераклиги ўқитувчи томонидан доим ҳисобга олиниши лозим.

Эпик асарларда воқеалар акс эттирилгани учун ва вақтдан ютиш мақсадида ёхуд ўзга бир ният билан бадиий асарнинг мазмунини ҳикоя қилишни бадиий матн билан таништириш тарзида тақдим этишга йўл қўйиш мумкин эмаслиги адабиёт ўқитувчисининг назаридан четда қолмаслиги лозим. На матн билан таништиришда, на таҳлил жараёнида эпик асар воқеаларини қайта ҳикоялаш иш турига айланмаслиги, балки адабий таълим тажрибасидан чиқариб юборилиши керак.

Қатта ҳажмли эпик асарларни таҳлил қилишда вақтдан самарали фойдаланиш учун адабиёт ўқитувчиси бадиий асардаги муҳим жиҳатларни, педагогик мақсадга кўпроқ даражада хизмат қилиши мумкин бўлган қирраларни эстетик таҳлил учун унчалар ҳам аҳамиятли бўлмаган номуҳим жиҳатлардан тўғри фарқлай билиши талаб этилади. Ўқитувчи унга ёндашиш йўли ва усулини тўғри белгилай олиши лозим.

Эпик асар ўрганилаётганда персонажларнинг феъл-атвор мантиғига мувофиқ иш кўраётганлиги муаммоси таълимий таҳлилнинг марказида туриши керак. Яъни ўқитувчи ўз талабаларига эпик асарни таҳлиллайётганда, уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, қилиқлари, қабул қилган қарорлари, қилган хулосалари, феъл-атворларига, мижозларига мувофиқми, руҳий жиҳатдан асосланганми, кечираётган туйғулари ҳақиқатан

уларнинг ўзларига мосми, деган нуқтаи назардан туриб иш кўришни ўргатишлари лозим.

Эпик асарларда ҳам бадий яхлитлик устивор аҳамиятга эга, бинобарин, бирор эпик асардан олинган парча таҳлил этилаётганда унга бутуннинг бўлаги тарзида ёндашиш назарда тутилиши жоиз. Чунки эпик асардаги бирор ҳолат тасвири ўз-ўзича мавжуд бўлмайди, балки ундан олдинги ҳаракат тасвири туфайли туғилиб, ўзидан кейинги бадий вазиятнинг яратилишига сабаб ҳам бўлади. Худди шу ҳолатларни ҳисобга олиб иш кўриш парчаларни ҳам эстетик яхлитлик тарзида таҳлилга тортиш имконини беради ва парчанинг бадий таъсир даражаси сусайиб кетмаслигига олиб келади.

Эпик асарлар ўрганилаётганда, умуман барча турдаги бадий асарларни таҳлил этаётгандаги каби ўқитувчи асарнинг бутун сирини ўзи айтиб қўйишга ошиқмаслиги керак. Чунки ўқувчиларда ҳам яратиш иштиёқи, кашф этишдан лаззатланиш туйғуси кучли бўлади. Ўқитувчи айна шу сифатларни ривожлантириши ва бола табиатининг ажралмас бир хусусиятига айлантиришни ўйлаши керак. Шундай экан, таҳлилни ўқувчиларга ҳам топиш, яратиш, кашф этиш имкониятини берадиган тарзда уюштириш лозим.

Эпик асарни таҳлил этиш фақат мантиқий жараёнга айланиб қолмаслиги, балки ҳамиша асардан гўзаллик топишга интилиш диққат марказида туриши лозим. Насрий тил жозибасини, турли-туман бадий воситалар туфайли туғилган эстетик мўъжизаларни пайқайдиган ва шундан лаззатланидиган ҳамда шу лаззатнинг манбаини тушунтириб бера оладиган ўқувчилар миллий адабий таълимимизнинг энг олий мақсадидир. Адабиёт ўқитувчиси ўз тарбияланувчиларини ана шу олий мақсад сари олиб боришни унутмаслиги керак. Эпик асарлар таҳлилида бадий шартлилик, образлилик, бадий фантазия, оламни ўзгача эстетик назар билан кўриш ҳуқуқи сингари масалалар ҳақида ҳам тўхталиш болаларни хилма-хил ижодий йўналишдаги, турли жанрлардаги бадий ҳодисаларни мустақил равишда қабул қила олишларига ва улар орасидаги асл санъат асарларини сохта оригиналлардан, суюқ оммабоп битиклардан ажрата билишларига имкон яратиб беради.

Мактаб адабий таълимида драматик асарларни ўрганиш салмоқ жиҳатидан у қадар катта ўрин тутмасида, мураккаблиги жиҳатидан анчагина баҳсу мунозара-

ларга сабаб бўлган. Чунки аслида сахнада намоён этиш учун ёзиладиган драматик асар табиати жиҳатдан ўрганиш ва айниқса, таҳлил қилиш ғоят мураккаб бўлган турдир. Очигини айтганда, драматик асар айрим жиҳатлари билан кўркам адабиёт намунасидан кўра театр санъатига яқинроқ туради. Драматик асарда бадиий тасвир воситасидан маҳорат билан фойдаланилганини ёки жозибали бадиий тили хусусида фикр айтиб, умумлашмалар қилиш қийин. Чунки ёмон ижро мобайнида гўзал асардаги барча нозикликлар йўқолиб кетиши мумкин бўлганидек, кучли ижро туфайли ўртамиёна бир асар томошабинда юксак таассурот қолдириши ҳам мумкин.

Драматик асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бадиий ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишининг сезги аъзоларига бевосита ташқаридан таъсир этиш қудратига эга бўлган ягона адабий турдир. Драмада қаҳрамонлар ҳаёти, характери воқелик тарзида намоён бўлади ва томошабинга кучли таъсир ўтказди, шунинг учун ҳам драма асарларини таҳлил қилиш нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки адабиётшунослар учун ҳам анчагина мураккаб юмуш саналади. Лекин ўқувчиларимизни кучли инсоний характерлар билан, тўқнашувлардан ўт чақнайдиган ҳаётий зиддиятлар билан таништириш орқали уларда ҳаётий нуқтаи назарни, маънавий қадриятларни шакллантириш эҳтиёжи бугунги мактаб дастурларида драматик асарларни ўрганишни ҳам кўзда тутишни тақозо этади.

Амалдаги янгиланган дастурда сахна асари билан умумтаълим мактаблари ўқувчилари илк бор еттинчи синфда дуч келишади. Улар юнон фожианависи Софоклнинг «Шоҳ Эдип» фожиасини ўрганишлари керак бўлади. Кейинги синфларда «Мирзо Улуғбек», «Темир хотин», «Падарқуш», «Абулфайзхон», «Заҳарли ҳаёт», «Жаннатга йўл» сингари драматик асарларнинг ўрганилиши кўзда тутилади.

Айрим мутахассислар еттинчи синф ўқувчилари (ўн тўрт яшар болалар) ғоят мураккаб туйғулар тасвир этилган, чигал инсоний тақдирлар кўрсатилган «Шоҳ Эдип» асаридаги бадиий маънони, инсоний драмаларни, изтиробларни тушунмайдилар, дея болаларга «меҳрибончилик» қилишади. Айтиш керакки, ўн тўрт яшар одам оламдаги энг мураккаб туйғуларни ҳам ҳис этадиган одамдир. Агар ўз вақтида тайёрлаб борилмаса,

туйғулар камол топтирилмаса, ҳиссиётлар парвариш кўрмаса, ўн тўрт ёшида эмас, қирқ тўрт ёшида ҳам инсоний туйғулардан, мураккаб кечинмалардан беҳабар умр кечириб ўтавериш мумкин.

Фикр қилиш, ҳис этиш, туйиш кўникмаси ҳам бошқа ҳар қандай инсоний кўникма ва малакалар сингари ёшлиқдан шакллантирилиши лозим. Бунинг устига болаликдан ўспиринликка ўтиш даврида ўқувчилар маънавий масалаларида муросасиз бўлишади. Шу боис ўқувчиларга жуда жўн, енгил «ҳазм» бўладиган бадий озуқаларни тикштириб интеллектуал эстетик текнхўрларга айлантириб қўйишдан сақланиш лозим. Бу ҳақда замонавий китобхонлик муаммолари, ўқувчиларда эстетик дидни шакллантириш масалалари билан чуқур шуғулланувчи мутахассис И. И. Аркиннинг қуйидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Агар болалар биринчи синфдаликларидан бошлаб адабий асарларни санъат ҳодисаси сифатида ўқиш ва қабул қилишга, бадийят мезонлари билан ўлчашга,... чин санъатни қалбакисидан фарқлашга ўргатилса, агар адабиёт билан унинг яхлитлиги ва тизимлилигига амал қилган ҳолда бутун мактаб йилларида шу зайлда шуғулланилса, бешинчи синф ўқувчиси юксак санъат асарларини бемалол қабул қиладиган бўлишади. ... Афсуски, биз санъаткор болаларга қанча эрта етиб келса, уларнинг китобхон сифатидаги, демакки, маънавий-руҳий жиҳатдан улғайишлари ҳам шунча тезроқ рўй беришини ҳанузгача тушуна олмаймиз<sup>1</sup>».

Даврнинг энг илгор педагоглари ҳам ўқувчиларнинг маънавий «юк»ини енгиллатиш бола руҳиятининг такомиллига фақат зарар келтириши ҳақида шу хилдаги қарашларни ёқламоқдалар.

Драматик асарни ўқув таҳлилига тортишда ўқитувчи бир қатор қийинчиликларга дуч келиши мумкинлиги ҳаммага аён. Аввало, драматик асарнинг ўқилиши бошқа турдаги асарлардан тубдан фарқ қилади ва муайян назарий ҳозирликни талаб этади. Шу хилдаги тайёргарлик йўқлиги учун ҳам кўпчилик ёшлар драматик асарларни ўқишмайди. Борди-ю, саҳна асари ўқилган тақдирда ҳам уни идрок этиш, унинг замиридаги бадий маънони топиш осон кечмайди. Чунки драма асарида

<sup>1</sup> Аркин И. И. Возвращение к литературе. Журнал «Литература в школе». 1993, № 1, с. 55.

муаллиф мутлақо иштирок этмайди, унинг нуқтаи назари бирор йўл билан баён этилмайди ва асарда рўй бераётган тўқнашувларни маънавий жиҳатдан баҳолаш ҳамда ундан эстетик хулоса чиқариш ўқувчининг ҳаёт тажрибасига, ақлий даражасига, маънавий сифатларига боғлиқ бўлиб қолади. Мураккаблик яна шундаки, драма асарларида воқеа ҳам, туйғу ҳам етакчи бўлмайди. Бу хил асарларда характер асосий ўрин тутади. Драматик асарни характерлар тўқнашуви тутиб туради.

Агар адабиёт ўқитувчиси драматик турдаги асарларнинг шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритса, бу хил асарларни ҳам жуда таъсирчан таҳлил қилишга эришади. Фақат бизнинг назаримизда, драма асарини матни билан танишишдан олдин драматик асарга хос хусусият, саҳна, парда, кўриниш, монолог, диалог, лўма, ремарка, пролог, эпилог сингари саҳнавий тушунчалар тўғрисида қисқа назарий маълумотлар бериш керак бўлади. Негаки, шу хилдаги назарий маълумотларсиз саҳна асарини ўқиб ҳам, тушуниб ҳам бўлмайди.

Биз қуйида бундан 2500 йил олдин яшаб ўтган драматург Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарини қай йўсинда таҳлил қилиш мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этамиз. «Шоҳ Эдип» трагедияси воқеалар трагедияси эмас, инсоний характерлар фожиасидир. Муаллиф асарда «нима бўлади?» деган саволдан кўра, «қандай бўлади?» деган саволга жавоб беришга кўпроқ эътибор берган. Трагедия бошдан-оёқ қисматнинг қудратини, тақдирнинг инсон устидан чексиз ҳукмронлигини намойиш этувчи воқеалар асосига қурилган бўлса-да, Софоклнинг бемисл маҳорати туфайли асарда қатнашган ҳар бир қаҳрамон пьеса давомида ўзининг чинакам қиёфасини тўлиқ кўрсата олади.

Жаҳон адабиётида Эдип сингари изтироблар қийноғини тортган, ўзи истамаган ва ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда гуноҳлар ботқоғига ботган ва шу босис кечирган азобларининг даражаси янада кучлироқ бўлган бошқа қаҳрамонни учратиш қийин. Фожидадаги изтироблар силсиласининг даҳшатли томони шундаки, асардаги қаҳрамонлар қилган гуноҳлари учун эмас, қисматлари шундоқ бўлганлиги учун қийноқларга гирифтор этиладилар.

Софокл учун гуноҳнинг ким томонидан ва қандай

амалга оширилгани эмас, балки қилинган гуноҳга яраша адолатли ажрим масаласи муҳимдир. Драмагург инсон ва қисмат муносабатларини кўрсатиш жараёнида ҳар бир алоҳида инсоннинг ўз қисмати билан ўзига хос тарзда, маънавий дунёсига лойиқ даражада учрашганини ҳаққоний акс эттира билган. Билиб-билмай гуноҳга ботилдими, ундан тозаланиш учун ҳаракат қилиш жараёнида ҳар бир қаҳрамон ўзига хос йўл тутади ва шу тарзда ўзининг инсоний сифатларини намоён этади.

Трагедия марказида Эдип образи туради. Эдип азалдан безовта ва ғамгусор қалб соҳиби. Эдип ҳеч қачон шаънига доғ туширадиган иш қилмаган ва шу боис: «Менинг дилимдаги мудом тилимда», — дейишга ҳақли. Ўзга юртдан келиб, фиваликлар хоҳиши ва ўзининг тадбиркорлиги туфайли бу юртга шоҳ бўлган Эдип қонуний шоҳ Лайнинг ўлимида ўзининг ҳеч қандай иштироки йўқлигига ишонади. Шунинг учун ҳам марҳум Лай томонидан номаълум қотилга қарши: «Майли ўзим бўлай хунталаб ўғил, — дейди. Шундай одамга авлиё Тиресийнинг: «Юртга бу офатни келтирган — сенсан», деган даъвоси даҳшатли адолатсизлик бўлиб туюлиши табиий, албатта.

Софокл бадий тасвир тарихида биринчи марта перипетия деб аталувчи тасвир усулидан фойдаланади ва юксак бадий натижага эришади. Бадий асар қаҳрамонлари ҳаракатларининг улар истагига мутлақо зид натижа бериш тасвири усули перипетиядир. Тиресийнинг даъволари туфайли Эдип кўнглида пайдо бўлган шубҳани йўқотиш учун қилинган ҳар бир ҳаракат шоҳнинг гумонини катталаштириб бораверади. Иокаста тилидан Лайнинг чорраҳада ўлдирилганини эшитганда Эдип юрагида шубҳа жиддий томир отади. Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини мазкур шубҳа уруғининг тез кўкариб мевалар беришига имкон яратади. Қутилмаганда, ўзининг Лай қотили эканини билиб, аёвсиз азоб исканжасида қолган Эдип бошига тоғдан ҳам оғир фалокат ёғилади: у ўз отасини ўлдирган падаркуш, ўз онасига уйланган зинокор ва ўз онасидан фарзандлар кўрган бадбахт кимса экан!

Айни Эдипнинг, бир замонлар Фивани балолардан халос этган шоҳнинг гуноҳлари туфайли юртга офат ёғилиши ва офатлар сабабчисини излаётган кишининг ўзи сабабчи бўлиб чиқиши асносида Эдип шахсиятига

хос энг кучли ва тўзон инсонлар.  
Чўпон билан суҳбат жараёнида вазиятнинг оғирлаша-  
ётганини, ҳақиқатнинг ойдинлашуви унинг зарарига бў-  
лишини билса-да, Эдип чўпонга: «Эвоҳ, сен айтишинг,  
мен тинглашим шарт»,— дейди. Бу ўринда Эдип тақ-  
дир қаршисида ожиз, лекин инсоф ва адолат тушунча-  
ларига собит бир шахс сифатида гавдаланади. Унинг  
ҳар бир гапи қанчалик азобланаётганлигини ёрқин кўр-  
сатади. Шоҳнинг ҳаёт йўлларига киритилган ҳар бир  
аниқлик унинг юрагига қадалган ханжар каби таъсир  
этиши ва унинг даҳшатли оғриғи жуда ишонарли тас-  
вирланган.

Эдип ўзини аяйдиган киши эмас. У ўзликни енгган,  
манфаатдан устун тура биладиган буюк инсон. Айни  
вақтда, Эдип ҳам тирик одам. Оддий банда. Шу боис  
кўрқади, иккиланади. Унинг Иокастага қарата: «Шуб-  
ҳам борки, авлиё кўр эмас», «Кўрқаман, ортиқча га-  
пирвордим», — дея қилган иқрорларида унинг шу хис-  
латлари намоён бўлади. Эдип шахсиятидаги етакчи фа-  
зилатлар — ҳалоллик ва виждонлилик. Табиатидаги  
бошқа сифатлар унинг шу фазилатларига тобе. Шу-  
нинг учун Эдип шиддатли ташаббуси билан фон этув-  
чи ҳақиқатнинг тагига етади. Бу ҳақиқат ўлимданда  
оғир, шармандалиқдан-да кир. Эдипдай инсон шу ҳо-  
лат билан келишишга мажбур. Буюк саналувчи инсон-  
нинг нақадар ожиз экани мазкур ҳолат тасвирида бу-  
тун аянчли жиҳатлари билан аён бўлади:

Тамом, бари аён! О, ёруғ жаҳон,  
Сўнгги бор кўрмоқда кўзларим сени.  
Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳаром менга,  
Қонга булғанганман, жирканчман, жирканч!

Ҳақиқат онларининг бутун даҳшати ўзининг ниҳоя-  
сиз залвори ва чексиз кўлами билан кишини босади.  
Эдип — йирик шахс. Шу боис ўзини гуноҳга яраша жа-  
зога торта билади. Қисмат туфайли қилинган гуноҳ  
учун ўз ихтиёри билан ажр беради: кўзларини кўр қи-  
лади! Жазонинг салмоғи ҳам гуноҳнинг кўламига яра-  
ша. Эдип тушган шароитда ўлиш — қутулиш, яшаш —  
азобланиш демак. Азоб инсонни ғуссага олиб келади,  
ғусса чекиш покланиш йўлининг бошланишидир. Эдип  
адоқсиз азоблараро покланиш сари йўл олади. Эдип-  
нинг ўзига берган жазоси лаҳзалик ҳолат натижаси



эмас. Ҳалол ва виждонли одам ақли ва туйғуларининг  
ҳукмидир:

У дунёда ота-онам юзига  
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам?  
Бадбахт онам мендан туққан болага  
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам?  
... Юртга қонли доғ туширган қотилни  
Йўқ қилишга ўзим фармон берганман.  
Энди эса фуқаронинг кўзига  
Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам?  
Йўқ! Бу ҳам кам. Қўлим бўлса бақувват...  
Қулоғимнинг пардаларин йиртардим...

Эндип қийноқлардан зорланмайди, енгиллик бўли-  
шини хаёл ҳам қилмайди.

У сўнгги дамгача ҳам юрт қайғуси билан яшай ола-  
диган инсон. Шу сабаб охири дамда:

Мен бадбахт бошимни олиб кетаман,  
Токи худоларнинг қаҳру ғазаби  
Юртимга ёғилмасин!

дея фиваликларни офатлардан халос этишга уринади.

Асардаги бошқа қаҳрамонлар ҳам фожеа томонидан  
жуда нухта ишланган. Хусусан, Иокаста, Креонг, Ти-  
ресий образлари бадий баркамоллиги туфайли ҳануз-  
гача ҳам ўз эстетик қимматларини йўқотмай келмоқ-  
далар.

Иокаста—оддий аёл. Онага, аёлга, хотинга хос барча  
хусусиятлар унга ҳам бегона эмас, Иокаста ҳам ҳамма  
аёллар сингари, аввало, рўзгорнинг тинч, яқинларнинг  
беташвиш бўлишини истайди. Унинг учун олий ҳақиқатга  
етишдан кўра рўзгорнинг бутунлигини сақлаб қолиш  
муҳимроқ. Элчи билан Эдипнинг суҳбатидан эрининг  
аслида ким эканини эркаклардан олдинроқ сезиб қолган  
фаросатли Иокаста: «Бари бир эмасми? Мунча ёнма-  
санг...» дея илтижо қилади. Эдипга қарата: «Билмага-  
нинг яхши зотингни шўрлик!» деб хитоб айлаганда ҳам,  
бутун ҳақиқатни била туриб сир бермай, Эдип ва элчи  
ёнидан кетиб қолганида ҳам чинакам аёл, меҳрибон  
хотин сифатида намоён бўлади. Ўз ўғлига хотин бўлган-  
инини, боласидан фарзандлар туққанини билган Иокаста  
бир аёл қилиши мумкин бўлган чорани кўради: ўзини  
осиб қўяди. Иокаста шахсияти Эдип шахсияти сингари

қўламдор эмас. Шу боис ҳам у Эдип сингари чора кўриши ёки сўнгги дамда юрт ташвишини ўйлаши мумкин эмасди. Софокл бу ҳолни буюк санъаткорлик билан ифода эта билган.

Драматург қаҳрамонлари руҳиятини энг нозик жиҳатларигача беҳато кўради ва ёрқин тасвирлай билади. Сир очилган, Иокастани излаётган Эдипнинг ҳолати шундай тасвирланади:

Тиг сўраб кимнидир суриштирди у,  
Қани хотиним, деб айта олмасди,  
Айта олмас эди, қани онам, деб...

Эдипнинг Креонтга қарата: «Уни... Уйдагини... ўзинг дафи этгил, Ўзинг бил... бу сенинг қондошлик бурчинг»,— дея қилган илтимосида қаҳрамон вужудидаги адоқсиз ғам, чексиз хижолат жуда ингичка, нозик тасвирланганки, бу сатрларнинг йигирма беш аср олдин битилганига ишонгиси келмайди одамнинг.

Айни бир ҳолатдан бир-бирига зид икки хил маъно чиқариш, бир вазиятдан қарама-қарши хулосаларга кела билиш «Шоҳ Эдип»да юксак санъат даражасида ҳал этилган. Эдипнинг қизлари билан хайрлашуви саҳнаси бу жиҳатдан ақлни лол қолдиради:

Қайдасиз, қизларим, яқинроқ келинг..  
Илк бор ака бўлиб... қўл чўзай сизга,  
... Ёнингизда турган шу бадбахт ота  
Кўрмасдан, билмасдан... сизни оламга  
Келтириб қўйди-ку... ўз онасидан..  
Отангиз — падаркуш, онангиз эса —  
Сизни ўз ўғлидан туққан қабоҳат.

Ўз қизларига ака бўлиб қўл узатишга, онасидан фарзанд кўришга мажбур бўлган одам қисматининг бутун даҳшати ўқувчилар вужудини ларзага солади.

Софокл мазкур трагедия орқали одамларга насиҳат қилмоқчи, йўл кўрсатмоқчи эмас. У асаридан хулоса чиқаришга ҳам ҳеч кимни ундамайди. Лекин бадиий ҳақиқатнинг даҳшатли қудрати ўқувчини ўйга толдиради. Софокл ҳаётнинг мураккаблигини, инсон тақдирининг чигаллигини бутун шафқатсизлиги, гўзал ва жирканч тарафлари билан кўрсатиб берган. Ўзини дунёнинг хўжайини деб ҳисобловчи одам аслида ўз қисматига ҳам хўжайин эмаслиги ҳаққоний акс эттирилган. «Шоҳ Эдип» фожиасининг моҳияти инсон умрининг, инсон эришган мартабаларнинг ўткинчи эканлиги, одам умри унга им-

лиҳон учун берилганини англатишда намоён бўлади. Бу асар кишини ўзи, ўзгалар, одам, олам, ҳаёт ҳақида ўйлашга ундайдиган бадий дурдонадир. Эдипни қандай баҳолаш керак? Қандай одам ўзи? Фожиа китобхонни таъсирлантириш, туйғуларини жунбушга келтириш йўли билан ўйлашга мажбур этади. Ўйлаш эса буюк неъматдир. Камолот йўлининг биринчи бекатидир.

Драма асарини таҳлил қилганда ўқитувчи, биринчи навбатда, асарнинг саҳна учун ёзилганини ҳисобга олиши керак. Матн билан ўқувчиларни таништиришдан олдин, албатта, уни қандай ўқиш ва қандай тушуниш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ беришдан ташқари, саҳна асарини идрок этиш калити бўлган муайян назарий маълумотлардан болаларни хабардор этиши шарт. Имкони бўлса, ўқитувчи драма асарининг театр вариантини эшиттиргани ёхуд томоша қилдиргани жуда яхши бўлади. Бунда асардан олинган таассуротни бузмаслик учун кейинги соатни ҳам адабиёт дарсига олиш керак бўлади. Агар спектакл ёзиб олинмаган бўлса, ўқувчилар синфда асарни ўқиб чиқишлари керак. Қийинчилик томони шундаки, бошқа адабий турдаги асарлар сингари драматик асар намунасини истаган ўқувчи ҳам ўқийвермайди. Мутолаа самарадорлиги ва асар қабул қилинишини тўлароқ таъминлашни истаган ўқитувчи дарсдан бир неча кун олдин пьеса матнини ўқиши керак бўлган ўқувчиларга алоҳида топшириқ бериши ва уларни ўқишга тайёрлаши керак. Кичик бўлса-да, махсус тайёргарликсиз драма асарини керагидай ўқиш мумкин эмас. Аниқроғи, синфдаги ўқишнинг ўзига хос ярим спектакл бўлиши асарнинг яхши таҳлил этилишига омилдир. Таҳлилда ўқитувчи драма қаҳрамонларининг характериға асосий эътиборни қаратиши ва барча бадий унсурларга характер мантиғидан келиб чиқиб баҳо беришга ўқувчиларни ўргатиши керак.

Ҳар қандай турдаги асарни таҳлил этишда ҳам ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш, шарҳли ваъзлар ўтказиш, назарий тушунчаларни ўргатиш сингари ёрдамчи воситалардан унумли фойдаланиш таҳлилнинг теранлигини оширади ва ўқувчиларнинг мантиқий фаолиятини амалий кўникмага айлантиришда қўл келади. Юқорида айтилган фаолият турлари, аввало, бадий асарни ўрганишга хизмат қилиши нуқтаи назаридангина адабий таълим учун аҳамиятли экани ҳамиша ўқитувчиларнинг ёдида бўлиши керак. Афсуски, баъзан бу хилдаги иш

турларига мустақил мартаба ато этиб, бадий матни ўрганишга дахлсиз бир ҳолат тарзида ёндашиш ҳоллари учраб туради. Адабиёт ўқитувчиси бу хил қарашлардан қутулиб ўз эстетик — эвристик фаолиятини қуюш-қонлардан озод қилиб, ўқувчилар тафаккури ва руҳиятига бадиятнинг чинакам намуналарини имкон қадар кучлироқ сингдира билсалар, адабий таълим олдига қўйилган вазифа бажарилади. Жамиятнинг маънави-яти соғломлашади.

## ХУЛОСА

Кейинги бир неча йил инсон тафаккури тараққиёти тезлашуви ва соғломлашуви жиҳатидан мислсиз аҳамиятга эга йиллар бўлди. Йигирманчи аср поёнидаги бир нечагина йил ижтимоий мулкнинг афзалликлари ҳамда синфий кураш, қарама-қаршилик ва инкорни инкорнинг чексиз қудрати тўғрисидаги бир неча асрдан бери инсониятнинг ўй-хаёлини банд қилиб келаётган қарашларнинг яроқсиз эканлигини исботлаб бериш учун кифоя қилди. Бу ҳол ижтимоий мулк ва сиёсий муассасаларга бўлган қарашлардагина эмас, балки, умуман, ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Олам ҳодисаларини фақат курашлар орқали идрок қилишга одатланган миллионлаб кишилар онги муайян фикрий қолиплардан халос бўлди ва улар дунёга буюрилганидай, талаб этилганидай эмас, балки эркин назар ташлай бошладилар. Яшаётган жамияти тўғрисида эркин фикрлай бошлаган кишилар ижтимоий тараққиётда маънавий қадриятлар тутадиган устивор мартабани аниқ тасаввур қиладиган бўлдилар. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, маънавий қадриятларга эътибор бу қадар кучайганлигининг боиси шундадир. Тўғри, ҳозирча маънавиятга эътибор кўпроқ эътироф ва ташвиқ кўринишида содир бўлмоқда. Маънавиятни ривожлантириш, эзгу қадриятларни тиклаш ва қарор топтириш истаги мамлакатимизда иқтисодий-ташкилий имкониятлар билан мувофиқ келяпти, деб бўлмайди. Лекин мустақилликнинг энг оғир ва қалтис дамларини бошдан кечириётган юрт учун бундан ортиқроқ ишнинг амалга оширилиши ҳам тасаввурга сиғмайди.

Маънавий қадриятларга эътиборнинг ортганлиги ўз-ўзидан шу хилдаги қадриятларнинг шакллантирилишида, ёйилишида ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин бўлган ижтимоий-маърифий ва илмий муассасаларга кў-

шимча масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам кейинги беш-олти йил ичида жамият аъзоларининг деярли барча қатламлари учун тарбия ва уни йўлга қўйиш чоралари тўғрисида фикр билдириш, мулоҳаза айтиш заруриятга айланди. Ватандошларимиз орасида маънавийликни шакллантириш фақат педагогика илми ва амалиётининг фаолият соҳаси эмас, балки умуммиллий масала эканлигини англаш қарор топди. Энди ижтимоий қарашлар ўзгарган, миллий тафаккур соғлом тамойилларга таяна бошлаган, миллий қадриятларга қайтиш оммавий тус ола бошлаган бир шароитда тарбияга муносабат, уни изоҳлаш ва тарбиявий тадбирларни амалга ошириш борасида янгича ёндашув шаклланиши табиий эди. Ўзгарган жамият педагогик қарашлар тизимининг ҳам ўзгаришини талаб этди.

Янгиланган тафаккур, соғлом тамойилларга асосланган ижтимоий муносабатлар эски педагогик қарашлар билан келиша олмаслиги аён эди. Шу тариқа миллий педагогикамиз бутун эътиборни умуминсоний қадриятларга таянадиган шахсларни шакллантиришга қаратиш имконига эга бўлди.

Педагогика илми баҳс юритадиган муаммолар қадриятга, маънавийликга дахлдор бўла боргани сари тарбия амалиётида ҳам ахлоқий қадриятларнинг қарор топтирилиши барча педагогик тадбирларнинг марказига қўйила бошлади. Янгиланган миллий педагогикамиз учун ўқувчилар маънавий оламида эзгу фазилатларни таркиб топтириш биринчи даражали аҳамият касб этадиган бўлди.

Соғлом педагогик қараш қарор топган шароитда адабий таълим эътибори ҳолат баланд бўлиши ва унинг олдига ўта жиддий, салмоқли талаблар қўйилиши табиий ҳол эди. Чунки ёш авлод шахсини шакллантириш борасида мактабда ўргатиладиган бирорта ўқув предмети ҳам адабиёт машғулотларининг ўрнини боса олмайди, унинг зиммасидаги вазифаларни удалай билмайди. Таълимни инсонийлаштириш мактабда адабиёт ўқитишга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Айни вақтда, ўрта мактабда ҳам, олий мактабда ҳам адабиётни эскича ўқитиш мумкин бўлмай қолди. Чунки жамият тафаккуридаги, педагогик қарашлардаги туб ўзгаришлар бадий адабиёт ва у ҳақдаги фан бўлиши адабиётшуносликда бутун залвори ва жиддияти билан моддийлашмоқда эди. Нафис адабиётнинг табиатини ту-

шунинч ва изоҳлаш, уни мактаб ўқувчиларига ўргатишнинг мақсад, вазифа ҳамда мазмунини белгилаш борасида тамомила янгича қарашлар юзага келди. Шундай шароитда адабиёт ўқитиш ишига эскича ёндашиш мумкин эмас эди. Адабий таълимни янгича ижтимоий оғталаблари даражасида ташкил этишнинг тамойилларини белгилаш педагогика назарияси учун ҳам, адабиёт ўқитиш методикаси учун ҳам, тарбия амалиёти учун ҳам кечиктириб бўлмайдиган зарурат тарзида намоён бўлди. «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» тадқиқоти айти шу кўп қиррали зарурият натижаси ўлароқ юзага келди.

Қўлланмада жамият ижтимоий онгида рўй берган ўзгаришлар, уларнинг сабаблари ва мазкур ўзгаришларнинг педагогик тафаккурга қилган таъсири масаласи тадқиқ этилди ва бугунги педагогик фикр тараққиёти тамойилларига хос кузатишлар жаҳон тарбияшунослик фани ривожланиш йўналишлари билан солиштирилган ҳолда баён этилди.

Китобда дунёқарашлар хилма-хиллиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига таянилган ва мамлакатнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосланилган ҳолда ҳал этилди.

Демократик андазаларга мувофиқ дунёвий тараққиёт йўлига кирган мамлакатимизда ҳукмрон мафкуранинг, давлат миқёсида мажбурий ҳисобланувчи мафжуранинг мавжудлигига конституциявий тўсиқ қўйилганлиги тарбия олдидаги мақсад ва вазифаларни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлиги ҳаётий мисоллар ёрдамида асослаб берилди. Айти вақтда, миллий тарбияшунослигимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ва жаҳон педагогикаси тарихидаги илғор йўналишларга таянилган ҳолда миллий тарбияшуносликка хос хусусиятлар ишлаб чиқилди.

Янгиланган педагогик тафаккур адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ва эстетик-педагогик асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Мазкур қўлланмада миллий адабий таълимнинг илмий-назарий асослари илк бор ҳар томонлама тадқиқ этилди. Унда адабиёт ўқитишда таяниладиган илмий, услубий, педагогик, эстетик асослар мажмуи соғломлашган илм нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Шарқ ва Ғарб бадиияти асосларидаги туб фарқлар хусусида ҳам тамомила янгича қарашлар баён этилди. Бадиий ижод ҳодисаларининг Аристо-

телнинг «мимесис» назариясига таяниб изоҳлаш билан тасаввуф таълимотидаги асосий тушунчалардан бўлмиш «тажалли» назарияси асосида тушунтириш ўртасидаги жиддий фарқларга атрофлича тўхталинди. Адабий таълимнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги чин инсонга хос туйғуларни, кечинмаларни, ҳиссиётларни бевосита қабул этадиган ва унга муносабат билдирадиган таъсирчан қалбни бунёд этишдаги беқиёс ўрни миллий ва жаҳон эстетикаси тажрибаларига таянилган ҳолда янгича назар билан тадқиқ этилди.

Китобда адабиёт ўқитишнинг амалий жиҳатларига дахлдор ўта долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида ҳам батафсил фикр юритилган. Адабий таълимни ташкил этишда унинг ўзига хослигини юқори даражада ҳисобга олмай туриб, ижобий натижага эришиб бўлмаслиги далиллар ёрдамида исботлаб берилади. Чунончи, адабий таълимда ўқувчи ва ўқитувчини таълимнинг объекти ва субъекти тарзида қарама-қарши қутбларга ажратиб бўлмаслиги, адабиёт ўқитиш жараёни иштирокчилари тенг ҳуқуқли шерик, бир фаолиятни амалга оширувчи ҳамкорлар бўлгандагина адабий таълим олдидаги мақсадга эришиш мумкинлиги батафсил асослаб берилади. Тарбияланувчи билан ўқитувчи ўртасидаги педагогик ҳамкорлик ҳамкорлик педагогикасига айланганда ёки сифат жиҳатидан тамомила янги тарбиявий ҳодиса юзага келгандагина адабий таълим кутилган самарани бера олади.

Адабий таълимдан мақсад бадий матни нозик ва тўғри идрок қилиш орқали шахслик сифатларини шакллантириш бўлганлиги боис бадий асар таҳлили адабиёт ўқитишда ўзига хос юксак мавқега эгадир. Кўркем адабиётни таҳлиллашнинг турлари ва бу турларга хос хусусиятларни атрофлича тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бадий адабиётни филологик ва таълимий таҳлил қилиш ўртасидаги айирмани текшириш ва шу асосда хулосалар чиқариш фақат назарий аҳамиятга эга бўлмай, жуда муҳим амалий салмоқ ҳам касб этади. Илмий ва ўқув таҳлилининг таърифлари, уларнинг таснифлари, таҳлилларга қўйиладиган талаблар, таҳлилда таяниладиган тамойиллар янгича илмий қарашларга суянилган ҳолда ўрганилиши адабий таълимнинг юқорироқ поғонага кўтарилишига асос бўлади.

Миллий усулиётимизда илк бор ушбу монографияда текстуал таҳлил, тимсолли таҳлил, муаммоли таҳлил

сингари ўқув тадбирларига хос жиҳатлар ва уларни амалга ошириш йўллари ҳақида адабиёт назарияси ва мактаб амалиёти маълумотларига таянилган ҳолда хулосалар чиқарилди, ўзига хос кузатишлар тизими ишлаб чиқилди. Бадиий асарни ўрганишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги масаласи руҳшунослик илми хулосаларига таянилган ҳолда ҳал этилди. Зеро, турли ёшдаги ўқувчиларнинг ҳиссиётлар олами ва дунёни туйишдаги ўзига хосликларни ҳисобга олмай иш кўриш адабиёт ўқитишнинг самарасини йўққа чиқариш демакдир.

Мактабда ўрганиладиган кўркем асарларни ўқув таҳлилига тортишда ўқувчиларнинг жинс хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Турли жинсдаги ўқувчиларнинг бир хил ёшда турлича, бир-биридан кескин фарқ қилувчи тайёргарлик даражасига эга эканлиги жаҳон тарбияшунослиги тажрибасидан келтирилган мисоллар ёрдамида исботлаб берилди. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиб иш юритиш билан биргаликда у ёки бу жинсдаги болаларга хос умумий жиҳатларни кўзда тутиб таълимни уюштириш адабиёт ўқитиш самарадорлигини юксалтириши табиийдир. Қиз ва ўғил болаларнинг ўзига хос хусусиятлари психология илмининг сўнгги хулосалари асосида аниқланган ҳолат эканини кўзда тутиб иш кўргандагина мақсадга эришиш мумкинлиги қўлланмада атрофлича текширилган ва исбот қилинган.

Бадиий асарларни таҳлил қилишда ўрганилажак адабий асарнинг қандай турга мансуб эканлигини ҳисобга олган ҳолда педагогик тадбир белгилаш ҳам яхши натижалар бериши қўлланмада асослаб берилган. Романи таҳлил қилишда қўл келган усул билан лирик асарга ёндашиш ёки драматик асарни таҳлил қилишда тўғри келган усул билан эпик асарларни ўрганиш кутилган самарани бермаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам тадқиқотда ҳар хил адабий турга мансуб асарларни таҳлиллашда қандай усуллардан фойдаланиш маъқулроқ эканлиги амалдаги ўқув дастурида ўрганиш кўзда тутилган бир қатор асарларни таҳлил қилиб бериш жараёнида амалий жиҳатдан кўрсатиб берилди.

Адабий таълимнинг гоят кўп қиррали ва мураккаб жараёни эканлиги, аммо бадиий матни ўрганиш, ундаги бадиий нафосатни ҳис қилиш, топа билиш энг муҳим фаоллият тури бўлиб қолиши, бу жараёнда адабиёт ўқи-



1  
 тувчисининг бекиёс ва алмаштириб бўлмайдиган ўрни  
 атрофлича тадқиқ этилди. Қўлланмада янгиланган пе-  
 дагогик тафаккур ва ўзгарган ижтимоий вазият ўқитувчи  
 олдига қўйган инсоний, маънавий ва касбий талаблар  
 ҳақида ҳам маълум даражада тўхталинди. Шу тариқа  
 ўзбек адабиётини мактабларда ўқитишнинг илмий-на-  
 зарий асослари умумий тарзда, муайян бир тизим хо-  
 лида ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
<b>I б о б. Янгича педагогик тафаккур тараққиётининг асосий йўналишлари</b>	
Соғлом педагогик фалсафа ва янгиланган тарбияшунослик- нинг етакчи хусусиятлари . . . . .	8
Янгиланган педагогик тафаккур шароитида тарбия, унинг омиллари, тарбияланувчи ва тарбиячи муносабатлари . . . .	14
<b>II б о б. Адабий таълимнинг илмий-назарий ва эстетик-педа- гогик асослари</b>	
Адабий таълимни янгилаш: зарурият ва омиллар . . . . .	22
Соғлом методология — адабий таълимни янгилаш асоси . . . .	33
Мактаб адабий таълимнинг эстетик-педагогик асослари. . . .	35
Мактаб адабий таълими мазмунининг асосий тушунчалари- га қўйиладиган талаблар . . . . .	52
<b>III б о б. Мактабда адабий асарни ўрганиш асослари</b>	
Бадий асар таҳлилининг назарий-методик масалалари (таҳ- лил турлари, йўналишлари, тамойиллари ва таҳлилга қўйи- ладиган талаблар) . . . . .	63
Ўқув таҳлили: назарий ва амалий қирралар . . . . .	85
Ўқув таҳлилида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти . . . . .	99
Ўқув таҳлилида адабий турга хос хусусиятларни ҳисобга олиш методикаси . . . . .	117
Хулоса . . . . .	147

1200c

W C